Кўзалиқир қальясини А. Асқаров Чирмонёб дехқончилик маркази-нинг бош шаҳри вазифасини бажарган деб кўрсатади¹⁴. Кўзалиқир атрофлари ва жанубий Довдон ҳавзасида 34 та, шимолий ва жанубий Довдон оралиғида суғориш тизимлари ёнидан бир неча кишлоқлар, Манқирқалъядан 6–10 км шарқ томонда 3 та мустаҳкамланган қишлоқ ҳаробалари, Уаз воҳасидан 11 та қишлоқ аниқланган¹⁵. Бу худудлардан топилган мил. авв. VI асрларга оид сопол парчалари А. Асқаров фикрини исботлайди.

Ўзига хос иктисадий, маданий тараккиёт жанубий Хоразм худудидан топилган Хумбузтепа ёдгорлигига кузатилади. Ёдгорлик Ҳазорасп шаҳридан 17 км шарқда, Амударёнинг чап соҳилида жойлашган. Бугунги кунда унинг 4,6 га қисми сақланиб қолган¹⁶. Хумбузтепа* мил. авв.

¹³ Ўша асар. 28-бет.

¹⁴ Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чикиш тарихи. Тошкент, 2014. 189-бет.

¹⁵ Эгамбердиева Н. А. Археологические и археографические исследования истории древнего Хорезма (VI–IV в. до н. э.): Дисс. ... канд. истор. наук. Нукус, 2001. 55–56-бетлар.

¹⁶ Мамбетуллаев М. Хумбузтепе-керамический центр южного Хорезма // Археология Приаралья. Вып. II. Ташкент, 1984. 22-бет.

* “Хумбуз” сўзи хоразмликлар диалектида “сопол буюмларни пиширадиган ўчок”, яъни хумдон деган маънони англатади.

VII охирларидан – III асрларгача мавжуд бўлган йирик кулолчилик ва диний марказ ҳисобланади¹⁷.

Хумбузтепада олиб борилган стратиграфик тадқиқотлар натижасида унинг учта қурилиш босқичи аниқланган. Биринчи босқичда ярим ертўла ва чайлаларнинг излари, сопол ишлаб чиқариш мажмуаси, ундан жануброкда икки ярусли хумдон, устахона топилган. Бу хумдон қурилиш жиҳатдан мил. авв. I минг йилликнинг иккинчи чорагига оид Марғиённанинг Учтепа ва Чурнок ёдгорликларидан топилган хумдонларга ўхшашлиги аниқланган¹⁸. Шунингдек, бу босқичда асосан цилиндроконус шаклли гардиши қармоқсимон тарзда ишланган сопол идишлар топилганилиги қайд этилади. Аммо, гардиши қармоқсимон шаклли сополларнинг учрашини академик А. Асқаров инкор этади, чунки бу сопол буюмлар Кучук II ёдгорлигидан топилган сопол идишлардан фарқ қиласи. Ошхона учун ишлатиладиган узун цилиндр шаклли сопол қозонлар ва това (жаровня) учрайди. Ўз тадқиқотларида С. Р. Болелов биринчи босқични мил. авв. VII аср охирлари – мил. авв. VI асрларига¹⁹ оид деб кўрсатади.

Иккинчи босқичида ишлаб чиқариш объектлари монументал характер қасб этиб, янги устахоналар қурилади. Ярим ертўла ва чайлалар кум билан тўлдирилиб, ўрнида хумдонлар қурилган. Бу даврга оид ибодатхона излари топилган. Сопол идишларнинг ишланиши биринчи босқичдан фарқ қилиб, хумчасимон идишларнинг бўйин қисми алоҳида ажратилган, гардиши учбурчаксимон учи ўтқир қилиб ишланган. Цилиндроконик сопол идишлар сиртининг баззи бир қисмлари қизил ранг билан бўялган ёки қизил ранг оқизилган. Коса, тогорачаларнинг ташки ва ички қисми эса қизил ранг билан бўялган²⁰. Бундай сопол идишлар Кўзалиқир ёдгорлиги учун ҳам характерлидир.

Учинчи босқичга оид қурилиш қолдиклари аниқланмаган, лекин бу даврга оид ниҳоятда кўп сопол идишларнинг парчалари ва тошқоллар топилган.

Хумбузтепа ёдгорлигидан хунармандчилик устахоналари, хумдонлар, кўплаб кулолчилик тошколлари ва ахлат ўралари топилган. Бу

¹⁷ Болелов С. Б. Ранний этап становления ремесленного производства на территории Хорезма. 6-бет; Сетмаматов М. Б. ва бк. Хумбузтепа... 65–67-бетлар.

¹⁸ Болелов С. Б. Ранний этап становления ремесленного производства на территории Хорезма... 6-бет.

¹⁹ Болелов С. Б. К вопросу о формировании ранней земледельческой культуры в низовьях Амударьи. // Scripta antiqua. Вопросы древней истории, филологии, искусства и материальной культуры. Альманах. Том. 5. М., 2016. 32-бет.

²⁰ Ўша асар. 31-бет.

ердаги хумдонларнинг катталиги 2,2 метрдан 7,5 метргача бўлиб, улар атрофида кул, ҳайкалчаларнинг синиклари, идишни пиширишда ишлатиладиган тагликлар, пишган ва ҳом ғишт бўлаклари топилган²¹. Бу топилмалар Хумбузтепанинг сопол буюмлари ишлаб чиқариш хунармандчилик маркази бўлганлигини асослайди.

Хумбузпета ёдгорлигини ўрганиш жараёнида оғирлиги 50–100 грамм бўлган лойдан ишланган тухумсимон ядролар топилган²². Тадқикотчилар уларни мудофаа палахмон тошлари деб баҳолайдилар. Бу эса, ўша даврларда қалья ҳимоясига аҳолининг алоҳида эътибор қаратганлигини кўрсатади.

Кейинги йилларда ёдгорликда олиб борилган тадқикотлар натижасида хумдонларга яқин жойдан милоддан аввалги V–IV асрларга оид зардуштийлик ибодатхонаси излари топилган²³. Ибодатхонанинг 12 x 12 метр ҳажмли майдонида марказий зали ва унинг шаркий қисмидан озиқ-овқат омбори бўлганлиги аникланган. Бу жойдан ерга кўмилган 12 та хум ва хумчалар топилган бўлиб, уларда турли донлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари сакланган бўлиши мумкин. Ибодатхона марказида пишик ғиштдан ишланган 4 та устун тагкурси топилган. Ёдгорликдан кўзасимон идишлар, косалар, сувдонлар, тогоралар, хум, хумчалар, турли терракота-ҳайкалчалари ва мил. авв. V–IV асрларга оид бронзадан ишланган камон ўқ-учлари топилган.

Кўзаликир ва Хумбузтепа ёдгорликларини яратган аҳоли вакиллари қадимги Хоразм ҳудудидаги урбанизацион жараёнга асос солган бўлсалар-да, бу ёдгорликларининг бунёд этилиши масаласи олимлар ўртасида кўплаб мунозараларга сабаб бўлмоқда. О. А. Вишневская, В. Н. Ягодин, М. Мамбетуллаев, С. Б. Болелов, С. Р. Баратовлар ўз тадқикотларида Кўзаликир ва Хумбузтепа ёдгорликларга мил. авв. VII асрнинг охирлари – VI асрнинг бошларида асос солинган деган фикрни билдиришади²⁴. С. Р. Баратов Серахс воҳасидаги Язпета-II ва қадимги Хоразм ҳудудидан топилган сопол идишларнинг бўйин қисмининг кизил ранг билан бўялганлигига ва каналларнинг курилишида ўхшашлик борлигини

²¹ Садуллаев Б. Хумбузтепа топилмалари // Халқ сўзи. 12 февраль. 2013.

²² Мамбетуллаев М. Хумбузтепе-керамический центр южного Хорезма... 35-бет. 10-расм.

²³ Сетмаматов М. Б. ва б.к. Хумбузтепа.. 66-бет.

²⁴ Вишневская О. А., Рапопорт Ю. А. Городище Кюзелигыр. К вопросу о раннем этапе истории Хорезма // ВДИ. 1997. № 2. 153-бет; Ягодин В. Н. Генезис и формирование раннехорезмийской государственности // История государственности Узбекистана. Т. 1. 111-бет; Мамбетуллаев М. О формировании и развитии городской культуры в Хорезме, 83-бет; Болелов С. Б. Ранний этап становления ремесленного производства на территории Хорезма. 7-бет; Баратов С. Р. Некоторые проблемы археологических исследований древних культур Хорезма // O'zbekiston tarixi. 2007. №-4. 2014. 29–30-бет.

кўрсатади. С.Р. Баратов хорасмийларни* қўйи Амударё бўйларига Киаксар даврида кўчиб келган бўлиши мумкин деган фикрни илгари суради. Шунингдек, Доро I саройида хизматда бўлган юнонистонлик Скилакнинг “Саёҳатнома” асарида “парфияллардан шарқда яшайдиган хорасмийлар” хақидаги маълумотни келтириб, Доро I даврида ҳам бу худуд Хоразмнинг бир кисми бўлган деган фикрни илгари суради²⁵. С.Р. Болелов Хумбузтепанинг сопол буюмларнинг ишланиш услуби таҳлил қилиб, унинг биринчи босқичини мил. авв. VII асрнинг охирлари – VI асрларга оидлигини кўрсатади²⁶.

Хорасмийларнинг қўйи Амударё бўйларини ўзлаштиришлари масаласини А. Аскаров, Б. И. Вайнберг тадқиқотларида мил. авв. VI асрнинг охирлари²⁷ деб кўрсатишган. А. Аскаров Кўзаликир, Хумбузтепа керамика комплексида мил. авв. VII асрга тегишли Кучук II даври сопол буюмлари учрамайди деб кўрсатади ва Скилак маълумотларини, археологик манбалар таҳлил қилиш асосида қўйидагича хулоса беради: “Милоддан аввалги VI асрда қадимги Хоразм тарихида кутилмагандан туб маънодаги тарихий воқеа юз берди. Эрон Аҳамонийлари империясининг подшоси Доро I нинг солиқ сиёсати туфайли, Хилменд (Хирот) водийсининг Авесто хорасмийлари ўз ватанларини ташлаб, Амударё қўйи оқими томон қўчишга мажбур бўладилар. Бу воқеа Скилак – Герадот маълумотларига кўра, милоддан аввалги 513 йилдан сўнг юз берган. Кема ва солларда сак-массагетлар юртига биринчি бор кириб келган хорасмийлар, бўлгуси Хоразм воҳасининг ғарби ва жанубида Хумбузтепа, Ҳазорасп ва Кўзаликирда илк бор макон топиб, сугорма дехкончилик билан шуғуллана бошлайдилар. Унгача, хорасмийлар Хилменд (Хирот) водийсида яшаб, ўтрок ҳаёт кечирган, сугорма дехкончилик маданиятини ривожлантиришда юксак ва бой тажрибага эга бўлганлар. Хорасмийларнинг Амударёни қўйи ҳавзаларига кириб келиши билан сак-масса-

* хорасмийлар-хоразмликлар бўлиб, юнон ёзма манбаларида шундай ном билан беришган.

²⁵ Баратов С.Р. К проблеме истоков урбанизированной культуры низовий Амудары... 42-бет;

²⁶ Болелов С. Б. К вопросу о формировании ранней земледельческой культуры в низьях Амудары... 35-бет.

²⁷ Аскаров А. Ўзбек халкининг келиб чикиш тарихи, 249-бет; Ртвеладзе Э.В. Государственное объединение “Большой Хорезм”-миф, созданная учёными или историческая реальность // Хорезм в истории государственности Узбекистана. Ташкент, 2013. 34–35-бетлар; Вайнберг Б.И. Изучение памятников Присаракамышской долины Амудары в 70–80-х гг. // Скотоводы и земледельцы Левобережного Хорезма (древность и средневековье). М., 1991. Ч. 1. 89-бет.

гетлар ватанида янги этнотопоним – Хоразм атамаси пайдо бўлади”²⁸. А. Аскаров хорасмийларнинг куйи Амударё бўйларига кириб келишини Доро I даври билан боғлайди ва Скилакнинг аҳамонийларга тобе худудларига саёҳатини асос қилиб, аниқ санани – мил. авв. 513 йил деб кўрсатади. Шунингдек, ўз фикрини Гекатей ўз асарида Скилакнинг “Саёҳатнома” китобидан фойдаланганлиги билан ҳам асослайди.

Ёзма манбаларда қадимги хоразмликларнинг жанубдан келганлиги хақидаги маълумотлар сакланиб қолган бўлса-да, улар ниҳоятда кам ва муаммолидир. Хорасмийлар тўғрисида Абу Райхон Берунийнинг Сиёвуш, қадимги юонон муаллифлари Скилак ва Гекатейнинг “парфия-ликлардан шарқда хорасмийлар яшайди”, Геродотнинг Акес дарёсига қурилган тўғон, Аҳамонийлар давлати 16-сатраплиги тўғрисидаги хабарлари, Стефан Византийскийнинг “уларда Хорасмия шахри бор” деган маълумотлари олимлар томонидан таҳлил қилган²⁹.

Ёзма манбалардаги маълумотлар ҳамда Кўзалиқир, Хумбузтепа, Ҳазораспдан топилган археологик манбалар асосида хорасмийлар илгари жануб томонда яшаб, кейинчалик маълум бир сабабларга кўра, Амударёнинг куйи оқимиға кўчиб келиб, ўзига хос цивилизацияга асос согланликлари асосланмоқда. Лекин хорасмийларнинг илк ватани масаласида ҳозиргача олимлар ўртасида бир хил қарашлар шаклланмаган. Аксарият олимлар бу ҳудуд Тажан-Мурғоб водийсида бўлган деган ғояни илгари сурадилар³⁰. Э. В. Ртвеладзе бу масалага оид қарашларни географик жиҳатдан таҳлил қилиб, хоразмийларнинг ватанини Туркманистоннинг жануби-шарқий, Афғонистоннинг шимоли-ғарбий кисмida жойлашган Амударё ва Мурғоб оралиғи бўлиб, Банд-и Туркистон тоғ олди ва Пара-

²⁸ Аскаров А. Ўзбек халкининг келиб чикиш тарихи. 249-бет.

²⁹ Беруний Абу Райхон. Қадимги ҳалклардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар. I жилд. Тошкент, 1958; Геродот. История в девяти книгах. Ленинград, 1972; Хлопин И. Н. Историческая география южных областей Средней Азии. Ашхабад, 1983; Вайнберг Б. И. Этногеография Турана. М., 1998; Пьянков И. В. Хорасмий Гекатея Мим-Летского. ВДИ, № II, 1972; Дьяконов И. М. Восточный Иран до Кира. (К возможности новых постановок вопроса) // История Иранского государства и культуры. М., 1971. 122–153 бетлар; Куклина И. В. Аракс Геродота. История вопроса // Археологический сборник, XXIII. Л., 1983. 36–48-бетлар; Дьяконов И. М. Образ Сиявуша в среднеазиатской мифологии // Краткие сообщения Института материальной культуры АН СССР. Вып. XI. М., 1951; Доватур А. И., Калистов Д. П., Шишова И. А. Народы нашей страны в “Истории” Геродота. Тексты, переводы и комментарии. М., Наука, 1982.

³⁰ Ртвеладзе Э. В. Между Бактрией и Маргiana – первоначальная территория расселения хорасмиеv // Хорезм в истории государственности Узбекистана. Ташкент, 2013. 35–36 бетлар; Баратов С. Некоторые проблемы археологических исследований древних культур Хорезма. // O'zbekiston tarixi. 2007. №-4. 33-бет.

мисаднинг фарбий томонида бўлган деб хулоса беради³¹. Хорасмийлар кўйи Амударё бўйларига мил. авв. VI асрнинг иккинчи ярмида келгандар, бу эса Кир II босқинлари натижасида содир бўлган деб кўрсатади.

Қадимги Хоразмнинг мил. авв. VI асрлардаги тарихи бўйича тадки-қотчилар томонидан турли ғоялар илгари сурилган бўлса-да, бугунги кунда Хумбузтепа, Ҳазорасп ёдгорликларида олиб борилаётган археологик тадқиқот ишлари бу масалаларга ойдинлик киритиши мумкин. Хумбузтепа хорасмийлар илк бор Амударё кўйи ҳавзаларига кўчиб келган даврни билдиради. Хорасмийларнинг бу миграциясини А. Аскаров Скилакнинг “Саёҳатнома” асаридан олинган Геродот хабарига асосланса, С.Р. Баратов ва С.Р. Болевовлар бу миграция жараёнини мил. авв. VII асрда юз берган деган ғояни илгари сурадилар. Бу масалада Хумбузтепа сополларининг аник даврий санаси муҳим ўринни эгаллади. Бизнингча, Хумбузтепа сополларини қайта синчиклаб ўрганиш зарур. Кўйи Амударё бўйларига кўчиб келган аҳоли дастлаб ертўлаларда яшаб, сопол ишлаб чиқариш мажмуасини барпо этганлар. Кейинги босқичларда, тураг жой массивлари ва кулолчилик устахонаси монументал аҳамиятга эга бўлади, яъни мил. авв. VI асрнинг охирлари – V асрда уларнинг ижтимоий-иктисодий ва маданий ҳаётида туб ўзгаришлар кузатилиб, қадимги Хоразм цивилизациясига асос солинади.

Қадимги Хоразм ҳудудида мил. авв. VI асрда бунёд этилган қальялар табиий тепалик – қирлар устига қурилган. Қальяларнинг мудофаа тизими ўзига хос бўлган. Бу давр қальялари пойdevор устига қурилмаган, отиш йўлаклари анча пастроқда жойлашган³². Минораларнинг устки қисми очиқ бўлиб, девор чизигидан бўртиб чиқиб турган. Кўзалиқир қальясида шинаклар 62 метр узунликдаги деворга шахмат тарзда ўйиб ишланган³³. Шинакларнинг бундай қурилиши қалья ҳимояси пайтида жангчиларнинг ҳам тик турган, ҳам тизза билан ўтирган ҳолатда жанг килиш имконини яратган.

Мил. авв. VI–V асрларда Хоразмда дехкончилик, чорвачилик билан бир каторда хунармандчилик соҳаси ривожланди. Хунармандчиликнинг бир неча тури мавжуд бўлган. Кулолчилик, темирчилик, заргарлик, айниқса, заргарликда феруза тошларга ишлов бериши кенг тарқалган.

³¹ Ртвеладзе Э. В. Время, причины и пути миграции хорасмиеев в низовья Амударьи. // Хорезм в истории государственности Узбекистана. Ташкент, 2013. 43-бет.

³² Ходжаниязов F. Қадимги Хоразм мудофаа иншоотлари. Тошкент, 2007. 81-бет.

³³ Ходжаниязов Г.Х. Фортификация древнего Хорезма, (VI в. до н.э. – IV в. н.э.). Дисс. ...канд. ист. наук. Нукус, 1996. 109-бет.

Хумбузтепа ёдгорлигидан мил. авв. VI асрнинг охирларига оид икки ярусли хумдан топилган³⁴. Хумбузтепадан топилган хумданлар ёнидан сопол буюмлари ишлаб чиқариш билан боғлик биноларнинг қолдиқлари аникланган. Алоҳида қурилган хумданлар Кўзалиқир атрофидан ва мил. авв. V асрга оид Жингилжи қалъя кўргонидан ҳам 3 та хумдан топилган.

Темирчилик устахоналари ҳам ҳар бир дехқончилик воҳасида мавжуд бўлган. Бундай устахоналар Кўзалиқир, Хумбузтепа ёдгорликлиридан ҳам топилган. Шунингдек, қадимги Хоразм ҳудудида турили металларга ишлов бериш устахоналари ҳам бўлган. Мил. авв. VII асрга оид Кўйисой-2 ёдгорлиги ҳудудидан мис куймалари, қотишмалари, шунингдек, яроқсиз юганинг бўлаги ва ёдгорликнинг шарқий томонидан мис эритиш кўрасининг излари топилган. Ёдгорликда феруза тошларга ишлов бериш устахонасининг излари аниқланган. Бронза куйини устахонаси Кўзалиқир ёдгорлигидан ҳам топилган.

Қадимги Хоразм ҳудудидан энг қадимий ёзув намуналари Ойбуйирқалъя ва Хумбузтепадан топилган. Ойбуйирқалъя мил. авв. V–IV асрларга оид бўлиб, оромий алифбоси асосида ёзилган ёзув хум сиртига битилиган³⁵. Хумдаги ёзувни ўқиган В. А. Лившиц, уни оромий ёзувига асосланган хоразм ёзуви деган хulosага келади. Ёзув лотин ёзувидағи транскрипцияси куйидаги кўринишга эга бўлган: *mrys (mru) XI h III III III*, яъни 11 мари 9-х. Бу хумнинг сифимини билдирган. Ҳажм ўлчови мари (mari) Эрон, Парфия, Миср ва олд Осиёда кенг кўлланилган. Лекин улар турлича белгиланган³⁶. Хоразмда 1 мари 16,5 ёки 17 литр бўлган. Хумга 200 литрга яқин суюқлик сифтан³⁷. Бу топилма Хоразмда кўлланилган ҳажм ўлчови ҳакида маълумот беради.

Хумбузтепа ёдгорлигидан острак (сопол парчаси)га ёзилган ёзув топилган. Тадқиқотчилар бу ёзувни мил. авв. IV–II асрларга оид деб кўрсатишган³⁸. Острак оқ ангобга бўялган бўлиб, ёзув унинг ташки қисмида олти қатор ва ички қисмида 3 қатор қилиб ёзилган, лекин кўп ҳарфлар учуб кетган. Тадқиқотчилар остракдаги ёзувни ўқиб, унда

³⁴ Боледов С. Б. Ранний этап становления ремесленного производства на территории Хорезма. 6-бет.

³⁵ Мамбетуллаев М. М. Городище Большая Айбуйиркала // Археология Приаралья. Вып. 4. Ташкент, 1990. 98–102-бетлар.

³⁶ Мамбетуллаев М. М. Хум из городища Большая Айбугиркала с древнейшей надписью в Средней Азии // Вестник ККО АН УзР. 1979. № 1. 47-бет; Мамбетуллаев М. Городища Большая Айбуйиркала. 99–100-бет.

³⁷ Мамбетуллаев М. М. Городища Большая Айбуйиркала. 100-бет.

³⁸ Мамбетуллаев М. Хумбузтепе-керамический центр южного Хорезма. 36-бет.

Хумбузтепага олиб келинган ёки олиб кетилган ун микдори, сифати ва уни олиб келган ёки олиб кетган одамлар ҳакида маълумот ёзилган деб кўрсатишган.

Хумбузтепадан топилган бу ёзув ўзига хос хўжалик хужжати бўлган. Бу хужжат мисолида биз Хумбузтепага олиб келинган ёки олиб кетилган нарсалар хисоб-китоб қилиниб борилганинги ва бу жараёнда кимлар иштирок этганинги, олинган ёки олиб келинган нарсалар микдори аниқ берилиб, маҳсулот сифати ҳам кайд килиб борилган деган хulosага боришимиз мумкин.

Шунингдек, Хумбузтепада ишланган сопол идишларга кулол устарнинг “X” ва “T” шаклидаги тамғалари босилган. Сопол идишлардаги бу тамғалар дастлабки босқичда идишни пиширишда ишлатиладиган тагликлар оркали кўйилган бўлса, Хумбузтепанинг сўнгти босқичи – мил. авв. IV–III асрларда сопол идишларга ўткир буюм билан пиширишдан олдин чизма тамга босилган³⁹.

Археологик тадқиқотлар жараённида олимлар қадимги хоразмлиklärнинг дехкончилик ва дин билан боғлиқ урф-одатларини аниқлашга муваффақ бўлишган. Хоразмлиklär күёш, олов, сув ва тупрокни муқаддас деб ҳисоблаганлар. Уларда зардуштийлик дини билан боғлиқ урф-одатлар кузатилган.

Кўзаликир саройидаги олти устунли катта хонадаги бир нечта ўчоклар ва столлар, саройнинг ёнида кичик хоналари бўлган минорасимон иншоот ва сарой ҳовлисидаги баланд платформа зардуштийлик урф-одатлари билан боғлиқ объектлар ҳисобланади⁴⁰. Хумбузтепа ёдгорлигидан ҳам зардуштийлик эътиқоди билан боғлиқ олов ёқиладиган баланд платформа, ибодатхона ва мил. авв. VI асрнинг бошларига оид зардуштийларга хос даҳма топилган⁴¹.

Кўзаликир саройининг дон сакланадиган омборхонасидан сопол идишда йирик ҳажмдаги муҳр изи топилган⁴². Мухрда ўралиб ётган илон тасвири бўлган, унинг атрофи нур каби тараалаётган тўғри чизиклар билан безатилган. Тадқиқотчилар буни хоразмлиklärнинг

³⁹ Сетмаматов М.Б. ва бк. Хумбузтепа-Жанубий Хоразмнинг кулолчилик ва диний мағкуравий маркази. // Хоразм Маъмун академияси ахбортономаси. 2014. № 4. 65-бет.

⁴⁰ Вишневская О.А., Рапопорт Ю.А. Городище Кюзели-гыры. К вопросу о раннем этапе истории Хорезма // Вестник древней истории. 1997. № 2. 155–159-бетлар; Рапопорт Ю.А. Краткий очерк истории Хорезма в древности // Приаралье в древности и средневековье. М., 1998. 31-бет.

⁴¹ Ўша асар. 38-бет.

⁴² Вишневская О.А., Рапопорт Ю.А. Городище Кюзели-гыры. 157-бет.

ўзига хос урф-одатлари билан боғлайди. Бу лой бўлаклари “Баракткасак” деб номланган ва у ҳар йили юқори ҳосил олишда ўзига хос эътиқод рамзи ҳисобланган⁴³. Ю.А. Рапопорт фикрича, мухрда илон ва қуёш тасвирининг акс эттирилиши бу ниҳоятда кам учрайдиган қуёшга эътиқод рамзи бўлиб, у сув (ilon) ва қуёш (нур) маъноларини ўзида мужассам этган. Бу икки муқаддас эътиқод рамзлари мил. авв. IV–III асрларда Хоразмнинг тури сопол буюмларида акс эттирилган⁴⁴. Илон тимсоли табиатнинг уйғониши билан боғланган, шу сабабли унга эътиқод қилиш дехқончилик билан шугулланган барча халкларда, шу жумладан, хоразмликларда ҳам кенг тарқалган.

Хумбузтепа ёдгорлигидан сопол диск топилган. Унда илон тасвири дискнинг олд томонига бўртма тарзда ишланиб, кизил ранг билан бўялган⁴⁵. Хумбузтепадан қизил ранг билан бўялган кўзалар дастасининг бош кисми шер ва аёл тасвиirlари билан безатилган⁴⁶. Тадқиқотчилар фикрича, бу кўзалар диний маросимларда ишлатилган ва хоразмликларнинг диний эътиқоди билан боғлик.

Хумбузтепадан мил. авв. V асрга оид терракота ҳайкалчалари топилган⁴⁷. Уларнинг орасида ҳосилдорлик худоси – Анахитанинг ҳайкалчалари кўп бўлиб, уни хоразмийлар эътиқоди билан боғлиқ сув худоси – Хубби билан боғлашади. Ҳайкалчалар орасида сигир, хўқиз, шер, кўй, от ҳайкалчалари ҳам мавжуд. Шунингдек, улар орасида чавондозларнинг ҳайкалчалари алоҳида ажралиб туради. Уларнинг бирининг қалпоғи конус шаклида, яъни чўққили қилиб ишланган бўлса, иккинчисиники Хоразмликларнинг миллий телпаги – чўтиргмага ўхшаб ишланган.

Мил. авв. VI асрнинг иккинчи ярмида қадимги Хоразм аҳамонийлар давлати таркибига кирган. Худуднинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий тараққиётига аҳамонийлар сезиларли таъсир кўрсатган. Бу даврда Амударёнинг ўнг қирғоқ ва чап қирғоқ худудларида яшаган аҳоли ўзига хос ривожланиш йўлидан борган.

⁴³ Сазонова М. В. Традиционное хозяйство узбеков Южного Хорезма. Л., 1978. 40–42-бетлар.

⁴⁴ Рапопорт Ю.А. Из истории религии древнего Хорезма. М., 1971. 50–51-бетлар.

⁴⁵ Мамбетуллаев М.М. Хумбузтепе – керамический центр южного Хорезма // Вестник ККО АН УзР. 1976. № 3. 77–81-бетлар.

⁴⁶ Воробьева М. Г. Изображения льва на ручках сосудов из Хорезма // Краткое сообщение Института этнографии, Вып. 30. М., 1958. 50–53-бетлар.

⁴⁷ Хумбуз-тепа – крупный центр керамического производства в Хорезме VII–III вв. до н.э. life-on-earth.ru.

Мил. авв. VI–V асрларда қадимги Хоразм ҳудудида кўплаб қалъа ва кишлокларнинг топилиши, ҳудуд ахолисининг сони ва зичлиги кўпайганлигини кўрсатади. Сунъий суғориш тизилмалари, мустаҳкам мудофаага эга бўлган қалъаларнинг бунёд килиниши, зардуштийлик динига эътиқод, ёзув, дехқончилик хўжалигининг ривожланиши, хунармандчиликнинг алоҳида соҳа сифатида намоён бўлиши, товарлар айрбошланиш жараёни қадимги Хоразм давлатининг ўзига хос тараққиётга эришганлигини намоён этади.

Н. ЭГАМБЕРДИЕВА

ҚАДИМГИ ХОРАЗМНИНГ МИЛ. АВВ. VI–V АСРЛАРДАГИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИ МАСАЛАЛАРИ

Маколада қадимги Хоразмнинг мил. авв. VI–V асрларидаги ижтимоий ва ижтимоий тараққиёти масалалари ёритилган. Мил. авв. VI асрда қадимги Хоразмнинг ривожланишидаги икки хил йўналиш, яъни ярим ўтрок чорвадорлар маданияти, юкори цивилизацияга асос солган дехқон ва хунармандлар маданияти археологик манбалар асосида ёритилган. Хорасмийларнинг куйи Амударё бўйларини ўзлаштиришлари масаласи таҳлил қилинган.

Қадимги Хоразмнинг Куйисой маданияти, Мешекли, Уч ўчок, Кўзалиқир, Хумбузтепа ёдгорликлари асосида бу давр ахолисининг турмуш тарзи, ижтимоий-иқтисодий хўжалик хаёти, урф-одатлари, меъморчилиги, хунармандчилиги ва ёзуви таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: архаик давр, аҳамонийлар, Мешекли, Уч ўчок, Куйисой маданияти, Кўзалиқир, Хумбузтепа, қаир дехқончилиги, чорвадорлар, кулолчилик, зардуштийлик, мудофаа девори, терракота ҳайкалчалари, острак, оромий ёзув.

жади калондай". Бароқ таъсирларни оларга оларнинг яхши макулаларини изолюцияларни ташриф этишадиган

Н. ЭГАМБЕРДИЕВА

"Чабу истобла буюннан иштеп чечениндиң калондай" (1885 – 1910)

ВОПРОСЫ СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ ДРЕВНЕГО ХОРЕЗМА В VI–V ВВ. ДО Н.Э.

В статье рассматриваются вопросы социально-экономического развития древнего Хорезма в VI–V вв. до н.э. На основе данных археологических исследований рассматриваются два направления развития древнего Хорезма – полукочевая скотоводческая культура и культура земледельцев и ремесленников, ставшая основой высокоразвитой цивилизации. Рассмотрен вопрос о заселении хорезмийцами нижних течений Амударьи.

На примере памятников древнего Хорезма – Куйсайской культуры, Мешекли, Уч учак, Кюзелигир, Хумбузтепа – анализируются социально-экономическая, хозяйственная жизнь, традиции, ремесла, архитектура и письменность.

N. EGAMBERDIEVA

ISSUES OF SOCIAL AND ECONOMIC DEVELOPMENT ANCIENT KHOREZM IN VI–VTH CENTURIES BC

The article demonstrates socio-economic development of ancient Khorezm in the VI – Vth centuries BC. The development of Khorezm is clearly illustrated by two archeological evidences, one of which is the culture of half-settled animal husbandries, and another one shows the culture based on high-civilized farming and artisanship. There is also an analysis of settlement of Amudarya coast by Khorezm population.

Moreover, the culture of ancient Ko'yisoy and monuments of Meshekli, Uch Uchak, Kuzalikir, Xumbuztепа helped to analyze the architecture, way of life of ancient people who lived in Khorezm, handwritings and also the artisans of that time.

Д. ЖАМОЛОВА

БУХОРО АМИРИ АБДУЛАҲАДХОН ВА УНИНГ СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ

Бухоро амирлиги XIX асрнинг охири – XX аср бошларида мутлақ монархия тартибларига асосланган давлат бўлиб, мамлакатни бошқариш меросий ҳисобланган. Бу пайтда Бухоро амирлигини манғитлар суполасининг сўнгги вакилларидан Сайид Абдулаҳадхон бошқарган бўлиб, унинг сиёсий фаолияти бугунги кунга қадар тўлақонли ўрганилмаган. Ўз даврида мамлакат тинчлиги, осойишталиги ва фаровонлигини таъминлашга катта эътибор берган бу шахс фаолиятини тадқик килиш ўзбек давлатчилиги ва бошқаруви тарихини ёритишида маълум аҳамиятга эга.

Амир Абдулаҳадхоннинг фаолияти ва унинг даврида мамлакатнинг ижтимоий, иктисадий ва сиёсий аҳволи ҳакидаги дастлабки маълумотлар сарой тарихчилари Мирзо Абдулазим Сомий, Ахмад Дониш, Мирза Салимбек, Муҳаммад Али Балжувоний асарларида учрайди¹.

Совет даврида амир Абдулаҳадхоннинг сиёсий фаолиятини ўрганишга деярли эътибор қаратилмаган бўлиб, фақатгина тарихчи олим Т.Г. Тўхтаметов² томонидан ёзилган асарларда унинг хукмронлиги даврининг айрим жиҳатлари коммунистик мафқура руҳида салбий ёритилган.

Мустақиллик йилларида тарихчи олимлар К. Ражабов, С. Иноятов, Ҳ. Тўраев қаламига мансуб амир Абдулаҳадхон хукмронлиги даврида Бухоро амирлигидаги аҳвол ҳакида маълумот берувчи илмий ишлар

¹ Мирза Абдал Азим Сами. Тарихи салатин-и мангитий (История мангитских государей). Издание текста, предисловие, перевод и примечания Епифановой Л.-М. Москва, 1962. 179-бет; Ахмад Дониш. Наводир ул-вакое. Тошкент: Фан, 1964; Ўша муаллиф. История Мангитской династии. Перевод, предисловие и примечания Н. А. Наджафовой. Душанбе: Дониш, 1967. 141-бет; Мирза Салимбек. Тарих-и Салими (Источник по истории Бухарского эмирата). Перевод с персидского Н. К. Норкулова. Ташкент: Akademiya, 2009. 307-бет; Муҳаммад Али Балжувоний. Тарихи нофей. Тожик тилидан таржима, сўз боши ва изоҳлар муаллифлари Ш. Воҳидов, З. Чориев. Тошкент: Академия, 2001. 130-бет.

² Тухтаметов Т. Русско-бухарские отношения в конце XIX – начале XX в. Ташкент: Фан, 1966. 8–25-бетлар; Ўша муаллиф: Россия и Бухарский эмирят в начале XX века. Душанбе: Ирфон, 1977. 149-бет.

эълон қилинди³. Буроқ ишларда ҳам амир Абдулаҳадхон ва унинг хукмронлиги даври тўлиқ ёритилмаган.

Ушбу мақолада Бухоро амири Сайийд Абдулаҳадхон⁴ (1885–1910) ва унинг сиёсий фаолияти Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида сақланаётган хужжатлар, П.П. Шубинскийнинг “Бухоро очерклари” рисоласи, шунингдек, даврий нашрлар “Таржимон” (Боғчасарой), “Туркистон вилояти газети” (Тошкент), “Ойна” (Самарканд) журнали ва бошқа маҳаллий манбалар асосида тадқик қилинади.

Абдулаҳадхон амир Музаффар (1860–1885)нинг 14 ўғлидан тўртингчиси эди. Дастлаб амир Музаффар тўнғич ўғли Абдумалик Тўра (1848–1909)ни таҳт вориси этиб тайинлайди. Аммо рус истилоси даврида (1868) ота-ўғил ўргасида ихтиололар келиб чикиши натижасида амир Музаффар уни тож-таҳт вориси хукуқидан бутунлай маҳрум этади. Айни пайтда Чоржўй беги вазифасида бўлиб турган ўғли Нуриддин (1851–1868)ни тож-таҳт вориси этиб тайинламоқчи бўлгандা, тўсатдан вафот этади. Сўнгра ўғли Абдулфаттоҳ (1856/57–1869)ни таҳт вориси этиб тайинлаб, 1869 йилда рус императори Александр II хузурига юбориб, таҳт ворислигига император розилигини олишга эришади. Аммо тўсатдан Абдулфаттоҳ ҳам вафот этади. Шундан сўнг амир Музаффар Абдулаҳадхонни таҳт вориси этиб тайинлайди. Абдулаҳадхонни 1883 йилда рус императори Александр III (1881–1894) хузурига Бухоро таҳтига бўлажак ворислигини тасдиқлатиш учун Петербургга юборади. Абдулаҳадхон билан бирга Ҳисор ҳокими Остонакул қўшбеги (1860–1923), Мирза Салимбек (1848/50–1930) парвоначи ва бошқалар боришади⁵. Абдулаҳадхон сафарининг яна бир муҳим жихати шундаки,

³ Тўраев X. Бухоронинг етгингчи хукмдори // “Бухоронома”, 2002 йил 30 ноябрь; Иноятов С. ва б. Амир Абдулаҳадхон даврида Кармана. Тошкент: Шарқ, 2004; Ражабов К. Амир Абдулаҳадхон ёхуд “Ожиз” хукмдор // Бухоро мавжлари. 2007. № 2. 36-бет.

⁴ Амир Абдулаҳадхон 1857 йил 16 марта Кармана шаҳрида туғилган. Абдулаҳадхоннинг болалик ва ўсмирлик йиллари Карманада ўтган. У бу ерда илк таълимни олади, форс ва араб тилларини ўрганиди. Абдулаҳадхоннинг тарбиячиси Ҳамид Маъқул таъсирида унда адабиётга, хусусан, шеъриятга қизиқиши пайдо бўлади. Бухоролик шоир кори Раҳматулло Возехнинг (1818–1894) “Тухфат ул-аҳбоб фит тазкират ул-асҳоб” асарида амир Абдулаҳадхон “Ожиз” таҳаллуси билан шеърлар ёзгани ҳакида маълумот бериб, шеърларидан намуналар келтиради. Абдулаҳадхон 1875 йилда отаси Амир Музаффархон томонидан Кармана вилоятига ҳоким килиб тайинланади. У 1875–1885 йилларда Кармана ҳокими лавозимида фаолият кўрсатиб, давлатни бошқаришда катта тажриба тўплайди.

⁵ Шубинский П.П. Очерки Бухары. Исторический вестник. 1892. № 7. 119-бет.

у “Жадидчилик ҳаракатининг отаси” Исломилбек Гаспиринский билан учрашади ва “Таржимон” газетасига обуна бўлади⁶.

1883 йилги Петербург саёхати Абдулаҳадхон қарашларида туб бурилиш ясайди, унда ислоҳотчилик кайфияти пайдо бўлади. Бухоронинг жаҳон тараккиётидан анча ортда қолганини англаб, ҳамма соҳаларда жиддий ўзгаришлар килиш зарурлигини тушуниб етади. 1885 йил 31 октябрда амир Музаффар 62 ёшида вафот этгач, Кармана ҳокими бўлиб турган 28 ёшли Абдулаҳадхон 1885 йил 4 ноябрда валиаҳд сифатида амирилик тахтига ўтиради⁷.

Амир Абдулаҳадхонга бу даврда Бухородан узоқда яшаётган акаси – Бухоро таҳти даъвогари Абдумалик Тўра хавф солиб турарди. Отасининг оғир касал эканини эшитган Абдумалик 1885 йил кузида Бухоро таҳтини эгаллаш пайига тушади. У Ҳисор ҳокими бўлган укаси Абдулмўмин (1852–1894/98) билан биргаликда ҳокимиятни эгалламоқчи бўлади. Уларга инглизлар, Афғонистон амири Абдураҳмон, Кўлоб беги Сарихон кўмаклашишга ваъда берадилар. Ҳатто Туркистон генерал-губернатори фон-Кауфман (1818–1882; генерал-губернаторлик йиллари – 1867–1882) Россия Ташки ишлар вазирига ёзган мактубида “Бутун Бухоро ҳалки Абдумаликни кутмокда” деб хабар берган эди.

Худди шу даврда Чоржўй беги, Музаффарнинг яна бир ўғли Сиддикхон⁸ ҳам таҳтга даъво килаётган эди. Отасининг ўлимидан хабарсиз Бухорога етиб келган Сиддикхон уй қамоғига олинади ва 35 йил (1885–1920) давомида сиёсий ҳаётдан четлаштирилади. У 1920 йилда Бухоро амирилиги тугатилгач, Афғонистонга жўнатилган. Сиддикхон Ҳашмат таҳаллуси билан шеърлар ёзиб, ҳалқ орасида машҳур бўлган⁹.

Амир Абдулаҳадхон ҳокимият тепасига келганда, мамлакатда амалдорларнинг судхўрлиги, маҳаллий ҳокимларнинг ҳалққа ўтказаётган зулми бекиёс даражада ортиб кетган эди. Ҳатто, айрим бек ва ҳокимлар марказий ҳокимиятга бўйсунишдан бош тортиб, мустакил бўлиш учун ҳаракатланаётган эди¹⁰. Мамлакат ижтимоий ҳаётида ҳам бир канча кусурлар мавжуд бўлиб, амалдорлар ўргасида порахўрлик, таъмагирлик авж олган, жамиятда гиёхвандлик, баччабозлиқ, қиморбозлиқ кенг

⁶ Амир Сайид Абдулаҳадхон Бухорий // Таржимон. № 27. 1892 йил 31 июль.

⁷ Шубинский П.П. Очерки Бухары. 122-бет.

⁸ Саид Муҳаммад Мир Сиддикхон (Ҳашмат) 1871 йил Қарши вилоятига ҳоким этиб тайинланган. Саид Нуриддин вафотидан сўнг 1878 йилда Чоржўй вилоятига ҳоким килиб юборилади.

⁹ Айний С. Воспоминания. Книга II. Душанбе. 1968. 272, 282-бетлар.

¹⁰ Тўраев Ҳ. Бухоронинг еттинчи хукмдори // Бухоронома, 2002 йил 30 ноябрь.

таркалган эди. Бу иллатларга барҳам бериш мақсадида Амир Абдулаҳад суд-хукуқ тизимини тартибга солишга киришади ҳамда таъмагирлик ва пораҳўрлик қилган амалдорларни лавозимидан четлаштиради. Барча вилоят қозиларини ишдан олиб, ўрнига янги қозиларни тайинлади¹¹. Шунингдек, муфти аскар лавозимидағи Бадриддин маҳдумни раис мансабига, Орифжон маҳдумни эса, муфти аскар мансабига ўтказади¹². Наша чекиш, кўкнор ичиш, баччабозлик қатъяян ман этилади. Кул савдоси, катл қилиш, тан жазолари амир буйруги билан расман ман қилинади. 1886 йилда Амир Абдулаҳадхон амирликдаги зиндонларнинг бир кисмини ёпишга буйруқ беради. Бухородаги канахона кўмид ташланади¹³.

Амир Абдулаҳадхоннинг руҳсати билан 1888 йилда Россия ҳарбий ишлар вазирлиги томонидан Бухоро-Самарқанд темир йўли курилади. Закаспий темир йўл тармоғининг Бухорогача етиб келиши почта, телеграф ва телефон хизматларини ҳам жорий этди. Мамлакатга рус капитали кириб кела бошлади.

Амир ўз ҳисобидан Когондан Бухорогача 12 км.ли темир йўл куришга қарор қилди. Унинг молиявий кўмаги билан Амударёдан ўтувчи темир йўл кўприги лойиҳалаштирилиб, 1898 йилнинг 17 октябрیدан 1901 йилнинг 27 майигача 750 метрлик кўприк курилди. Кўприк курилишига 3.468.000 рубль миқдорда сарфланган пул амир томонидан берилган бўлса-да, унинг тепасидаги лавҳда “Бу кўприк Николай II (1868–1918; хукмронлик йиллари 1894–1917) ҳазратлари томонидан, Амир Абдулаҳад иштирокида курилди”, деб ёзib қўйилган эди¹⁴.

Амир Абдулаҳадхон хукмронлиги даврида бир неча бор Москва ва Санкт-Петербургта расмий ташриф билан борган бўлиб, мунтазам сафарлар давомида рус маданияти ва у орқали Европа цивилизацияси ютуқлари билан танишади. Унинг Россияга навбатдаги сафари 1892 йил декабрида бошланган бўлиб, бунда у ўғли Мир Сайид Олимхонни Петербургдаги ҳарбий олий мактабга ўкишга жойлаштириш мақсадида борган. Амир ўзининг 1892 йил декабрь – 1893 йил февраль ойлари давомидаги сафари тафсилотларини кундалик тарзида ёзib борган. Ушбу кундалик Исмоилбек Гаспиринский томонидан 1894 йилда Қозонда “Бухоро амири ҳазратларининг кундалиги” сарлавҳаси остида нашр қилинган.

¹¹ Каттакўргондан бир киши. Бухородан мактуб (“Таржимон”а маҳсус) // Таржимон. № 24. 1885 йил 10 декабрь.

¹² Бухородан юборилган // Таржимон. № 9. 1886 йил 7 февраль.

¹³ Шубинский П. П. Очерки Бухары. 124–126-бетлар.

¹⁴ Чоржўй // Таржимон. № 21. 1901 йил 7 июль.

1892 йил декабрь ойида Бухоро амири Абдулаҳадхон, ўғли валиаҳд шаҳзода Мир Олим тўра ва сарой амалдорлардан Дурбинбийкул кўшибеги, Турабкулбий парвоначи Саркарда, Остонақулбий парвоначи Закотчи, Ҳазраткул тўқсабо, Мирзо Аҳмад Мушриф ҳамда Муҳаммад Юнус мироҳўроши ҳамроҳлигига Петербург сафарига отланади. Вактинчалик мамлакатни бошқариб туришни Мулла Мир Бадриддин қозикалон, Турсунхўжа Садр ҳамда Мулла Жонмирзабий Парвоначидан иборат 3 кишилик Кенгашга топширади¹⁵.

Амир Абдулаҳад Петербургга сафари давомида Асхабод (Ашҳабод), Боку, Тифлис (Тбилиси) каби шаҳарларда ҳам бўлиб, у ердаги ижобий ўзгаришларни дикқат билан кузатади. Амир ва унинг ҳамроҳлари Тбилиси шаҳридаги 800 талаба таҳсил олаётган гимназия фаолияти билан танишадилар. Гимназия ўқувчилари ўзларининг ҳарбий машклари, китобдан олган билимлари, мусика соҳасидаги маҳоратларини намойиш этадилар¹⁶.

Петербургда эса император томонидан аҳолининг хавфсизлиги ўйлида ташкил қилинган ўт ўчириш командасининг фаолияти билан танишади¹⁷ ҳамда давлат ҳисобидан фаолият кўрсатувчи ҳар икки жинсдаги кўр ва кар болалар учун таъсис этилган мактабни бориб кўради. Мактабда болалар ўқиши, ёзиши ва имо-ишоралар ёрдамида сўзлашишга ўргатилган. У бир нечта бўлимлардан иборат бўлиб, йигитлар ва қизлар алоҳида таҳсил олган. Ахволи ночор ота-оналарнинг фарзандлари ёки буткул ота-онасиз етимларга бу ерда, ҳар бирининг иқтидорига қараб, турли хунарлар ўргатилган, хусусан, қизлар кашта тикиш, турли таомлар тайёрлаш ва ўзларига мос ишларни ўрганса, ўғил болалар дурадгорлик, тикувчилик, этикдўзлик ва бошқа шу каби хунарларни эгаллаганлар. Мазкур таълим тизими ногирон йигит-қизларга мактабни битириб чиққач, бирор хунар билан машғул бўлиб, четдан ёрдамга муҳтоҷ бўлмай, ўз меҳнати эвазига турмуш кечириш имконини берган¹⁸.

¹⁵ Точный перевод дневника его светлости эмира Бухарского // Представляет И. Гаспринский из Бахчисарай. Казань, 1894. 3–4-бетлар; Бухоро амири ҳазратларининг кундаликлари // Ижтимоий фикр. Инсон хукуклари. 1998. № 3. 127-бет.

¹⁶ Точный перевод дневника его светлости эмира Бухарского... 14-бет; Бухоро амири ҳазратларининг кундаликлари // Ижтимоий фикр. Инсон хукуклари. 1998. № 3. 133-бет.

¹⁷ Точный перевод дневника его светлости эмира Бухарского... 42–43-бетлар; Бухоро амири ҳазратларининг кундаликлари // Ижтимоий фикр. Инсон хукуклари. 1998. № 3. 151-бет.

¹⁸ Точный перевод дневника его светлости эмира Бухарского... 46-бет; Бухоро амири ҳазратларининг кундаликлари // Ижтимоий фикр. Инсон хукуклари. 1998. № 3. 153–154-бетлар.

Амир Абдулаҳадхон топширигига кўра, 1897 йилда Бухоро шаҳрида ногирон ва муомалага лаёқатсизлар учун замонавий тартибдаги ногиронлар уйи ташкил этилиб, улар кунига икки маҳал иссиқ овқат билан таъминланган¹⁹. Худди шу даврда амир ҳомийлиги ва назорати остида Бухоро шаҳрида замонавий шифохона ва дорихона фаолият юритган²⁰.

1893 йилнинг февраль ойида амир Богчасарой, сўнгра Севастополь шаҳрига боради ва у ерда Исмоилбекни қабул килиб, сұхбатлашади ҳамда уни Бухорога таклиф қиласиди²¹. Бу учрашувда Исмоилбек Гаспиринский “Сафарнома олия”ни китоб ҳолида нашр қилишга ва Бухоро аҳолиси учун “Муаллими лисони русий” номида бир дарслик ёзишга ваъда беради²².

Амир Бухорога қайтишда Тбилиси шаҳридаги ипакчилик станцияси ва ўт ўчириш командасининг казармаси иш фаолияти ҳамда Бокудаги керосин заводи, у ердаги асбоб-ускуналар ва уларнинг ишлаши структураси билан танишади.

Ашҳабодда амир ва унинг ҳамроҳларини генерал Куропаткин кутиб олади ва амир шарафига ҳарбий кўрик ташкил этади. Ҳарбий кўрик тугагач, уларни бир томонда казаклар, иккинчи томонда туркман миршаблари чавандозлик қилиб кузатиб борадилар. Амир “кундалиги”да туркман сарбозлари ҳакида: “Ҳақиқат юзасидан айтиши керакки, туркман миришаблари казаклардан бир оз бўлса-да қолишмас эдиларки, бу ҳол бизнинг назаримизда қадимда ўтган дононларнинг “Икки нарса бир-бирининг кўмагисиз бирон қимматга эга эмас”, – деган ҳикматли сўзларнинг исботи бўлиб хизмат қиласарди. Шунинг билан бирга туркманларнинг ҳарб ишида эришган муваффақиятлари бизда Бухоро қўшинини ҳам тубдан қайта қуриши ниятини тутдирди, зоро туркманлар кўп жиҳатдан Бухоро ҳалқаридан паст турадилар. Ҳеч шубҳамиз йўқки, Бухоро лашкарларидан тажрибали Оврупо ҳарбий мутахассислари раҳбарлигига муносаб жсанҷилар етишиб чиқади ва

¹⁹ Местные известия. Богодельная его высочества Эмира // Туркестанские ведомости. № 9. 1897 йил. 2 февраль.

²⁰ Исмоилбек Гаспарали. Туркистон саёҳатлари (Крим-татар тилидан Тохир Қаҳхор таржимаси) // Жаҳон адабиёти. 2010. № 10. 92-бет.

²¹ Точный перевод дневника его светлости эмира Бухарского... 59-бет; Бухоро амири ҳазратларининг кундаликлари // Ижтимоий фикр. Инсон хукуклари. 1998. № 4. 148-бет.

²² Абдурашидов З. Аннотированная библиография Туркестанских материалов в газете «Таржуман» (1883–1917). Япония, 2011. 79-бет.

улар, зарурат тугилганда, ҳам ўз ватани учун, ҳам дўстлар учун фойда келтиради”,²³ – деб ёzádi.

Амир Абдулаҳадхон 1895 йилда таркиби 2000 кишидан иборат бўлган, амирикнинг йирик шаҳарларида хизмат қилиши мўлжалланган Бухоро милициясини ташкил қиласди²⁴. 1908 йилда эса армия сонини кискартиради. Бу пайтда армияда 12 батальондан иборат пиёда, яъни 8200 сарбоз, 52 офицер ва 12 батальон командири, 2 та отлиқ эскадрилья (600 солдат, 5 офицер, 2 та эскадрон командири) ва 300 тўпчи мавжуд эди²⁵.

Амир Абдулаҳад маърифатпарвар хукмдор сифатида давлат равнаки учун маорифнинг салмоғи нечоғли эканлигини англаб етган эди. Жадидчилик ҳаракатининг асосчиси Исмоилбек Гаспиринский билан унинг дўстона муносабати фикримизнинг яккол далилидир. Амир Абдулаҳадхон Бухорога таклифини мамнуният билан қабул қилган Исмоилбек Бухорога биринчи сафари олдидан “Таржимон” газетасида амирикка оид мақолалар босади. Буларда Абдулаҳадхонни “Маърифатли амир”, “Бухоро ҳаёти ва давлат бошқарувини ислоҳ қилишга интилаётган ёш амир” сифатида таърифлайди²⁶. Исмоилбек Гаспиринский 1893 йилги Бухоро амиригига қилган саёҳати таассуротлари асосида “Туркистон саёҳатлари” номли асарини ёzádi.

Исмоилбекнинг Бухоро амиригига ҳакидаги дастлабки таассуротлари Чоржўй беклигидан бошланади. У беклик ҳакида: “Янги бир дунёга келгандек, кўнглимиз нурларга тўлди, латиф бир вилоят бағрида эдик. Атроф дон-дун далалари, мевали боғлар, теракзорлар ва толзорлар, шарқираб оқаётган ариклар билан безанганди. Бу яшиллик орасида пахсали иморатлар, қалъалар, кишлоклар, кўргону кўргончалар... Бу гўзал ерлар Бухоро хонлигининг Чоржўй беклигига мансуб экан”²⁷, – дейди.

Амир Абдулаҳадхон топшириғига биноан тош ётқизилган темир йўл бекати ва Бухоро орасидаги 11 верстлик (11,66 км) йўлдан борар экан, амирикнинг бунёдкорлик ишини халқпарварлик самараси, деб атайди.

²³ Точный перевод дневника его светлости эмира Бухарского... 74-бет. Бухоро амири ҳазратларининг кундаликлари // Ижтимоий фикр. Инсон хукуклари. 1998. № 4. 155-бет.

²⁴ Бухоро // Таржимон. № 35. 1895 йил 17 сентябрь.

²⁵ ЎзР МДА, И-3 фонд, 1-рўйхат, 251-хужожат, 59-варак.

²⁶ Абдурашидов З. Исмоил Гаспиринский ва Туркистонда жадидчилик. Тошкент: Марказий Осиёни тадқиқ қилиш француз институти, 2008. 42-бет.

²⁷ Исмоилбек Гаспарали. Туркистон саёҳатлари... 88-бет.

Исмоилбек ўз асарида Бухоро амирлигининг пойтахти бўлган Бухоро шахри тоза ва озодалиги, ўлкада ўғрилик ҳодисаси ниҳоятда камлиги, майхоналар йўқлигини айтиб, “100 йил олдин бизнинг Кримда ҳам шунаقا эди”²⁸, – деб ёзади. Бухорода фаолият кўрсатаётган Россиянинг почта ва телеграфонаси фаолиятига ҳам алоҳида ургу бериб ўтади. Бухоро бозорларида Россия, Туркистон Хитой, Эрон, Ҳиндистон ва инглиз давлатларидан келтирилган турли хил маҳсулотлар сотилиши ва бозорларнинг гавжумлигини кўриб, “Бухоро бозорларига бир-бир назар ташланса, унинг Туркистон ўлкасида энг биринчи маҳаллий савдо-сотиқ маскани экани аён бўладир”²⁹, – деб таъриф беради.

Исмоилбек талабалар таътилга чиқиб кетган бўлишига қарамай, бир катор мадрасаларни кириб кўриб, талабалар билан сұхbatлашади. Мадрасаларнинг барчасида ўқитиш эски усуlda эканидан, арабий илмлар ва адабиётдан бошқа фанлар ўқитилмаслигидан афсусланади. Бошланғич мактаблардаги аҳволдан ташвишланиб, жадид мактаблари ташкил этишини тавсия киласди.

Мадрасалардаги таълим тизими ҳакида: “Олий мадрасаларда диний илмлар юксак савияда ўқитиладир. Лекин мўғиллар босқинидан сўнг ислом ўлкалари учраган инқироз ва қолоқликдан Бухоро ҳам мустасно эмасдир. Ўтмиш давларда эътибор қозонгган астрономия, тиб, ҳандаса, кимё ва бошқа фанлар кейинги замонларда бу ерда унуглиб юборилган. Умидвормизки, Техронда, Истанбулда, Мисрда, Бомбейда янгидан жонланган бу тур илмлар Бухоройи шарифда ҳам тиришиб қолар...”, – деб ёзади.

Исмоилбек Гаспиринский Бухоро шахри яқинидаги машхур Баҳоуддин Накшбанд зиёратгоҳига бориб, у ерга Хитой, Қошғар, Ҳиндистон, Афғонистон ва Туркистоннинг ҳар тарафидан зиёратчилар келиб-кетишини айтиб: “Шарқ мусулмонлари учун бундан буюк зиёратгоҳ йўқдир”³⁰, – деб таъриф беради.

Амир Абдулаҳадхон 1893 йилнинг 12 июнь куни Шахрисабзда Исмоил Гаспиринский ва Мажид Фанизодани қабул килиб, Исмоилбекка ташрифи учун миннатдорчилик билдиради. Исмоил Гаспиринский бу учрашувда амирга Россиядаги таълим тизими ҳакида кисқача маълумот беради. Амир Абдулаҳад ўзининг тез-тез Петербургга бориб туришини қўйидагича изоҳлайди: “Сулҳ ва осойии бутунлай таъминланса, худованди оламнинг лутфи ила адҳу бошқарувимга омонат қилинмиши

²⁸ Исмоилбек Гаспарали. Туркистон саёҳатлари... 93-бет.

²⁹ Исмоилбек Гаспарали. Туркистон саёҳатлари... 92-бет.

³⁰ Исмоилбек Гаспарали. Туркистон саёҳатлари... 93-бет.

юз мингларча мусулмон фуқаронинг тинчлигу иқбалидан бошқа фикрим ва қайғум йўқдир”.

Амир Абдулаҳад даврида Бухоро шаҳрида жадид мактаблари вужудга кела бошлайди. 1897 йилда Бадриддин қозикалоннинг руҳсати билан Мулла Жўрабой Бухоро шаҳрида жадид мактаби очади³¹. Мулла Жўрабой Незъматулоҳ ўғли “Хўжай сибён” дарслигини форс тилига таржима килиб, 13 нафар болани ўша китоб билан ўқита бошлайди. Бу ҳақда хабар топган Исмоил Гаспиринский ушбу мактабга 10 дона сармашк ва 1000 нусха алифбо китобини босмахонасида хадя сифатида босиб беришини айтади³². 1900 йилда ушбу мактабда имтиҳон ўтказилган ва унинг сўнгида савдогар Мирхон Порсо ўғли мактаб ва мадрасаларда Тадрисни ислоҳ килиш зарурлиги ҳақида жуда таъсирли нутқ сўзлаган³³.

Россиянинг Бухородаги сиёсий агентининг 1911 йил 27 январда Ички ишлар вазирига ёзган 22-сонли хатида қайд этилишича, 1902–1903 йилларда Янги Бухорода татар миллатига мансуб Каипов исмли муаллим томонидан Россия фуқаролигидаги мусулмон болалари учун янги усусладиги мактаб ташкил этган³⁴.

1907 йилда Низомиддин Собитий Бухорода, ўз уйида – кози Мир Бадриддин қозикалон руҳсати билан татар тилида янги усул мактабини очади. Бу мактабда дастлаб 10–12 нафар татар болалари ўқиган³⁵. Уларга қозонлик татар Абдураҳмон Саъдий ўқитувчилик қилган.

1908 йилнинг баҳор фаслида Исмоилбек Гаспиринский Бухорога иккинчи бор ташриф буюриб, амир билан Бухорода учрашади. Бу сафарги учрашув ва зиёфатлар чоғида унинг фарзанди валиаҳд Саид Олимхон билан ҳам яқиндан танишади, унинг ўқимишли, рус тилини билиши, дунёвий илм-фан ва матбуотдан хабардор эканлигига ишонч хосил қиласди³⁶. Шунингдек, жадид мактабларини ташкил этиш бўйича татар ва бухоролик маърифатпарварлар билан музокара олиб боради. Музокара якунида мулла Низом уйидаги мактаб учун хукуматдан алоҳи-

³¹ Бухородан мактуб (Таржимон”а маҳсус) // Таржимон. № 16. 1897 йил 22 апрель.

³² Бухорон шариф (Мактуб) // Таржимон. № 17. 1897 йил 28 апрель.

³³ Низомиддин Собитов. Бухорон шариф (мактуб) // Таржимон. № 13. 1900 йил 11 апрель.

³⁴ Гафаров Н. История культурного-просветительской деятельности джадидов в Бухарском эмирате. Хўжанд: гос. изд. имени Раҳима Джалила, 2000. 67-бет.

³⁵ Айний С. Бухоро инклиби тарихи учун материаллар. Москва; СССР халкларининг маркази нашриёти, 1926. 33-бет.

³⁶ Косимов Б. Миллий уйғониш: Жасорат, маърифат, фидойилик. Тошкент: Маърифат, 2002. 23-бет.

да жой олиш ва унда бухоролик болалар ҳам таҳсил олишига имконият яратиш тўғрисида қарор қилинади ва бу мактабга И. Гаспиринскийнинг таклифига кўра мархум амир Музофар шарафиға “Музофария” номини беришга келишиб олинади³⁷. Ушбу масалалар юзасидан И. Гаспиринский Бухоро амири – Абдулаҳадхонга мурожаат қиласди, амирга ҳам бу таклиф маъқул бўлади, аммо кейинчалик айrim уламолар тазикини остида таклифлар тўлиқ амалга ошмасдан колиб кетади. Фақат, мулла Низом уйидаги мактаб Холид Бурнашев уйига кўчирилади ва бир неча бухоролик болаларгина ушбу мактабга ўқишига қабул қилинадилар³⁸.

Низом Собитий мактабида дарслар татар тилида олиб борилганлиги сабабли унда бухоролик болаларнинг таҳсил олиши қийинроқ кечади. Шунинг учун 1908 йилнинг октяброда Бухоро тараққийпарварларидан Садриддин Айний ва Абдувоҳид Мунзимлар томонидан айнан бухоролик болалар учун жадид мактаби ташкил этилади³⁹.

Абдувоҳид Мунзим ушбу мактабда 20–30 ёшли кишилар учун кечки ўкув курслари ташкил килиб, катта ёшли талабаларга ҳар куни 2 соатдан дарс ўта бошлайди. Қисқа муддатда мактаб ҳалқ орасида шуҳрат қозона бошлайди⁴⁰. Мактабнинг довруги ва ҳалқнинг унга интилишини кўрган муллалар мулла Қамариддин бошчилигига бу ҳолатдан норози бўлиб, жадидлар мактабига қарши фитна қўзғатишга киришадилар. Вазият мураккаблашгач, кўшбеги ва қозикалон мактабни ёпиш учун ёзилган фатвога муҳр босишга мажбур бўлишади. 1909 йил 26 сентябрда Остонакул кўшбеги, қозикалон Бакоҳўжа ва Бурхониддин раис томонидан маъмурлар келиб, мирзо Абдувоҳидга мактабнинг ёпилганини расман эълон қиласдилар⁴¹.

Исмоилбек Гаспиринский Амир Абдулаҳад билан Ялтада учрашганида амир: “Бизни деганингиз Бухорода бўлди, яъни талабалар усули жадида мактаби очдилар, ҳалқ ўргансун, мактабнинг мунтазамини ўзим таъмир этиб очтураман... мен арз ташаккур ва дуолар этдим”, дейди. Аммо орадан хеч қанча вақт ўтмай, ҳукумат томонидан мактаблар ёпиб қўйилади. Кейинги учрашувларида Исмоил Гаспиринский амирдан

³⁷ Умняков И. К истории новометодной школы в Бухаре // Бюллетень Средне-Азиатского государственного университета. Выпуск 16. Ташкент, 1927. 81-бет.

³⁸ Айний С. Бухоро инқиlobи тарихи учун материаллар. Москва; 1926. 33-бет.

³⁹ Ёш бухороликлар қўмитасидан ўртотк Пўлатхонов доклади // Иштирокиун. № 113. 1919 йил 15 июнь.

⁴⁰ Умняков И. К истории новометодной школы в Бухаре // Бюллетень Средне-Азиатского Государственного Университета. Выпуск 16. Ташкент, 1927. 84-бет.

⁴¹ Айний С. Бухоро инқиlobи тарихи учун материаллар. Москва; 1926. 45-бет.

мактабларнинг ёпиб қўйилиши сабабини сўраганида у: “Ўлан янги замондир, эски замон эмас. Ҳар мактабда усули машварат жорий бўлибдур. Биз Бухорода ҳам галвалар машварат ила бу янги мактабни бўлмаслигини хоҳии этибдурлар. Бинобарин мактаб боғланди....”, – деб жавоб беради⁴².

Амир Абдулаҳадхон ҳукмронлиги даврида аҳоли соғлигини саклашга қаратилган бир қатор тадбирларни амалга оширади. 1889 йилда безгак касалини даволаш учун Россиядан 6000 рублик дори сотиб олган⁴³. 1897 йилда эса “хинд вабоси” касалининг мамлакатда тарқалишини олдини олиш мақсадида чегаралардан ҳиндларни киритмасликка қатъий амр берган⁴⁴. Аммо ҳиндларнинг турли йўллар билан Бухорога кириб келиши давом этавергач, қозикалон ва девонбеки маслаҳати билан афғон чегараларида ҳарбий кўрикчилар жойлаштирилган⁴⁵. Шунингдек, вабонинг тарқалиши муносабати билан буҳороликларнинг Ҳаж сафарига боришига руҳсат берилмаган⁴⁶.

Амир Абдулаҳадхон ҳукмронлигининг сўнгти йилларида амирлик-нинг Қарши ва Шахрисабз⁴⁷, Кўргонтепа, Қоратегин⁴⁸ (1905), Кўлоб (1905, 1909) ва Ҳисор⁴⁹ (1909) бекликларида маҳаллий беклар ва амалдорлар зулмига қарши куролли қўзғолон бўлиб ўтади. Амир қўзғолоннинг сабабларини аниклаб, айрим бек ва амалдорларни лавозимидан озод этади ҳамда дехконларга бир қадар енгилликлар беради. Бу даврда амирликдаги шия ва суннийлар ўртасида ҳам муносабатлар кескинлаша бошлади. Бухоро қўшбегиси Остонакул Амир Абдулаҳадхонга содиклик билан хизмат қилиб, баъзи бир обрўли ва даромади лавозимларга ўзига яқин одамларни тайинлади. Бундан сунний мазҳабидаги Бухоро қозикалони Бақохўжа ва раис Бурхониддин норози бўлади. Бунинг устига 1908 йилда Остонакул қўшбегининг ёрдамида Бухорода истикомат килувчи шия-эронийларга уларнинг муҳаррам ойида ўтказиладиган мотам маросимларини очиқдан очиқ нишонлашга руҳсат берилади⁵⁰.

⁴² Махмудхўжа. Бухоро иморати // Ойна. № 14. 1915 йил 2 май. 375 – 381-бетлар.

⁴³ Бухоро // Таржимон. № 44. 1889 йил 17 декабрь.

⁴⁴ Бухоро // Таржимон. № 7. 1897 йил 17 февраль.

⁴⁵ Бухорои шариф (мактуб) // Таржимон. № 9. 1897 йил 3 март.

⁴⁶ Дохилия хабарлари // Таржимон. № 10. 1897 йил 11 март.

⁴⁷ ЎзРМДА. И-3 фонд, 2-рўйхат, 109-иш, 12 – 17 вараклар.

⁴⁸ ЎзРМДА. И-3 фонд, 2-рўйхат, 101-иш, 34-варак.

⁴⁹ Тухтаметов Т.Г. Россия и Бухарский эмират в начале XX века. Душанбе: Ирфон, 1977. 28-бет.

⁵⁰ ЎзРМДА. И-461 фонд, 1-рўйхат, 1168-иш, 198 – 199 вараклар.

1910 йил 9 январь куни шундай маросимлардан бирида шиаларни суннийлар томонидан мазах қилиниши ва бунга жавоб тарзида бир суннининг пичоқланиши қонли ҳаракатларнинг бошланиб кетишига баҳона бўлади. 1910 йилнинг 13 январида амирнинг вориси – Мир Олимхон Карманадан Бухорога етиб келиб, Остонакул қўшбеги, Сайд Олимхон, Мироб Иброҳим тўқсабо каби батальон командирларини, шунингдек, шаҳар атрофларидағи қишлоқлардан келиб ғалаёнларда иштирок этган 300 нафарга яқин шия-форсларни Бухородан чиқариб юборади⁵¹.

Остонакул қўшбенинг ўрнига сунний мазҳаби вакили Насрулла бий қўшбеги тайинланади. Қозикалон Бадриддинхўжа ўрнига Мирзо Бақохўжа садр, Чоржўй волийси Мирзо Низомиддин Урганжий эса девонбеги этиб тайинланади⁵².

Амир Абдулаҳадхон олиб бораётган сиёsat ва ислоҳотлар жамиятнинг муайян гурухлари қаршилигига учраб туради. Хусусан, Бухоро уламоларининг кўпчилиги жамиятдаги ушбу янгиланиш жараёнларига қарши бўлган. Иккинчи томондан, Россиянинг Бухородаги сиёсий агентлиги Бухоро–Россия муносабатларини яхшилаш ниқоби остида Абдулаҳадхонни ўзларига тобе бўлган ожиз бир кўғирчоқ ҳукмдор даражасида ушлаб туриш учун турли баҳоналарни рўйач қилган ҳолда амирнинг мустакил сиёsat юритишига тўсқинлик қилганлар. 1886 или Янги Бухоро (Когон)да рус архитекторлари ва инженерлари раҳбарлигida амирнинг сармояси ҳисобидан европача услубда муҳташам сарой қурилади ва Амир Абдулаҳадхонга ушбу саройга кўчиб ўтиб, мамлакатни бу ердан туриб бошқариш таклиф қилинади. Бироқ амир Абдулаҳадхон бунга кўнмайди.

1894 йилда амир Бухоронинг об-ҳавоси ва иқлими соғлигига тўғри келмаётганини баҳона қилиб, Карманага кўчиб, у ерда ўзига алоҳида резиденция курдириб, доимий яшаб қолади ва шу ердан туриб умрининг охиригача (1910) амирликни бошқаради.

Амир Абдулаҳадхон Кармана, Бухоро ва хорижда кўплаб иморатлар курдирган. Жумладан, Янги Бухорода европача услубдаги муҳташам сарой, Ҳайдарабодда сарой, Макка ва Мадинада работ, масжид ва меҳмонхоналар, Санкт-Петербургда Жомеъ масжиди, Крим ва Кавказ-

⁵¹ ЎзРМДА, И-461 фонд, 1-рўйхат, 773-иш, 8–12-вақалар; Раҳмонов Т. Бухорода 1910 йил январь воқеалари // Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 2-жилд. Тошкент, 2001. 307-бет.

⁵² Сайид Мансур Олимий. Бухоро – Туркистон бешиги / Форс тилидан таржима, таржимон номидан сўз боши ва айрим изоҳлар муаллифи X. Тўраев. Бухоро, 2004. 61-бет.

даги Железнодорожный, Богочарой, Кисловодск ва Ялтада замонавий бинолар, шунингдек, مصر, سوريا, Ирак каби ўлкаларда мусулмонлар учун турли меъморий обидалар барпо этган⁵³.

Амир Абдулаҳадхон хукмронлиги даврида Россияга тегишли бўлган идора ва ташкилотларга кўпгина хайрия маблағлари ажратган. 1892 йил январда Россия муҳтожлар комиссиясига – 100 минг рубль⁵⁴, 1893 йилда Тошкентда очилган б синфлик мактабга – 47 минг рубль⁵⁵, 1899 йилда Ашхабодда қурилаётган масjidга – 1000 рубль⁵⁶, 1901 йилда Термиздаги рус мактабига – 10 минг рубль⁵⁷, 1904 йилда Узок Шарқ билан урушда мажруҳ бўлганлар оиласига – 100 минг рубль (валиаҳд номидан 10 минг рубль)⁵⁸ миқдорида пул берилган⁵⁹.

Хулоса қилиб айтганда, Амир Абдулаҳадхон 25 йиллик хукмронлиги даврида Бухоро амирлигига кишлоқ хўжалиги, савдо-сотиқ ва саноатни ривожлантиришга; кишлоқ хўжалигидаги мавжуд камчиликлар ва соликларни йиғиш борасида вужудга келган муаммолар натижасида мамлакатда содир бўлиб турган норозилик ҳаракатларининг сабабларини ўрганиб, халқнинг турмуш даржасини яхшилашга эътибор қаратди. Россия ва Европада вужудга келаётган янгиликларни амирлик худудида жорий этишга ҳаракат қилди. Бухоро шахрида ва бекликларда касалхона ҳамда дорихоналар очди; жамиятнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган қисми – ногиронлар учун алоҳида муассаса очиб, уларга ғамхўрлик қилди. Таълимни соҳасида мактаб-мадрасалар фаолиятини ислоҳ қилиш тарафдори бўлди. Ярим мустамлака шароитидаги Бухоро амирлигини бошкарган Амир Абдулаҳадхоннинг сиёсий фаолиятини ўрганиш Ўзбекистон тарихидаги бўшликларни тўлдиради.

⁵³ Ражабов К. Амир Абдулаҳадхон ёхуд “ожиз” хукмдор. 38-бет.

⁵⁴ Ионаи Абдулаҳадхон // Таржимон. № 4. 1892 йил 31 январь.

⁵⁵ Тошкент // Таржимон. № 20. 1893 йил 6 июнь.

⁵⁶ Комил Юнусов. Бухоро амирининг ионаси (мактуб) // Таржимон. № 37. 1899 йил 3 октябрь. № 37.

⁵⁷ Бухоро // Таржимон. № 1. 1901 йил 8 январь.

⁵⁸ Бухоро амирининг хадиси // Таржимон. № 13. 1904 йил 13 февраль.

⁵⁹ Правительственный вестник. Санкт-Петербург. 1911 йил. 2, 5, 8 февраль.

Д. ЖАМОЛОВА

БУХОРО АМИРИ АБДУЛАҲАДХОН ВА УНИНГ СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ

Бухоро амирининг сўнгти ҳукмдорларидан Саййид Абдулаҳадхон-нинг сиёсий фаолияти бугунги кунга қадар етарлича ўрганилмаган. Ўз даврида мамлакат тинчлиги, осоиишталиги ва фаровонлигини кўзлаб давлатни бошқарган бу шахс фаолиятини тадқиқ қилиш бугунги кун учун ҳам аҳамиятли бўлиб ҳисобланади. Ушбу маколада Бухоро амири Саййид Абдулаҳадхон (1885–1910) ва унинг сиёсий фаолияти Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида сакланаётган хужжатлар, П. П. Шубинскийнинг “Бухоро очерклари” рисоласи, шунингдек, даврий нашрлар “Таржимон” (Боғчасарой), “Туркистон вилояти газети” (Тошкент), “Ойна” (Самарканд) журнали ва бошқа маҳаллий манбалар асосида тадқиқ килинади.

Калим сўзлар: Бухоро амирлиги, Россия, Амир Абдулаҳадхон, Исмоилбек Гаспиринский, “Музafferия” мактаби, шиа, сунний, Кармана, темир йўл, почта, телеграф, жадид мактаби, мадраса, газета.

Д. ЖАМОЛОВА

ЭМИР БУХАРЫ АБДУЛАҲАДХОН И ЕГО ПОЛИТИЧЕСКАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ

Политическая деятельность последнего эмира Бухарского эмирата Сайида Абдулахада недостаточно изучена. Эмир оказал огромное влияние на процветание и спокойствие страны, тем самым исследование его деятельности является актуальным. Статья подготовлена на основе материалов Ташкентского Центрального Государственного архива, по книге П. П. Шубинского «Очерки Бухары» и брошюре «Tарjimon» (Бахчасарай), газете «Туркистон вилоят газети», журналу «Ойна» и другим местным источникам, освещавшим политическую деятельность эмира Сейида Абдулахадхана в 1885–1910 гг.

D. JAMOLOVA

BUKHARA EMIR ABDULAHAD AND HIS POLITICAL ACTIVITIES

The political activity of the last Emir of the Bukhara Emirate Sayyid Abdulahad has not been sufficiently studied. The Emir had a tremendous impact on the prosperity and peace of the country, so the research on his activities is still relevant. The article is based on the materials of the Tashkent Central State Archive, the book ‘Essays of Bukhara’ by P. Shubinsky and the brochure ‘Tarjimon’ (Bakhchasaray), ‘Turkiston Viloyat Gazeti’ newspaper, ‘Oyna’ magazine, and other local sources that covered political activities of Emir Seyyid Abdulahadhan in 1885–1910.

А. ТОҒАЕВА

ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИ ЭКОЛОГИЯСИ ВА АТРОФ- МУХИТ МУХОФАЗАСИ МУАММОЛАРИ (1950–1990 ЙИЛЛАР)

XX асрда урбанизация жараёнларининг кучайиши иқтисодий тараккиёт, хусусан, саноат ривожланиши билан чамбарчас боғлик бўлди. Саноат ишлаб чиқаришининг жадал суръатларда ривожланиши, табиат ресурсларидан ноокилона фойдаланилиши натижасида атмосфера ва сувнинг ифлосланиш даражаси тобора кучайиб, экология масаласи бутун дунёдаги долзарб муаммолардан бирига айланди. Экологик мувоза-натнинг бузилиши инсониятнинг соғлом хаёт кечиришига жиддий хавф туғдирди. 1972 йилда БМТнинг Стокгольм шаҳрида бўлиб ўтган анжуманида 5 июнь – «Бутунжоҳон атроф-мухитни муҳофаза қилиш куни» деб эълон килиниши дунё ҳамжамиятида бу масалага алоҳида эътибор қаратилганлигидан далолат беради.

Совет республикаларида экологик муаммоларнинг кучайиши ўзига хос жиҳатларга эга бўлган эди. Бу даврда иқтисодиётнинг экстенсив ривожланиши табиий ва инсоний ресурслардан бетартиб ва хўжасизларча фойдаланилишига олиб келди. Ишлаб чиқариш ўсишига эришиш мақсадида энг арzon, айни пайтда атроф-мухитни ифлослантириш даражаси баланд бўлган техника ва технологиялар кўлланилди. Факат ишлаб чиқаришни кучайтиришни кўзлаган корхона ва ташкилотларни сув ва энергиянинг такчиллигига олиб келувчи сабаблар, сув ҳавзалари, тупрок ва ҳавонинг ифлосланиши каби салбий ҳолатлар умуман қизиктирмади.

XX асрнинг иккинчи ярмида Ўзбекистон шаҳарларида ҳам экологик муаммолар кучайиб борди. Совет ҳукумати ва ҳукмрон коммунистик партиянинг олиб борган иқтисодий сиёсати натижасида Ўзбекистонда ўнлаб янги шаҳарлар вужудга келди. Бу даврда Ўзбекистон худудида ер усти ва ер ости табиий бойликлари захираларининг ишга туширилиши билан боғлик ҳолда Ангрен, Олмалиқ, Навоий, Шаҳрихон, Зарафшон, Ширин, Муборак, Пахтакор, Газли, Учкудуқ, Маржонбулоқ, Шарғун, Тахиатош сингари янги шаҳарлар барпо этилди¹. Бундан ташқари, Карши, Жиззах, Сирдарё чўлларини ўзлаштириш ва у ерларда турли

¹ Ахмедов Э. Ўзбекистон шаҳарлари. Тошкент: Ўзбекистон, 1991. 54–55-бетлар.

саноат корхоналари бунёд этиш натижасида Гулистон, Янгиер сингари шаҳарлар пайдо бўлди.

Республикада мавжуд минерал-хомашё, ёкилғи-энергетика ресурслари сингари табиий бойликлардан Иттифоқ манфаатлари йўлида аямасдан фойдаланилиши, саноат корхоналарининг экологик вазият, тарихий ва демографик вазиятни ҳисобга олмай туриб жойлаштирилиши атроф-муҳитга, шунингдек, аҳоли саломатлигига катта зарар етказилишига олиб келди. Янги шаҳарларнинг иктисодиёти тўлалигича Иттифоқ манфаатларини ифода этиб, мазкур ҳудудлар хомашё манбаларини қайта ишлаш ва хомашё этиштириб беришга қаратилди. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И. Каримов бу ҳақда: “экологик жиҳатдан зарарли ҳамда ғоят ҳавфли ишлаб чиқаришга эга бўлган Чирчик ва Навоий химия комбинатларида Ўзбекистон газидан олинадиган капролактам ва нитрон маҳсулотларини чукур қайта ишлашнинг ва улардан тайёр маҳсулот олишининг иложи йўқ эди, чунки бундай ишни бажарадиган корхоналар, умумиттифоқ меҳнат таҳсимотига кўра, Белоруссия, Россия, Украина ва бошқа минтакаларда курилган бўлиб, биз умумиттифоқ меҳнат таҳсимотига кўра, уларни хомашё билан таъминлашимиз керак эди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин”, – деб қайд этган эди².

Шаҳарларда экологик муаммоларнинг кучайиши табиатга катта зарар етказилиши, атроф-муҳитнинг ва сув ресурсларининг ифлосланиши каби ҳолатларда намоён бўлди. XX аср ўргаларида ёк совет давлати ва коммунистик партияси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги чора-тадбирларни ишлаб чиқишига мажбур бўлган эди. Энг аввало, аҳолини турли зарарли чикиндилардан ҳимоя қилиш ва шовкин-сурондан асраш максадида аҳоли тураржой массивларини ишлаб чиқариш объектлари – завод-фабрикалардан ажратиб турувчи санитария-муҳофаза зоналарини нормага солиш коидалари жорий этилган. Бундан ташкири, 1949 йилда СССР Министрлар Совети томонидан “Ҳавонинг ифлосланишига карши кураш тадбирлари ва аҳоли яшайдиган жойларнинг санитария-гиена шароитини яхшилаш тўғрисида”ги карор қабул килинган³. Кейинчалик ҳам шаҳарлардаги санитар ахволни яхшилаш, саноат корхоналарининг сувни ифлослантириши олдини олиш, экологик муаммоларни бартараф этишига йўналтирилган қатор меъёрий хужжатлар ишлаб чиқилган. Аммо, кўп ҳолларда совет ҳукумати қабул қилган қарорлар

² Каримов И.А. Ўзбекистон иктисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. Тошкент: Ўзбекистон, 1995. 212-бет.

³ Ахмедов Э. Ўзбекистон шаҳарлари. Тошкент: Ўзбекистон, 1991. 181-бет.

коғоздагина колиб кетганды туфайли улар ижобий натижалар бермадан. Аксинча, республиканинг табиий-хомашэ ресурслари аёвсиз ишлатилиб, маҳаллий аҳолининг манфаатлари умуман эътиборга олинмаган. Бунинг натижасида кейинги йилларда экологик вазият янада кескинлаша борди.

Хусусан, экологиянинг бузилиши ҳолатлари йирик шаҳарларда яққол намоён бўлди. Йирик шаҳарларда аҳоли сонининг ошиб кетиши, катта саноат корхоналарининг тўпланганини, ҳавонинг ифлосланиши, транспорт коммуникацияларининг кўплиги, ичимлик сувига бўлган эҳтиёжнинг катталиги, санитария ҳолатини меъёрида ушлаб туришининг кийинлиги каби ҳолатлар бунга сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатади. Республикада саноат корхоналарини жойлаштиришда табиий ва меҳнат ресурслари умуман эътиборга олинмаган эди. Ўзбекистон ялпи саноат маҳсулотининг 20%дан кўпроғи Тошкент шаҳри зиммасига, 36%га яқини 15 та катта шаҳарлар ҳиссасига тўғри келган⁴.

Саноат обьектлари, ўзбошимчалик билан, буйруқбозлиқ карорлари асосида, мутахассисларнинг тавсиялари эътиборга олинмасдан жойлаштирилди. Республика саноат салоҳиятининг 50%га яқини Тошкент ва Тошкент вилояти шаҳарлари, Фарғона, Андижон, Кўкон, Навоий каби шаҳарларда жойлаштирилиши республика иқтисодиёти ва худудлар экологиясига катта зиён етказди⁵.

Жумладан, республика пойтахти Тошкентда саноат корхоналарининг ниҳоят даражада кўп тўпланиши, транспорт тармокларининг кенгайиши каби сабаблар туфайли экологик вазият оғирлашиши, атроф-муҳитнинг бошқа категориядаги шаҳарларга нисбатан кучлироқ ифлосланиши кузатилди. 1940–1979 йиллар оралиғида республикада саноат маҳсулотлари етишириш ҳажми 15 марта ошган бўлса, Тошкент шаҳрида 35 бараварга кўпайган⁶. 1970-йилларга келиб Тошкент шаҳрида 400 дан ортиқ завод ва фабрикалар мавжудлиги экологик вазиятнинг мураккаблашишига сабаб бўлди. Қайта ишланган шаҳар Бош режасида пойтахтда янги саноат корхоналари қурилиши ман этилган ва айрим корхоналарни шаҳар четига олиб чиқиши белгиланганига қарамай, бу ерда йирик саноат корхоналари қурилиши давом эттирилаверган эди.

⁴ Иномов И. Ўзбекистоннинг янги шаҳарлари. Тошкент, 1991. 84-бет.

⁵ Каримов И.А. Ўзбекистон мустакилликка эришиш остонасида. Тошкент: Ўзбекистон, 2011. 49-бет.

⁶ Бахретдинова Х.А., Каданер Э.Л., Файзиев Н.М. Планирование социально-экономического развития городов и некоторые вопросы его совершенствования // Общественные науки в Узбекистане. 1981. № 1. 81-бет.

Тошкент вилоятида ҳам энг кўп саноат шаҳарлари жойлашганлиги ва уларнинг саноат хомашёсини ишлаб чиқаришга йўналтирилганлиги, шаҳарлардаги корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган деярли барча маҳсулотлар кучли кимёвий таркибга эга бўлганлиги бу ерда экологик вазиятнинг оғир тус олишига сабаб бўлди. Ушбу ҳудудда чиқиндиларни ушлаб қолувчи қурилмалар 1960-йилларда ўрнатилган. Орадан 20–30 йил ўтиб, мазкур қурилмалар қуввати камайиб, моддий ва мъянавий жиҳатдан эскириб борганлигига қарамай, саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни янада оширишга эътибор қаратилди. Бу эса, атроф-муҳитнинг янада ифлосланишига олиб келди. Биргина Бекобод шаҳрида мавжуд 50 дан ортиқ саноат корхоналари томонидан атмосферага ҳар йили 20 минг тоннадан зиёд заҳарли моддалар чиқарилган⁷.

Бирок, Ўзбекистон шаҳарларида саноат корхоналари атмосфера ҳавосининг ифлосланишига олиб келганлигига кам эътибор қаратилган ҳамда уларни заарлантириш чоралари тўлиқ олиб борилмаган эди. Чикинди манбаларининг 48%игина тозалаш қурилмалари билан жихозланган бўлиб, бунинг оқибатида бир йилда тозалаш иншоотларидан ўтмайдиган 1 млн. тонна заарли модда ҳавога чиқариб юборилган⁸.

Бу даврда ЎзССРда атроф-муҳит кўпроқ бузилган шаҳарлар қаторига Чирчик, Олмалиқ, Оҳангарон, Андижон, Кўкон, Навоий, Бухоро, Фарғона шаҳарлари кирган. Олмалиқ ва Фарғона шаҳарлари собиқ СССРнинг 68 тадан иборат атмосфераси ўта ифлосланган шаҳарлари рўйхатига киритилган⁹.

Фарғона водийси шаҳарлари аҳолиси ҳам энг оғир экологик муаммоларга дуч келган эди. Фарғона шаҳри иккинчи жаҳон урушидан олдинги йилларда Ўзбекистоннинг озиқ-овқат ва енгил саноатта ихтисослашган ҳудуди бўлиб, урушдан кейинги даврда нефтни қайта ишлаш ва химия саноати ривожланиши натижасида 1960-йил охирига келиб, Ўзбекистоннинг ийрик саноат марказларидан бирига айланди. 1970-йилларнинг охирида Фарғона шаҳри саноат маҳсулотлари ҳажми бўйича республикада Тошкент шаҳридан кейин иккинчи ўринни эгаллади. Бу пайтга келиб шаҳарда 33 та саноат корхонаси ишлаб турган эди¹⁰.

⁷ Шамсиев Ф., Тошматова Д. Шаҳар узра кора-курумлар // Бекобод ишчиси. 50-сон. 4 октябрь, 1989 йил. 6-бет.

⁸ Бобоҷонова Д. Ўзбекистонда ижтимоий-иктисодий муносабатлар. Тошкент: Шарқ, 1999. 35-бет.

⁹ Аҳмедов Э. Ўзбекистон шаҳарлари. Тошкент: Ўзбекистон, 1991. 186-бет.

¹⁰ Тиллаходжаев С., Юлдашев Т., Гафуров А. Фергана. Ташкент: Узбекистан, 1977. 45–46, 60-бетлар.

Фарғона шаҳрида янги-янги саноат корхоналарининг барпо этилиши, хусусан, унинг химия саноатига ихтисослаштирилиши ва катта фойда олишга зўр берилиб, керакли жиҳозлар учун маблағ ажратилмаганлиги вилоятда сув ва ҳаво ифлосланishiiga катта таъсир кўрсатди. Шаҳар экологиясига катта таъсир кўрсатган корхоналардан бири “Фергдананефтеоргсинтез” ишлаб чиқариш бирлашмаси бўлиб, у йилига рухсат берилган нормадан 3 баравар кўп – 64.390 тонна чиқиндини ҳавога ташлаган. Бундан ташқари, кўп миқдордаги нефть ва нефть маҳсулотлари тупроққа сингиб кетар, натижада корхонадан 6–8 км. узокликдаги кудуклар сув юзасида ҳам нефть сузид юрар эди¹¹. Гидрогеологларнинг олиб борган тадқиқотларига кўра, 1976 йилдаёк Тошлок райони ер ости сувларида нефть маҳсулотлари борлиги аниқланган эди. Аммо, 1982 йилгача СССР нефть ва химия саноати министрлиги, Фарғона область бошқаруви ташкилотлари ҳам бунга қарши чора кўрмаган. Шундан сўнг кабул қилинган қарорларда 1988 йилгача ифлосланган сувларни тозалаш режалаштирилган бўлса-да, аммо маблағ ажратилмаганлиги сабабли улар совет тузумининг сўнгти даврларигача қофзода қолиб кетган¹².

“Фергдананефтеоргсинтез” бирлашмасининг Олтиарик район Ҳамза посёлкасида жойлашган нефтни қайта ишлаш заводи ҳам сув ҳавзаларини ифлослантирган. Сизот сувлари етарлича тиндирилмай, истеъмол қилинган. 1988 йилнинг ўзида бу корхона сув ҳавзаларига 163,4 тонна нефть маҳсулотларини ташлаган.

Фарғонанинг аҳоли зич яшайдиган қисмида жойлашган фурان бирикмалари химия заводи ҳам шаҳар муҳитини заарлайдиган корхоналардан бири эди. Белгиланган месъёрларга мувофиқ унинг санитария иҳота зонаси 500 метрни ташкил қилиши лозим эди. Аммо амалда завод уч километрга яқин доирада атроф-муҳитни ифлослантирганлиги сабабли уни шаҳар ташқарисига кўчириш зарурияти асосли деб топилган. Аҳоли манбаатлари охириги ўринга кўйилганлиги туфайли бу иш амалга оширилмай қолган. Гарчи бу ҳолатни бартараф этиш ҳукумат қарорларида кўзда тутилган бўлса-да, аммо маблағ ажратилмаганлиги сабабли улар факат қофзода қолиб кетган.

Худди шунингдек, Қувасой цемент комбинати ҳам зарур курилмалар билан жиҳозланмаганлиги, борлари ҳам эскирганлиги туфайли сув ва ҳавони ифлослантирган. Йилига 30 минг тоннадан зиёд цемент, оҳак, гипс чангини атмосферага чиқарган комбинат аҳоли саломатлиги ва

¹¹ Ниёзов А. Табият ҳатони кечирмайди / Совет Ўзбекистони. 1989 йил 13 январь.

¹² Шу жойда.

атроф-мухитга катта заарар еткизган¹³. Норматив бўйича эса корхона 10 минг тонна чанг ва газни чиқариши белгиланган эди. Комбинатнинг турли цехларидаги фильтрлар 1970-йиллар бошида ўрнатилган бўлиб, улар тўла куввати билан ишламаган. Бундан ташқари, комбинатда моддий ва маънавий жиҳатдан эскирган техниканинг кўлланиши хам атроф-мухитнинг янада заарланишига олиб келган омиллардан бири эди.

ЎзССР МС нинг 1982 йил 15 июлдаги қарорига мувофиқ, Кувасой цемент комбинатининг айрим цехларида уч йил ичида тозаловчи курилмаларни янгилаш белгиланган. Аммо, комбинат СССР МСга қарашли бўлиб, атроф-мухит муҳофазасига оид тадбирлар лойихаси Харъковдаги “Южгипроцемент” институтида ишлаб чиқарилиши лозим эди. Бунинг учун комбинаттага хом ашё етказиб берадиган Қирғизистон ССРдан табиий захиралар хакидаги маълумотлар олиниши зарурлиги жараённинг янада чўзилишига сабаб бўлган¹⁴. Шу тариқа, республика аҳолисининг саломатлиги билан боғлиқ масалалар мамлакатнинг бошқа худудларида ҳал килиниши натижасида ушбу муаммо то мустақиллик йилларига қадар хам ўз ечимини топа олмаган эди.

Манбада вилоят маркази якинида жойлашган Кувасой шахрига кадам кўйилиши билан димокқа чанг хиди урилиши, комбинатнинг 12 та 45 ва 60 метрли мўриларидан чиқаётган чанг-тўзон гоҳида куёшни ва бутун осмонни қора чодрага ўраши қайд этилади.

Марказий Осиё ёқилғи-энергетика комплексининг энг муҳим корхоналаридан бири бўлган, 1971 йилда ишга туширилган Муборак газни қайта ишлаш заводи ҳам нормадагидан кўп чиқиндилар чиқариб, экологияни кучли заарлаган бўлса-да, буни бартараф этишга етарлича чоралар кўрилмаган. Мазкур корхона ҳавога олтингугуртли вбдородни нормадагидан анча кўп чиқарган. Бирок, 1980-йилларнинг ўрталарида кадар заводнинг атроф-мухитга заарли чиқиндилар чиқариши лаборатория йўли билан текширилмаган. 1986 йилдагина ҳаво ва сув таркибидаги заарли моддаларни аникладиган маҳсус ускуна ўрнатилган. Корхона 1 млрд. куб метр газни қайта ишлаш жараённида 12,2 минг тонна заарли моддаларни атмосферага чиқарган. Янги курилманинг ўрнатилиши натижасида бу кўрсаткич 9,5 минг тоннагача камайган. Аммо бу ҳам меъёрий нормалардан анча баланд эди¹⁵.

¹³ Фергана: покой и беспокойство / Правда Востока. 1989 йил 5 сентябрь.

¹⁴ Ниёзов А. Табиат хатони кечирмайди / Совет Ўзбекистони. 1989 йил 13 январь.

¹⁵ Дорошенко В. Будет ли чистым дыхание завода? / Правда Востока. 1989 йил 8 сентябрь.

Ууман, Қашқадарё вилоятида юздан ортиқ йирик ва ўрта даражадаги саноат корхоналари бўлиб, йилига факат атмосферанинг ўзига 335 минг тонна заарли чиқиндилар чиқарилган. Улардан факат 19,8%ни тозаловчи қурилмалар орқали ушлаб қолинган, холос¹⁶.

1980-йиллар ўрталаридан Ўзбекистон шаҳарларидағи экологик вазият борасидаги мулоҳазалар жамоатчилик орасида қизғин муҳокама килина бошланди. Шаҳарлар ахолиси атроф-муҳит ифлосланишига қарши чиқиб, бу борада қатъий талабларни ҳам қўйган. Жумладан, ахолининг талаби билан 1988 йил 2 декабрда Фарғона вилояти табиатни муҳофаза килиш комитети чиқиндиларни рухсатсиз атмосферага ташлаётган корхоналар фаолиятини 1989 йил 1 январдан бошлаб тўхтатиши ҳакида қарор қабул қилган эди.

1980-йиллар охирига келиб шаҳарлардаги экологик вазиятни яхшилашга қаратилган айрим чора-тадбирлар амалга оширила бошланди. Жумладан, 40 йилдан ортиқ вақт мобайнида энг оғир экологик хавф туғдирган Фарғона химия заводида ҳам шундай тадбирлар ўtkазиш кўзда тутилган эди. Корхонадаги ускуналар иккинчи жаҳон урушидан олдинги йилларда барпо этилган бўлиб, моддий ва маънавий жиҳатдан эскирган, натижада ҳавога нормадагидан бир неча баравар кўп чиқиндилар чиқарилганлиги эътиборга олиниб, 1989 йилда “Техно фирм инжиниринг” совет-швед кўшма корхонаси томонидан янги ускуналар қўйиш лойиҳаси ишлана бошланган. Реконструкциядан сўнг заарли чиқиндилар ҳажми, сув истеъмоли ҳажми, саноат чиқиндилари ҳажми камайиши, меҳнат шароитлари ва санитар аҳвол яхшиланиши кўзда тутилган¹⁷.

1988 йилда Кувасой цемент комбинатидаги айланма печларнинг эскирган фильтрлари ҳам янгиланган. Шундан сўнг улардан чиқарилаётган чанг ҳажми суткасига 90 тоннадан 30 тоннагача камайган. Шунингдек, оҳак, шифер ишлаб чиқариладиган қувватларда ҳам чиқиндиларни тутиб қоладиган қурилмалар ўрнатилган¹⁸.

1990-йиллар бошида республиканинг энг кўп саноат корхоналари жойлашган шаҳарларида атмосфера ҳавосини муқим манбалардан чиқадиган заарли моддаларни тутиб колиш ва зарарсизлантириш куйидаги ҳолатда эди¹⁹:

¹⁶ Правда Востока. 1989 йил 8 сентябрь.

¹⁷ Реконструкция химического завода / Правда Востока. 1989 йил 1 ноябрь.

¹⁸ Ниёзов А. Табиат ҳатони кечирмайди / Совет Ўзбекистони. 1989 йил 13 январь.

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси ҳалқ хўжалиги. 1994. Йиллик статистик тўплам. Тошкент, 1995. 219-бет.

Шаҳарлар	минг тонна	Муқим-стационар манбалардан чикувчи зарарли моддалар умумий миқдоридан % хисобида
Тошкент	32,4	48,4
Олмалиқ	470,2	74,8
Ангрен	521,7	79,1
Андижон	4,5	28,2
Бекобод	109,2	86,2
Қўқон	20,2	78,9
Навоий	611,0	93,0
Самарқанд	47,4	73,1
Фарғона	178,2	61,6
Чирчик	87,5	87,5

Кўриниб турибдики, Андижон шаҳрида зарарли моддаларни тутиб колиш ва зарарсизлантириш даражаси энг паст (28,2 %) бўлса, энг юқори кўрсаткич Навоий шаҳрига (93,0 %) тўғри келган.

1980-йилларга оид манбада: “шаҳарларда ҳаво ҳавзасини соғломлаштиришнинг энг муҳим омилларидан бири – урбанизациялашган ҳудудларни кўкаlamзорлаштиришдир”, – дейилади. Шу билан бирга, охирги йилларда бу борадаги ишлар аҳолининг кўпайиш суръатларидан анча орқада қолганлиги таъкидланади. Бунинг оқибатларини бартараф этиш сифатида шаҳарлар атрофида яшил ҳудудларни кенгайтириш, кварталлар орасидаги яшил майдонлар ҳажмини ўрнатилган тартибларга мос ҳолда ташкил этиш, корхоналар атрофидаги санитар-химоя зоналарини кучайтириш лозимлиги қайд этилган. Шунингдек, бошқа республикалардаги сингари Ўз ССРда ҳам МС ҳузурида Табиатни асраш Давлат Комитети тузилиши зарурлиги таклиф этилган²⁰.

Ўзбекистон шаҳарларида экологик муаммоларнинг катта қисми сув ресурслари билан боғлиқ ҳолда юзага келган эди. Бунда асосий муаммо сув ресурсларининг тақчиллиги ва ифлосланиш даражасининг юқорилиги билан ифодаланади. Кўплаб янги шаҳарлар ва саноат

²⁰ Соковнин В. Проблемы охраны окружающей среды // Общественные науки в Узбекистане. 1981. № 1. 93–94-бетлар.

корхоналарининг пайдо бўлиши, шаҳар аҳолиси салмоғининг ошиб бориши, инженерлик инфратузилмасининг ривожланиши каби омиллар сув ресурсларидан фойдаланишнинг тобора ортиб боришига олиб келди.

Архив манбаларидан маълум бўлишича, республика шаҳарлари аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласи бу даврда дол зарб муаммолардан бири бўлган. Шаҳарлардаги саноат объектларининг жуда кўпчилиги хомашёни қайта ишлашга ихтисослаштирилганлиги, нафақат республика эҳтиёжлари, балки иттифоқдош республикалар учун ҳам маҳсулот ишлаб чиқарганлигига қарамай, уларнинг кўпчилигига маҳсус тозаловчи курилмалар ўрнатилмаган. Чикиндилар ва оқава сувлар кўп худудларда тўғридан-тўғри сув ҳавзаларига ташланган. Масалан, Тошкент шаҳридаги корхоналар оқава сувларни Қичкириқ ва Салор анҳорига, Самарқанд шаҳридаги корхоналар Сиёб каналига, Каттакўргон шаҳри корхоналари Чаганак ва Нарпай каналларига, Чирчик шаҳрида корхоналар Чирчик дарёсига, Бекобод шаҳри корхоналари Киров каналига, Бухоро шаҳри корхоналари Шоҳруд каналига ташлаган. Худди шундай ҳолат бутун республика шаҳарлари бўйича кузатилган²¹. 1967 йилга оид маълумотларга кўра, шаҳарларда мавжуд канализация саноат объектларининг 20% оқава сувларинигина қабул қилишга қодир бўлиб, шу билан бирга, уларни тозалаш ва заарсизлантириш даражаси ўта паст эди. Қолган оқава сувлар тозаланмаган ҳолда сув ҳавзаларига ташланиши уларнинг санитар-гигиеник ҳолати ёмонлашушига, айрим аҳоли пунктларида ошқозон-ичак касалликларининг кўпайишига сабаб бўлган²².

Тошкент шаҳрини сув билан таъминлайдиган манбалардан бири хисобланган Чирчик дарёсига ҳам кўпгина корхоналар томонидан оқава сувлари ташланган. Тармоқ вазирликлари ва идораларига қарашли корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг хўжасизларча иш юритиши натижасида шаҳар ва районлар бош режаларидан четта чиқилган ва дарё бўйида саноат корхоналари курилган. Хусусан, атроф-мухитга катта зарар келтираётган капролактам заводи ҳам қонунга хилоф тарзда Чирчик бўйида жойлаштирилган. Мазкур корхона ишлаб чиқаришида жуда кўп сув талаб этилган, фойдаланилган техник сувлар эса энг оддий усуlda тозаланиб, қайтадан сув ҳавзаларига, жумладан, Чирчик дарёсига ҳам ташланган²³.

²¹ ЎзР МДА. Р-837 жамғарма, 39-рўйхат, 420-ийғмажилд, 5–24 вараклар.

²² ЎзР МДА. Р-837 жамғарма, 41-рўйхат, 754-ийғмажилд, 19–21 вараклар.

²³ Совет Ўзбекистони. 1989 йил 22 январь.

Кўриб ўтилганидек, 1980-йилларнинг охирига келиб Ўзбекистон шаҳарларида атроф-мухит муҳофазасига етарлича эътибор қаратилмади. Республика хукумати ва жамоатчилик томонидан амалга оширилган айрим тадбирлар эса, шаҳарлардаги экологик вазиятни яхшилашга хизмат қила олмади. Инсон омили ва унинг манфаатлари охириг ўринга қўйилганлиги, маҳаллий аҳолининг шарт-шароитлари ва вазияти эътиборга олинмаганлиги туфайли қабул қилинган қарорлар коғозларда қолиб кетиб, амалиётга жорий қилинмади. Йирик саноат корхоналарининг аксарияти марказий вазирликларга бўйсунгандиги, уларда тозаловчи қурилмаларни ўрнатишни лойиҳалаштириш ишлари республикадан ташқарида амалга оширилиши, зарур маблаглар ажратилмаганлиги каби ҳолатлар уларни заарсизлантириш борасида амалий ҳаракатларнинг натижа бермаслигига олиб келди. Бу эса, ўз навбатида шаҳарлар аҳолисининг соғлом ва хавфсиз турмуш кечиришига жиддий тўсқинлик қилди.

A. TOFAEVA

ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИ ЭКОЛОГИЯСИ ВА АТРОФ-МУХИТ МУҲОФАЗАСИ МУАММОЛАРИ (1950–1990 ЙИЛЛАР)

Совет даврида Ўзбекистонда шаҳарлар сонининг ошиб бориши экология мувозанатининг бузилишига таъсир қилган омиллардан бири бўлган эди. Мазкур макола XX асрнинг 50–90 йилларида Ўзбекистон шаҳарларидағи экология муаммоларини таҳлил этиш ва уларни келтириб чиқарган омилларни ёритишга багишлиланган. Шунингдек, даврий матбуот материаллари ёрдамида айрим саноат корхоналарининг атроф-мухит ҳолатига кўрсатган салбий таъсири очиб берилган.

Калит сўзлар: шаҳарлар, саноат, экология, атроф-мухит муҳофазаси, корхоналар, сув ҳавзалари, атмосфера, нефть, газ, заарарли чиқиндилар, тозалаш иншоотлари.

Берунынин Рози замонидаги макулларга багримади йонадари билан
мушобабати тақсодида узбек тарзиниң улубекли юни
кундан.

А. ТОГАЕВА

АНОМЧАЛО

ЭКОЛОГИЯ ГОРОДОВ УЗБЕКИСТАНА И ПРОБЛЕМЫ ОХРАНЫ ОКРУЖАЮЩЕЙ СРЕДЫ (1950-1990 гг.)

Рост численности городов в советский период являлся одним из факторов, который повлиял на нарушение экологического баланса.

Статья посвящена анализу проблем экологии и воздействующих на них факторов в городах Узбекистана в 50-х – 90-х гг. XX века. На основе материалов периодической печати в статье раскрывается негативное влияние некоторых промышленных предприятий на окружающую среду.

A. TOGAEVA

ECOLOGY IN THE CITIES OF UZBEKISTAN AND ENVIRONMENT PROTECTION PROBLEMS (1950–1990)

The increasing number of cities in Uzbekistan in the Soviet period ranks among the impacts destroying ecological stability. This paper studies environment problems in the cities of Uzbekistan in 1950–1990, and explains their causes. Furthermore, based on periodical materials, it describes the negative impact of some factories and plants on the environment.

С. КАРИМОВА

**АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙНИНГ МАНБАЛАРДАН
ФОЙДАЛАНИШ УСЛУБИ**

Абу Райҳон Беруний (973–1048) асарларини ўрганган олимлар унинг илмий қарашлари ва фикрларининг ўз даври учун ниҳоятда илфор бўлганилигини, аллома фойдаланган илмий услублар эса замонавий фан услубларига яқин эканлигини эътироф этадилар.

Беруний илмий услубининг муҳим жиҳатларидан бири – ўзи фойдаланган манбаларга бўлган жиддий муносабатdir. Шу ўринда таъкидлаша жоизки, ўрга аср муаллифларининг аксарияти фойдаланилган адабиётга (ёки муаллиф номига) ишора беришга эътиборсизлик билан қараган. Лекин Беруний булардан мустасно бўлиб, бу масаланинг муҳимлигини яхши тушунган холда ўз асарларида истифода этган манбаларига ёки уларнинг муаллифлари номига аниқ ишоралар беради. Масалан, “*Китоб ас-сайдана фи-т-тибб*” (“Фармакогнозия”) асарида аллома 250 муаллифнинг номини тилга олади¹.

Бу Берунийгача қарийб 1500 йил мобайнида ўтган, Марказий Осиё, Эрон, Хиндистон, Араб мамлакатлари, Кичик Осиё, Юнонистон ва Рим каби худудлардан чиққан олимлар бўлиб, уларнинг баъзилари ҳақидаги маълумотлар бизгача факат Беруний асарлари оркали етиб келган. Уларнинг орасида Беруний томонидан кўп марта зикр қилинган, яъни аллома учун ишончли ҳисобланган манбалар ҳам бор. Масалан, юондоришуноси ва табиби Диоскорид (I аср) асарларига Беруний 230 марта, араб олими Абу Ҳанифа ад-Динаварийга (815 ёки 825–895) ҳам 230 мартадан ортиқ, энциклопедист олим Абу Бакр ар-Розийга (865–925) эса ҳаммасидан кўп, яъни ишора беради². Беруний ҳақиқатан ҳам Розийни олим сифатида жуда хурмат қилган ва шу муносабати боис Розий асарларининг рўйхати ва таржимаи холини ўз ичига олган маҳсус рисола ҳам ёзган³.

¹ Абу Райхан Беруни: Избранные произведения IV. Фармакогнозия в медицине / Исследование, перевод, примечания и указатели У.И. Каримова. Ташкент: Фан, 1974. (Бундан кейин Беруний IV).

² Беруний IV, 67, 91, 94-бетлар.

³ Epitre de Beruni contenant le repertoire des ouvrages de Muhammad b. Zakariya ar-Razi. Pub. Par Paul Kraus, Paris, 1936.

Берунийнинг Розий асарларидағи маълумот ва фикрларга билдирган муносабати мисолида унинг манбалардан фойдаланиш услубини кўриш мумкин.

Аввало, Беруний, юкорида айтиб ўтганимиздек, Розийдан олган иқтибос ва ишораларини аниқ кўрсатади. У ўзининг қарийб барча йирик асарларида Розийдан фойдаланган жойлари бор. Лекин Розийнинг асосан, кимёгар ва табиб сифатидаги шуҳрати боис, Беруний унинг асарларидан ўзининг табиий-илмий мазмундаги “Минералогия” ва “Сайдана” каби китобларида бошқаларига нисбатан кўпроқ истифода этган.

“Минералогия” жавоҳирлар ва металларга бағищланган китоб бўлгани учун Беруний унда Розийнинг асосан кимё ва маъданшуносликка оид асарларидан фойдаланган. “Сайдана”да эса ҳам тиббий, ҳам кимёвий мазмундаги асарлари истифода этилган. Улар куйидагилар:

Китоб ал-асрор (“Сирлар китоби”)

Ал-кутуб ал-исна’ ашар (“Кимёга оид ўн икки китоб”)

Китоб ал-ҳовий фи-т-тибб (“Тиб бўйича тўла қамровли китоб”)

Китоб ас-сайдана (“Фармакогнозия”)

Китоб ал-абдол (“Бадаллар китоби”)

Китоб ал-агзия (“Овқатлар китоби”)

Ат-тибб ал-мулукий (“Подшоҳлар табобати”)⁴

Китоб ал-жоми (“Жамловчи китоб”) у 12 та мустакил асарни ўз ичига олади.

Мазкур асарлардан олинган иқтибосларнинг таҳлили Розийнинг Беруний табиий-илмий қарашларига ҳам назарий, ҳам амалий масалаларда таъсири бўлганлигини кўрсатади.

Розий ўзининг “Алкимё бўйича ўн икки китоб” туркумидаги *Мадхаб ат-таълимий* (“Кимёни ўрганишга кириш китоби”) ва *Китоб ал-асорида маъданий моддаларнинг таснифини беради*. Унга мувофиқ, барча маъданий моддалар олти гурухга бўлиниб, ҳар бир гурух ичida унга мансуб модданинг тавсифи ва кимёвий хоссалари баён этилган. Шу жиҳатдан Берунийнинг бу асарлардан фойдаланиши жуда кулай бўлган. Чунки улардаги маълумотлар ва бу маълумотларнинг берилиш услуби “Сайдана”нинг мақсади ва тузилишига мувофиқ келган. “Китоб ал-асрор”дан олинган парчалар “Сайдана”нинг маъданий моддалардан бурак, *даус* (темир рудаси), малахит, шиша, зоклар, сурма, туз ва *талқ* (слюда)-

⁴ Абу-р-Райхан Мухаммед ибн Ахмед ал-Бируни. Собрание сведений для познания драгоценностей (Минералогия) / перевод А. М. Беленицкого; редакция проф. Г. Г. Леммлейна, проф. Х. К. Барапова и А. А. Долининой. М.: Изд-во Академии наук СССР, 1963. 406-бет. (бундан кейин Бируни. Минералогия); Беруни IV. 96–97-бетлар.

га бағишиланган мақолаларида келтирилган⁵. Уларда моддаларнинг кўриниши ва сифатларига тегишли бўлган маълумот билан бир каторда айримларини кимёвий ўзгариш билан боғлик сунъий усулда тайёрлаш ҳам баён килинган. Масалан, зокларни тайёрлаш усули⁶.

“Минералогия”да Розий асарларининг номи кўрсатилмаган, лекин А. М. Беленицкийнинг тахмин қилишича, Беруний унинг бизгача етиб келмаган маъданшуносликка оид “Тошлар ҳакида китоб” и ва кимёга оид “Сарик тош ҳакидағи китоб”дан ҳамда “Ал-Киндийга раддийа” номли асарларидан фойдаланган⁷.

Розий асарларидан олинган парчалар “Минералогия”нинг ёкут, зумрад, маржон, малахит, бодзахр, қаҳрабо, “ёмғир тоши” ва ҳарсиний (рух металли)га бағишиланган бобларида ишлатилган. Шулардан малахит (*даҳнаж*) ва рух металли (*ҳарсиний*)га тегишли бўлган парчалар Розийнинг “Китоб ал-асрор”идан олинганлигини аникладик⁸, яъни Беруний “Минералогия”да А. М. Беленицкий зикр қилган асарлардан ташқари “Китоб ал-асрор”дан ҳам фойдаланганлиги маълум бўлди. Худди шунингдек, маржонга тегишли маълумотлар Розийнинг тибга оид *ал-Жоми'* тўпламидаги китобдан, қаҳрабо ҳакидағиси эса *Китоб ал-ҳовийнинг* содда дориларга бағишиланган қисмининг ҳаvr (бақатерак) га оид мақоласидан олинганлиги аникланди⁹. Демак, Беруний “Минералогия”ни ёзишда Розийнинг бевосита мавзуга оид асарлари билан бир каторда органик келиб чиқишига эга моддаларни беришда унинг тиббий китобларидан ҳам фойдаланган.

Шу ўринда айтиш жоизки, Беруний ҳар бир олган маълумотини таҳлил килиб, ўз муносабатини билдириб кетади ва ҳар бир ҳолда бу муносабат рационал ёндашувга асосланганлигини кўришимиз мумкин. Масалан, “Минералогия”даги “ёмғир тоши”га тегишли маколада Розидан кўйидаги парчани келтиради: “... туркларнинг мамлакатида ҳарлухлар (карлуклар) билан бажанаглар (печенеглар) орасида довоң бор; шу довоңдан кўшин ёки пода ўтаётганда ҳайвонларнинг туғи тошларга урилмаслиги ва шу билан тўзон кўтарилиб, ёмғир ёғиб юбормаслиги учун уларни кигиз билан ўраб кўядилар. Худди шу тошлар ёрдамида улар истаган вакъларида ёмғир чақира оладилар. Бунинг учун одам ўша

⁵ Беруни IV. №№ 184, 445, 447, 480, 486, 674, 886, 1015.

⁶ Беруни IV. № 480.

⁷ Бируни. Минералогия. 406-бет.

⁸ *Китоб ал-асрор*. Ўз ФА ШИ кўлзмаси, № 3758, 4 а, б – вараклар.

⁹ Беруни IV. 272-бет; *Китоб ал-ҳовий фи-т-тибб ли Аби Бакр Муҳаммад бин Закариё ар-Розий ат-Табиб жилд XX*, 1387/1967. 311–312-бетлар.

докондан олинган тошни оғзида ушлаб туриб, сувга тушади ва қўллари билан харакат килиб ёмғир чакиради”¹⁰. Бу ҳикояга ўз муносабатини билдириб, Беруний шундай дейди: “Бу ҳикояни Ибн Закариёдан бошқалардан ҳам эшигтанман. Бу, худдики, эътиroz туғдирмайдиган нарсадек. ... Яна бир кимса бу гапларни хикоя килиб, туркларнинг ерида, Табаристон тоглари чўйкисида саримсоқ майдаланса, унинг кетидан дархол ёмғир ёғишини айтди.... Мен уларга: “Бу ходисаларни тогларнинг жойлашуви, шамолларнинг йўналиши ҳамда булутларнинг дengiz томондан ҳаракатини ўрганибина изоҳлаш мумкин”, дедим”¹¹.

Келтирилган парчада Беруний “мўъжиза” бўлиб кўринган ушбу ходисанинг ҳакикий сабаби метеорологик ўзгаришларни келтириб чиқарувчи табиий омиллар эканлигини тушунтирган.

Назарий масалаларга келсак, Беруний Розий таклиф этган моддалар таснифи, хусусан, маъданий моддалар таснифини, шунингдек, унга биноан моддалар ва уларнинг хоссалари тавсифини қабул қилган ҳамда улардан ўз асрларида фойдаланган. Бу ҳақда юкорида айтиб ўтдик. Лекин ўрта аср кимёсининг асосий назарияси, яъни металлар трансмутациясига Беруний салбий муносабатда бўлган ва кимёгарларнинг, шу жумладан, Розийнинг ҳам сунъий йўл билан оддий металлардан олтин ва кумуш хосил қилишга уринишларини танқид килган. Унинг танқидий фикрлари “Хиндистон” ва “Минералогия” асрларида баён қилинган: “Одамлар металлардан сунъий равишда тайёрлайдиган моддаларни табиат уларга нисбатан яхшиrok яратган ва бу инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқатдир. Лекин кимёгарлар буни инкор этишга уринадилар. Улар ўзларининг чалкаш тушларида кўрган олтинни табиий олтинданд афзалроқ деб биладилар. Чунки у ўзига кўшилган ҳар қандай моддани олtinga айлантиришга кодир эмиш, табиий олтин эса бундай қудратга эга эмас эмиш”¹².

Демак, Беруний даврида металлар, хусусан, олтин ва кумушнинг бир элементли модда эканлиги ҳали маълум бўлмаса ҳам, Беруний бу металларнинг айрим физик ва кимёвий хоссаларидан келиб чиқиб, уларнинг кўп компонентли модда эмаслигини тушунган.

“Сайдана”даги Розий тиббий асрларидан олинган парчаларнинг аксарияти доривор ўсимликларга бағишлиланган ва улар асосан, дориларнинг сифати, маҳаллий номлари, бадаллари (ўрнига ўтувчиларини) ҳакидаги маълумотларни ўз ичига олади. Беруний

¹⁰ Бируни. Минералогия. 205-бет.

¹¹ Бируни. Минералогия. 206-бет.

¹² Бируни. Минералогия. 205-бет.

табобат билан махсус шуғулланмаганлиги боис, дориларнинг тиббий таъсири хақида маълумот бермайди.

Хулоса килиб айтганда, Беруний ўзи фойдаланган манбалардаги маълумотларни танқидий таҳлил килиб, уларнинг рационал негизини топа олган ва уларни ўз асарларида ривожлантирган.

С. КАРИМОВА

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙНИНГ МАНБАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ УСЛУБИ

Мазкур мақолада Абу Райхон Берунийнинг (973–1048) табиий фанларга оид бўлган “Табобатда доришунослик” ва “Минералогия” асарларида зикр қилинган муаллифлар ва китоблар ҳамда улардан олинган маълумот ва ишораларнинг таҳлили асосида алломанинг ўзи фойдаланган манбаларга муносабати ва ёндашуви кўрсатиб берилган.

Калим сўзлар: Абу Райхон Беруний, Абу Бакр ар-Розий, “Китоб ас-сайдана фи-т-тибб”, “Минералогия”, моддалар таснифи, ал-кимё, табобат.

С. КАРИМОВА

МЕТОДЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИСТОЧНИКОВ АБУ РАЙХАНА БЕРУНИ

В статье на основе анализа имен авторов и названий книг, а также сведений и цитат, приведенных в естественно-научных трудах Абу Райхана Беруни (973–1048) «Фармакогнозия» и «Минералогия» показано отношение и подход ученого к использованным источникам.

S. KARIMOVA

METHOD OF USE OF SOURCES OF ABU RAIKHAN BERUNI

In the article, based on the analysis of the names of authors and titles of books, as well as information and quotations given in the scientific works by Abu Rayhan Beruni (973–1048), namely “Pharmacognosy” and “Mineralogy”, the attitude and approach of the scientist to the used sources was demonstrated.

Х. ТҮРАЕВ

ПЎЛАТ СОЛИЕВ ТАДЌИҚОТЛАРИДА ЎРТА АСРЛАР ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ

1924 йилда Совет давлатида ўтказилган миллий давлат чегараланишидан сўнг ташкил топган янги республикаларнинг этнотарихий, этносиёсий илдизларини ўрганиш, худуднинг бу ерда яшаган туб аҳоли тарихий номига мос келиши масалаларини тадқиқ қилиш бошланди. Ўзбек халқининг кўп асрлик тарихига мурожаат, аввало, миллий маърифатпарварлар томонидан амалга оширилди¹. Бу борада атокли муаррих Пўлат Солиев (1882–1938) ўзбек халқи тарихининг ўрта асрлар даври, хусусан, Амир Темур ва темурийлар даври, шунингдек, Ўрта Осиё хонликларининг таназзулларни бошидан кечириши масалаларини очиб беришга ўз хиссасини қўшди. Унинг “Ўзбеклар ҳам Темур болалари” номли тўрт кисмдан иборат тадқиқоти айнан шу масалаларни ёритишга бағишиланган эди.

Олим ушбу тадқиқотини ёзиш учун жуда катта ҳажмдаги манбаларни ўрганди, чуқур тахлил килди. П. Солиевнинг мавзууни ёритишида кўллаган методлари, ўрганилаётган муаммога нисбатан ёндашуви ва хуласалари хозирги пайтда ниҳоятда катта кимматга эга.

Пўлат Солиевнинг “Ўзбеклар ҳам Темур болалари”² номли мақоласининг биринчи қисми темурийлар сулоласи инқирозига бағишиланган бўлиб, унда Абулғозихоннинг “Шажараи турк”, Махмуд ибн Валининг “Баҳр ул-асрор”, Амир Темур тилидан ёзилган “Темур тузуклари”, Хондамирнинг “Ҳабиб ус-сийар”, Бинойнинг “Шайбонийнома”, Масъуд ибн Кухистонийнинг “Тарихи Абулхайрхоний”, Захириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”³ каби қўлёзма асарларидаги маълумотлардан кенг фойдаланилган.

¹ Қаранг: Миён Бузрук. Ўзбек. معارف و اوقاتغوجى журнали. Тошкент, 1928, 3 (39) сон. 43–49-бетлар; Шу муаллиф: Ўзбек тарихига оид тўрт мухим асар. معارف و اوقاتغوجى журнали. Тошкент, 1927. 9–10 сонлар. 57–61-бетлар.

² Пўлат Солиев. Ўзбеклар ҳам Темур болалари // “Маориф ва ўкутгувчи” журнали. Тошкент, 1928. 5–6-сонлар.

³ Қўлёзма асарларнинг айримлари Пўлат Солиевнинг шахсий кутубхонасида сакланган. Олим “Шайбонийнома” ни XX асрнинг 20-йилларида Бухорода топилганини ёzáди ва ушбу нусхага кенг шарҳ беради.

Муаллиф шайбонийларнинг дастлаб Дашти Қипчоқда ўрнашганлигини, Олтин Ўрда майда бўлакларга бўлиниб кетгач, Ёйик дарёсидан Сирдарёнинг кўйи оқимигача бўлган ерлар Жўжининг ўғли Шайбонга теккандан сўнг бу худудларда кўчиб юрганлиги билан изоҳланди. Бу ҳолат Амир Темур давригача давом этганлигини олим “Темур тузуклари”, “Баҳр ул-асор”, “Шажараи турк” асарларидаги маълумотлар билан асослашга ҳаракат қилади. Унинг фикрича: “шайбонийларнинг Мовароуннахрга тез-тез хужумлари бу ердаги чигатой хонларининг ҳокимият учун ўзаро кураши билан боғлиқ. Ҳужумлар, айниқса, Шоҳруҳ ҳукмронлиги даврида янада кучаяди”. Хоразмнинг Абулхайрхон таъсирига тушишини П. Солиев туркманларнинг исёни, Хоразм волийси, яъни Шоҳруҳнинг ўғли Иброҳим сultonнинг вафоти ва Шоҳруҳнинг кексайиб колганлиги каби сабабларга боғлади. Шоҳруҳ ҳукмронлиги даврида темурийлар давлатида савдо-сотиқнинг ўсиши билан бир қаторда, тобеъ худудларни талаш ва зулмнинг кучайиши оқибатида кўплаб исёnlар бўлганлигини таъқидлайди. Шоҳруҳнинг шайбонийларга нисбатан чорасиз колганини П. Солиев “ички исёnlар туфайли” деб хисоблайди.

Муаллиф Хоразмни шайбонийлар томонидан истило қилиниши тўғрисидаги маълумотларни Масъуд ибн Усмон Кўҳистонийнинг “Тарихи Абулхайрхоний” асаридан олган. Олим ушбу асар маълумотларини таҳлил қилиш жараёнида унга танкидий муносабатда бўлган. Хоразм аъёнларининг Шоҳруҳга қараганда Абулхайрхонни афзал кўришлари сабабларини аниқлашга ҳаракат қилади. Ҳусусан, Абулхайрхон ўз вақтида Хоразм ахлига кўпдан кўп тухфалар бериб, уларни ўз томонига ағдариб олган деб хисоблайди⁴. Дарҳақиқат, Абулхайрхон Хоразмни забт этганидан сўнг, давлат хазинасини, уламою акобирларга тақсимлаб берган. Мазкур тадбир унинг Хоразмдаги кейинги фаолиятига ижобий таъсир қилиб, катта обрў ортиришга олиб келган. Хоразм ахли Шоҳруҳдан бундай муруват кўрмаганлиги боис, уни кўллаб кувватламаган⁵. Пўлат Солиевнинг бундай киёсий таҳлили темурийлар салтанатида

⁴ Пўлат Солиев Шоҳруҳнинг Ҳирот уламоси орасида “вали”, “соҳибқирон” сифатида ном қозонганига, Абулхайрхон эса дину диёнатсиз бўлганига эътибор қаратган.

⁵ Хоразм ҳукмдори бу даврда амир Иброҳим эди. У Абулхайрхон кўшинларига қаршилик кўрсатмасдан шаҳарни унга топширади. Уламо ва зодагонлар амир Иброҳимдан Абулхайрхоннинг барча шартларини сўzsиз кабул қилишни талаб қилишади ва бунга муваффақ бўлишади. Бу тўғрида қаранг: Ахмедов Б. А. Государство кочевых узбеков. Москва: Наука, 1965. 49–50-бетлар; Шу муаллиф. Ўзбек улуси. Тошкент: Нур, 1992. 41–42-бетлар.

инкиroz куртаклари пайдо бўлаётганини кўрсатади. Шайбонийларнинг Хоразмда кўп турмай, уни ташлаб кетиш сабабларини олим “Баҳр ул-асрор” асаридан кидиради ва унга таяниб, шайбонийларнинг Хоразм иклимига мослаша олмаганлиги ва бу худудда вабо тарқалганлиги натижаси деган фикри илгари суради⁶.

Шоҳруҳдан кейинги давр темурийлар ва шайбонийлар ўргасидаги муносабатлар тарихда янги босқич сифатида намоён бўлади. Темурийлар тож-тахт учун ўзаро курашларда шайбонийлар ёрдамига эҳтиёж сезишиди. Бу муносабатлардан шайбонийлар ўзларининг сиёсий мақсадларини кўзлаганлигини муаллиф аниқ баён қиласди. Айниқса, темурий Абусаид замонида темурийлар билан шайбонийлар муносабатлари фаоллашади. Абусаиднинг темурийлар давлатини қайта бирлаштириш мақсадида шайбонийлар кучидан фойдалангани ва Хожа Ахрор ёрдамига умид боғлагани хусусида олим ўз нуктаи назарини илгари суради. Шу ўринда айтиш жоизки, Пўлат Солиев Хожа Ахрор фаолиятини илмий ўрганишга қўл урган дастлабки олимлардан бири ҳисобланади⁷. Муаллиф Хожа Ахрор билан темурий Абусаид муносабатларини тадқик қиласди. Хожа Ахрорнинг мол-мулки беҳисоблиги ва халқ ўртасидаги обўуси чексиз бўлганлигини қайд этади⁸. Бу ҳолат албатта икки ўртадаги

⁶ Абулхайрхоннинг Хоразмни тарк этишининг бошқа сабаблари ҳам мавжуд эди. Орол бўйи даштларида кўчиб юрган Махмудхон ва Аҳмадхон бошчилигидаги қавмлар Абулхайрхон улуси худудларига жиддий ҳавф солаётган эди.

⁷ Пўлат Солиев фойдаланган манбалар сонининг чекланганлигини таъкидлаш жоиз. Муаллиф кўпинча Махмуд ибн Валининг “Баҳр ул-асрор” асарига мурожаат қиласди. Негадир агиографик асар – “Рашаҳот” унинг эътиборидан четда қолган.

⁸ Хожа Ахрор тўғрисидаги тадқикотларнинг ҳозирги даражаси жуда юкори. Масалани биринчилардан бўлиб тадқик қиласди В. В. Бартольд Хожа Ахрор билан Абусаид муносабатларига алоҳида тўхталган. Шунингдек, О. Д. Чехович, А. Н. Болдырев, Б. А. Казаков, Юрген Пауль, Б. Валихўжаев, З. Кутибоев, Жоан Гросс, А. Ўринбоев Э. Каримов, Б. Бобожонов, М. Қодирова тадқикотларида Хожа Ахрор сиёсий фаолияти кенг очиб берилган. Қаранг: Бартольд В. В. Улугбек и его время. Соч. в 9-и томах. Т. 2, ч. 2. Москва: Наука, 1964. 169–172-бетлар; Самаркандские документы 15–16 вв. (О владениях Ходжи Ахрара в Средней Азии и Афганистане). / Факсимиле, критический текст, перевод, введение, примечания и указатели О. Д. Чехович. Москва: Наука, 1974; Болдырев А. Н. Ещё раз к вопросу о Ходжа-Ахраре // Духовенство и политическая жизнь на Ближнем и Среднем Востоке в период феодализма. Сборник. статей. Москва: Наука, 1985. 47–63-бетлар; Казаков Б. А. Анонимное житие Ходжи Ахрара // Источниковедение и текстология средневекового Ближнего и Среднего Востока. Сборник статей. Москва: Наука, 1984. 103–108-бетлар; J. Paul. Forming a faction: The Himayat Sustem of Khwaja Ahrar // International Journal of Middle East Studies, 23 (1991); Валихўжаев Б. Хожа Ахрор тарихи. Тошкент: Ёзувчи, 1994; Кутибоев З. Хожа Ахрор Валий. Тошкент: Фан, 1996; Jo-Ann Gross. Shari'a and Unbelief in the Letters of Khwaja

муносабатлар ривожини белгилашда маълум аҳамиятта эга эди. Муносабатларнинг мантикий давоми ўларок, Хожа Ахрор маслаҳати билан Абусаид ёрдам сўраб Абулхайрхонга мурожаат қиласи ва унинг кўмагида Мовароуннаҳр, Хурросон ва Ироқни эгаллашга муваффақ бўлади. Асарда Хожа Ахрор билан Абусаид яқинлашуви Хожа Ахрор мулки ва обрўсини янада ортишини таъминлади, деган хулоса илгари сурилади. Фикримизча, Пўлат Солиев Хожа Ахрор билан Абусаид ўртасидаги муносабатларни маҳсус тадқиқ қилишни максад қилмаган. Шунинг учун бўлса керак, Абусаиднинг 1469 йил Хожа Ахрор розилиги билан гарбий Эронга, Жаҳоншоҳ туркман устига юриш қилиб ҳалок бўлганлигини ёзмайди. Чунки шу воеадан сўнг Хожа Ахрорнинг Мовароуннахрдаги обрў-эътибори бир оз пасайди ва Самарқанд шайх ул-исломи Бурхониддиннинг Эшонга бўлган муносабати кескин ўзгаради⁹.

Пўлат Солиев Темурийзодалар Алоуддавла, Мұхаммад Жўки, Абусаид, Ҳусайн Бойқаролар ўртасидаги ўзаро низолар жаёнида улар Абулхайрхон ёрдамига таянишганини ёзади. Айникса, Ҳусайн

⁹ Ubaydullah Ahrar // The First International Conference of the Association for the Study of Persianate Societies (ASPS) in Dushanbe 16–18 September, 2002 (INVITATION – PROGRAM, p. 5); Шу муалиф. Gross Jo-Ann, A. Urunbaev. The letters of Khwaja Ubayid Allah Ahrar and his Associate. Leiden, 2002; Каримов Э. Ҳўжа Ахрор хаёти ва фаолияти. Тошкент: Мальавият, 2003; Бабаджанов Б. К вопросу о восприятии статуса суфийского шайха на примере Хаджа Ахрара // Арабский Восток, ислам, древняя Аравия. Сборник статей в честь В. В. Наумкина. Москва, 2005. 177–190-бетлар; Кадирова М. Жития Ходжа Ахрара. Опыт системного анализа по реконструкции биографии Ходжа Ахрара и истории рода Ахрапидов. Ташкент: Французский институт исследований Центральной Азии (IFEAC), 2007.

⁹ Юкорида таъкидлаганимиздек, Пўлат Солиев “Рашаҳот” маълумотларидан фойдаланмаганилиги боис, Хожа Ахрор билан Самарқанд шайх ул-исломи Бурхониддин (Хожа Мавлоно валад Хожа Исомиддин) муносабатларини эътиборсиз колдирган. Аслида шу воеадан сўнг иккى диний раҳнамо ўртасидаги муносабатлар кескин тус олади. Хожа Ахрорга азалдан хусумати бўлган шайх ул-ислом Бурхониддин (Хожа Мавлоно валад Хожа Исомиддин) Абусаиднинг кайниси Дарвиш Мухаммад тархон бошлилигидаги бир гурух амирлар билан тил бириктириб, Хожа Ахрор олдига бормасликка ва унинг сұхбатларига иштирок этмасликка қарор қилишади. Шайх ул-ислом ҳатто Хожа Ахрорнинг мол-мулкими мусодара қилишга фатво беради. Дарвиш Мухаммад тархоннинг қариндоши Абдулали тархондан ташқари барча амирлар рози бўлишади. Абдулали тархон бу ишнинг оқибати яхшилик билан тутамаслигини оолдиндан айтади. Дарҳакиқат, шайх ул-исломнинг бундай йўл тутиши унга омад келтиргади ва у Ҳиротга кетишмаг мажбур бўлади ҳамда оғир хасталика чалиниб вафот этади. Самарқанд шайх ул-исломи Бурхониддин (Хожа Мавлоно валад Хожа Исомиддин)нинг бевакт вафотини “Рашаҳот” муаллифи, яъни Фахруддин Али Сафий, Хожа Ахрорнинг қарғишига йўяди. Қаранг: Бартольд В. В. Улугбек и его время. Соч. В 9-и томах. Т. 2, ч. 2. Москва: Наука, 1964. 172-бет; яна қаранг: “Рашаҳот”, литография. Лакнав нашри.303–304-бет.

Бойқаронинг Абулхайрхон хузурида бўлиш тафсилотларига маҳсус тўхталиб ўтади. Факат Абулхайрхоннинг ўлими улар ўргасидаги мажароларнинг давомийлигига нуқта қўяди. Олим хулосасига кўра, Абулхайрхоннинг ўлдирилиши шайбонийлар давлатининг пароканда бўлишига олиб келди. Бир томондан қозоқлар, иккинчи томондан мангитлар шайбонийлар бирлигига зарба бердилар¹⁰.

Воқеаларнинг мантикий давоми Мухаммад Шайбонийхон шахси ва фаолияти атрофида бўлиши табиий эди. Муаллиф Шайбонийхон фаолиятига кенг тўхталади. Шайбонийлар ўргасидаги ихтилофлар, қозок ва мангит қавмларининг қайсараглигига қарамасдан, Шайбонийхоннинг ғолиблик мақомини қўлга киритиши олим томонидан батафсил баён этилади¹¹. Худди Абулхайрхон давридагидек, Шайбонийхон замонида ҳам темурийлар шайбонийлар ёрдамига эҳтиёж сезишгани хусусидаги маълумотларни келтиради. Олим Шайбонийхон билан темурийлар ўргасидаги муносабат ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги аҳдларнинг нечоғлик заифлигига эътибор беради¹².

Самарқанд ҳокимлиги Аҳмад Мирзонинг ўғли Султонали Мирзога теккандан кейинги аҳвол хусусида Пўлат Солиев бир оз ачиниш билан ёzáди. Амалда бу пайтда Мовароуннаҳр майда вилоятларга бўлинниб кетган, амирлар таъсири ва бебошлиги кучайиб, ҳокимият номигагина

¹⁰ Пўлат Солиев. Ўзбеклар, ҳам Темур болалари // “Маориф ва ўқутгувчи” журнали. Тошкент, 1928. № 5 – 6. 57-бет.

¹¹ Шайбонийхонга бағишилаб ёзилган асарлар ичидаги Фазлуллоҳ ибн Рӯзбеххон қаламига мансуб “Мехмон-номаи Бухоро” асари ҳам мавжуд. Лекин Пўлат Солиев ўз даврида бу асардан фойдаланиши имкониятига эга бўлмаган. Чунки ўзбек маърифатпарвари Миён Бузрук (1891 – 1938) томонидан 1925 йил Истамбулдаги Нури Усмония кутубхонасидан топилган ушбу асарнинг қўёзма нусхаси ҳали кенг илмий жамоатчиликка маълум эмас, колаверса, кейинчалик Миён Бузрук тарафидан асар хусусида эълон килинган маколада ҳам Шайбонийхонга кисқагина тўхтаб ўтилганди холос. Асар XX асрнинг 50 – 70 йилларида ўзбекистонлик олимлар томонидан чукур ўрганилиб, рус тилидаги таржимаси, мустакиллик йилларидаги эса асар тўғрисидаги айrim маълумотлар эълон килинди. Каранг: Салье М. А. Малоизвестный источник по истории Узбекистана “Мехман-наме” // Труды Института востоковедения АН Уз ССР, вып. 3, 1954; Фазлаллаҳ ибн Рузбихан Исфаҳани. Михман-наме-йи Бухара / Перевод, предисловие и примечания Р.П. Джалиловой. – Москва: Наука, 1976; Тўраев X. Миён Бузрук Солиҳов (ҳаёти ва илмий мероси) // Бухоро мавжлари. Бухоро, 2011. № 1. 42 – 43-бетлар.

¹² Муаллиф темурий Аҳмад Мирzonинг Шайбонийхонни Самарқандга таклиф этганини ёzáди. Мақсад мўгулларга қарши курашда Шайбонийхон кўмагидан фойдаланиш эди. Бирор воқеалар ривожи шайбонийларнинг мўгулларга қўшилиб кетиб, Аҳмад Мирзога нисбатан мухолифат йўлига ўтганлигини кўрсатди. Пўлат Солиев масалага кенг шарҳ беради.

колган эди. Султонали Мирзонинг амирлар кўлида кўғирчоққа айланниб қолганлиги хусусида Пўлат Солиев тадқикотида атрофлича изохланган.

Амир Темур ва темурийлар даврида Мовароуннаҳр мустамлака ўлкалар ҳисобига бойиб, равнақ топган бўлса, сўнгти темурийлар хукм сурган пайтда мамлакатнинг таназзул гирдобига тортилиши, Амир Темур, Шоҳруҳ, Улуғбек замонидаги бой маданият шайбонийлар хамда сўнгти темурийлар томонидан вайрон қилингани олимнинг асосли эътиrozларига сабаб бўлган¹³.

П. Солиев ўз тадқикотининг иккинчи кисмида Бобурни ижодкор сифатидаги хислатларини мақтайди ва кўп ҳолларда “Бобурнома”га ишора килиб, ижтимоий-сиёсий жараёнларга баҳо беради. Бобурнинг темурий амирлар Султон Маҳмуд Мирзо ва Хусравшоҳларга нисбатан ўта салбий муносабатини кўллаб кувватлайди, Хусравшоҳ ва унинг навкарлари ахлоқсизлигини коралайди. “Бобурнома”даги маълумотлар учун Бобурни мақтаб туриб, унинг темурийлар ўргасидаги ўзаро можароларда иштирокига нисбатан бетараф позицияда бўлади. Майда бўлакларга бўлинниб кетган темурийлар давлати ҳукмдорларидан Хусайн Бойкарони энг кучли темурийзода деб эътироф этган ҳолда, унинг шаробхўрликка муккасидан кетганини, Навоий, Бобур, Мухаммад Солих каби адиллар унинг бу кусурини фош этувчи маълумотлар колдирганини ва шеърлар ёзганини очиқ таъкидлайди.

Темурийлар ўргасидаги ўзаро келишмовчиликлар шайбонийларга жуда кўл келганини қайд этиб, уларнинг Мовароуннаҳр томон ҳаракатида мухим омил бўлгани ва яна бу мақсадни амалга оширишдаги бошқа бир қатор сабабларга тўхталади. Жумладан, шарқда қозокларнинг кучайиши ва шайбонийларга тажовузи, Идил дарёси бўйида яшовчи халқлар ўргасида ҳокимият учун тўхтовсиз кураш, Россиянинг Шарқ томонга қараб кенгайиши шайбонийларнинг ҳар тарафдан қисилиб қолишига сабаб бўлиб, Ўрта Осиёга (Мовароуннаҳрга) силжишга мажбур килди.

Темурийларнинг ҳокимият учун курашда ҳар қандай воситалардан фойдаланганини, ҳатто марказ Самарқанд шаҳрини ҳам шайбонийларга беришга рози бўлганини киноя билан қайд этади. Пўлат Солиев шайбонийларнинг Хожа Ахрор авлодларига муносабати ҳакида сўз юритаркан шайх мол-мулкининг мусодара қилиниши, ўғли Хожа Яҳёнинг фарзандлари билан қатл этилишини батафсил баён этади.

¹³ Бу улкан маданиятнинг емирилишига Пўлат Солиев ҳар иккала сулолани баравар айблайди. Бирор Амир Темурнинг Ozarbaijxon, Эрон, Шом, Ҳиндистон ўлкаларини забт этиб, бойликларини Мовароуннаҳрга ташиганини ва кисман шу ҳисобдан ўз юртнинг равнақига катта хисса кўшганини кўллаб кувватлайди.

Олим ўз таҳлиллари жараёнида ҳар иккала томонни ҳам оқламайди. Шайбонийларнинг бундай тадбирларини қаттиқўлликка йўяди ва Хожа Ахрор авлодлари таъсир кучини синдириш учун кўрилган мажбурий чора сифатида баҳолайди. Ўз навбатида Хожа Ахрор ворислари кўл остида беҳад бойлик тўпланиб қолганини, Абусаид ва унинг меросхўри даврида бу хонадон вакиллари темурийларнинг чексиз мурувватларига сазовор бўлганини таъкидлайди.

Шайбонийларнинг Мовароуннахрдаги ички сиёсатига Пўлат Солиев ўз баҳосини беришга харакат килади. Нафакат Хожа Ахрор фарзандлари, балки унинг муридлари ҳам шайбонийлар тазиқига учраганлиги, ҳалқ бошига оғир соликлар солиниши, ҳар қандай норозилик харакатларига шафқатсиз жазо берилганлиги, Ҳиротнинг таланиши ва темурийлар хазинасининг талон-тарож қилиниши хусусидаги фикрларни баён этади. Пўлат Солиев наздида, баъзи муваффақиятсизликларни ҳисобга олмаганда, шайбонийлар ўлкани осонлик билан эгаллаган.

Шайбонийларнинг таҳт вориси тайинлашда турк-мўғул анъаналарига риоя қилганини ва дастлаб ўша даврда шайбонийлар ичida ёши улуғи Кўчкунчихонни¹⁴, кейинчалик Севинчхожани¹⁵ хон этиб сайлашганини ёзади¹⁶. Олим Севинчхожанинг Ясога хилоф равища сайланишини шарт-шароит тақозоси деб ҳисблайди.

Темурийлар забт этилган ўлкаларни суюргол тизими орқали идора этган бўлса, Шайбонийлар бу анъанани удел кўринишида давом эттирдилар. Бунда муайян худудлар ҳукмрон сулола вакилларига чек тариқасида тақсимлаб берилган ва улар бу ерларни ярим мустақил ҳолда идора этишган. Пўлат Солиев ўз тадқиқотида Шайбонийларга тегишли уделлар ва удел бошликлари рўйхатини келтириб ўтади.

¹⁴ Кўчкунчихон ибн Абулхайрхон – Самарқанд ҳокими, 1529 йилда вафот этган. Темурий Мирзо Улуғбекнинг шайбоний Абулхайрхон никоҳида бўлган кизи Робия Султонбегимнинг ўғли. Қаранг: Мухаммадёр ибн Араб Қатаган. Мусаххир ал-билод / Форс тилидан таржима, изоҳлар ва кўрсаттичлар муаллифлари Ислом Бекжон, Дилором Сангирова. Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. 153 – 154-бетлар.

¹⁵ Севинчхожа – она тарафдан Робия Султонбегимнинг, ота тарафдан Абулхайрхоннинг иккинчи ўғли, Кўчкунчихонинг укаси. Шайбонийхон Мовароуннахрни эгаллагач, унга Тошкент вилояти волийлигини беради. Шайбонийхон ҳалок бўлгандан кейин ҳам у Тошкентни узоқ бошқарди. Вафоти 1525 йил. Қаранг: Мухаммадёр ибн Араб Қатаган. Мусаххир ал-билод / Форс тилидан таржима, изоҳлар ва кўрсаттичлар муаллифлари Ислом Бекжон, Дилором Сангирова. Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. 167-бетлар.

¹⁶ Кўчкунчихон шу даврда Туркистон тарафларда козоклар билан жант килаёттани сабаб Самарқандга кела олмаган. Шунинг учун Абулхайрхоннинг бошка ўғли, Кўчкунчихоннинг укаси Севинчхожани хон этиб кўтаришга карор килинган, деб изоҳлади Пўлат Солиев.

Бобурнинг Самарқанд таҳтини қайта эгаллаши борасида Пўлат Солиевнинг фикрлари ўзига хос. Халқ дастлаб Бобурни қўллаб кувватлайди, бироқ кейинчалик умидлари пучга чиқади ва алданганлигини тушуниб етади. “Қизилбошлар”га таянган Бобур Самарқандни олгач, айш-ишратга ва майхўрликка берилиб кетади, бу иллат ҳатто унинг лашкарлари ўртасида ҳам илдиз отади. Ҳусайн Бойқаронинг худди шу қусурини танқид қилган Бобурнинг ўзи шу иллатга ботиб кетган эди, тадқиқотчи бу ҳолатни “Қавми Лут шиорини пеша килди,” деб изоҳлади¹⁷. Муаллифнинг субъектив фикрларига кўра Бобурнинг шайбонийлардан енгилиши ҳалқнинг темурийлардан зада бўлганлиги сифатида баҳоланади.

Олим Шайбонийларнинг Мовароуннаҳрда узил-кесил ўрнашиб олишини иқтисодий ҳаётга деярли ижобий таъсир этмаган деб таъкидлайди. Айниқса, сулолалар алмашинуви мамлакат ривожланишига тўсиқ сифатида изоҳланади. Савдо-сотиқ ва ҳунармандчиликнинг орқага кетишида факат шайбонийлар сулоласи айборд эмас, бу жараён сўнгти темурийлар даврида бошланганини таъкидлаган ҳолда, 1492 йил Американинг кашф этилиши ва сув йўлларининг очилиши Ўрга Осиёдаги таназзулни тезлаштиргани тўғрисидаги ғоя илгари сурилади. Пўлат Солиев Мовароуннаҳр ва Ҳурносонга ажralиб кетган темурийлар давлатининг ҳар икки қисмидаги савдо-иктисодий жараёнлар ва уларнинг бир-биридан фарқини тадқиқ қиласди. Ҳурносон қисмida савдо-сотиқ ва ҳунармандчиликнинг илгарилаб кетиши ушбу ҳудудлардан ўтадиган савдо йўлларининг аҳамияти билан белгиланади. Олимнинг хуласасига кўра, XVIII асрдан бошланган қабилавий бошқарув таназзулни янада кучайтирди.

Муаллиф темурийлар ва шайбонийлар сулоласи тарихини тадқиқ қиласди. Ҳар иккала сулола ҳукмронлик даврига ҳолис баҳо беради, сулолалар ўртасидаги курашларга танқидий муносабат билдиришга, Ўрга Осиё таназзулнинг ички ва ташки сабабларини аниқлашга ҳаракат қиласди. Пўлат Солиевнинг мазкур тадқиқоти XX асрнинг 20-йилларидағи тарихий тафаккур ва тарих ёзиш методологияси ҳолатини ўрганишда, бу ҳақда маълум бир тасаввур ҳосил килишда эътиборга сазовордир.

Пўлат Солиев тадқиқотининг учинчи қисми Ўрга Осиё тарихини иқтисодий жиҳатларини ўрганишга бағищланган¹⁸. Муаллиф Ўрга

¹⁷ Муаллиф Куръондаги бадхулк Лут қавми тўғрисидаги маълумотларга ишора киласди (Куръон 15-сурә, 56–80-оятлар).

¹⁸ Пўлат Солиев. Ўзбек тарихидан. XVI–XVIII асрларда иқтисодий ва тиҷорий муносабатлар // “Маориф ва ўқутгувчи” журнали. Тошкент, 1928. № 8–9. 67–72-бетлар.

Осиёда юз берган таназзулнинг иқтисодий сабабларини аниқлашга ҳаракат килади. Унинг хуносаларига кўра, XVI асрдан натурал хўжаликнинг кучайиши худудларни марказдан ажралишга, товар-пул муносабатларининг сусайишига ва мустакил вилоятларнинг ташкил топишига олиб келди. XVIII асрдан бошлаб қабилавий бошқарув тизимининг жорий килиниши билан ўлка тўла равишда таназзулга юз тутди. Олимнинг бу илмий хуносаси Ўрта Осиё тарихини ўрганиш учун катта аҳамиятга эга эди. Чунки, XX асрнинг 30-йилларидан кейин яратилган тарихий адабиётларда таназзулнинг иқтисодий сабабларига кам эътибор қаратилиб, таназзул сабаблари асосан сиёсий парокандалик, ўзаро низолар, тожу таҳзиб ва қонгурларидан кидирилар эди.

Россия иқтисодий қурдатининг ошиши оқибатида Ўрта Осиё хонликлари билан савдо алоқалари кенгая борди. Пўлат Солиев бу ҳолатга эътибор қаратиб, Астрахань ва Қозон хонликлари Россия томонидан босиб олингандан сўнг, Россия учун Бухоро хонлиги билан савдо алоқалари олиб боришга кенг имконият очилганини алоҳида таъкидлайди.

Россия билан Бухоро ўртасида савдо алоқаларининг ўрнатилиши ва ўзаро товар алмашинувини тадқиқ қилган олим, ўзаро савдода етакчи ўринни эгалаган товарларга эътиборни қаратади. Россия тарафидан Бухорога юборилган советлар ва ов қушлари Ғарбий Европада унчалик аҳамиятга эга бўлмаганлигини таъкидлайди. 1558 йил Бухорога ташриф буюрган Женкинсон хотиралари тадқиқотга жалб этилган эди. Демак муаллиф ушбу ишни ёзишда маҳаллий манбалар, жумладан, “Абдулланома”дан ташқари рус манбаларидан фойдаланганини кўрсатади. Савдо муносабатларини ўрганишда маҳаллий манбалардан кўра Европа тарихий адабиётининг афзаллигини қайд этади¹⁹.

Россиядан Бухорога келтирилган ва аксинча Бухородан Россияга чиқарилган моллар тўғрисидаги муаллиф маълумотлари ғоятда қимматли. Пўлат Солиев Ўрта Осиё хонлари, хусусан, Хива хони Исфандиёрхон

¹⁹ Пўлат Солиев. XVI–XVIII асрларда иқтисодий ва тужжорий муносабатлар, 68 бет: رايدىمىمەلىوسم مەسىرە رەىھانىخېرىدا تايىيەتىنەن كېىزۇد ادىسىرىيغۇرە راتىپسەنۇس ىەتنىۋە. Ўрта Осиё ўрта асрлар тарихшунослигининг заиф жиҳатларидан бири, унда иқтисодий, хўжалик ҳаётининг етарилий акс этмаганлигидир. Пўлат Солиев бу жиҳатта тўғри баҳо беради ва масалани ўрганиш учун Европа сайёхлари хотираларининг афзал томонларини қайд этади. Бухоро хонлиги тарихини тадқиқ қилган немис олимаси Анке фон Кюгельген ҳам сиёсий тарихдан ташқари бўлган масалаларни ўрганишда Европа сайёхлари йўл хотираларининг қулагилкларини тўғри баҳолайди. Қаранг: Анке фон Кюгельген. Легитимация среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков (18–19 вв.). Алматы: Дайк Пресс, 2004. 24-бет.

икки томонлама савдо-сотиқда, аввало, ўз манфаатларини кўзлагани масаласига эътибор қаратди. Исфандиёрхон 1639 йил Москвага жўнатган элчилари оркали рус хукуматидан ўз ўғлини уйлантириш учун кумуш ақчалар юборишни сўраган. Исфандиёрхоннинг ўғли ҳам мактуб жўнатиб, кора тулки териси ва бир чиройли қиз юборишларини илтимос килган. Бундай маълумотларни келтиришни давом эттириб, муаллиф рус князларининг Ўрта Осиёдаги рус асиirlарини озод килишини ва ўзаро савдога кенг йўл очишини сўраганини баён этади. Тобора кўпайиб бораётган фабрикалар учун озод қилинган рус асиirlарининг зарурлигини Россия маъмурлари яхши англағанини ёzádi.

Муаллиф Ўрта Осиё хонларининг ўзаро савдо муносабатларидағи тор манфаатларига танқидий қарайди²⁰. Рус элчиси Федотов томонидан Бухородаги рус асиirlарининг сотиб олиниши тўғрисидаги маълумотни келтириш билан, бир кулнинг ўртacha баҳосини 70 сўм қилиб белгиланганлигини ёzádi.

Жаҳон бозорида Бухоро ипагининг юқори баҳолангандигини ҳеч бир муболағасиз таъкидлаган ҳолда, XVII асрда Россия иқтисодий сиёsatининг бош мақсади Бухоро ипаги учун Farbий Европа билан кураш бўлганлигига алоҳида ургу беради.

Пўлат Солиев Бухоро хонлигининг XVII асрда Россия билан олиб борган савдо алокаларини асосан рус манбаларига, аникроғи рус савдогарлари хотираларига таяниб тадқиқ қиласди. Муаллифнинг бу масалани ёритишида рус манбаларига мурожаатини ўринли деб хисоблаймиз, чунки маҳаллий манбаларда савдо-сотиқ муносабатлари етарли даражада ўз аксини топмаган. Муаллиф Бухоронинг Россия билан XVI ва XVIII асрларда олиб борган савдо алокаларини даврий жиҳатдан бир-бирига қиёслайди ва XVIII асрга келиб Бухородан Россияга олтин, кумуш ва қимматли тошлар чиқарилганини, XVI асрда эса Абдулаҳон аксинча, Москвадан кумуш юборишни сўраганини ёzádi. Дарҳаккат, XVIII асрда Россияда олtinga эҳтиёж ошган эди. Пётр I нинг Ўрта Осиёга жўнатган ҳарбий экспедициялари айнан шу мақсадни кўзлагани тарихдан маълум²¹. Тадқиқотчи Ўрта Осиёдан Россияга чиқарилган молларнинг умумий миқдори ва ҳатто нархини аниқ ракамлар билан кўrsатади. Ўрта Осиёдан Россияга олтин ва кумушнинг кўп миқдорда чиқарилиш сабабларини муаллиф Нодиршоҳнинг Эронда ўлдирилганлиги ва унинг

²⁰ Пўлат Солиев. Ўзбек тарихидан. 69-бет.

²¹ Каранг: Посланник Петра I на Востоке. Посольство Флорио Беневени в Персию и Бухару в 1718–1725 годах / Подготовка текста, вступительная статья и комментарии В. Г. Воловникова. Москва: Наука, 1986. 5–9-бетлар.

истиличилик натижасида йикқан бой хазинасининг таланиши ҳамда бу талон-тарожда ўрта осиёликларнинг ҳам иштирок этганлиги билан боғлади. Пўлат Солиевнинг ушбу маълумотлари бир оз мунозарали туюлса-да, шу даврда Ўрта Осиёдан Россияга чиқарилган молларнинг аксариятини олтин ва кумуш ташкил этганлиги шубҳасиз.²²

Ўрта Осиё бозорларини эгаллашда Россия ва Англия ўртасидаги ракобат масаласи Пўлат Солиев назаридан четда қолмаган. У инглиз элчиси Борнс маълумотларини чукур таҳлил қиласди. Тадқиқотда Борнс савдо ракобатида Англия манфаатларини ҳимоя қилгани аниқ. Англия ташки савдоси учун Бухоронинг муҳимлигини инглиз маъмурларига тушунтиришга ҳаракат қилиш баробарида, Борнс Бухорони ҳар жихатдан Англия учун кераклигини ёзгани қайд этилган. Келгусида Бухоро бозорини аксарият инглиз моллари эгаллашини ёзган Борнснинг фикри ўз тасдиғини топмаганини, Россия савдо сармояси Англияни Ўрта Осиёдан батамом сикиб чиқарганини, бу ракобатда Россиянинг кўли баланд келганини Пўлат Солиев кўрсатиб ўтади²³. Олимнинг ушбу тадқиқотида ўзбек хонликларининг XVI–XVIII асрлардаги халқаро муносабатларда тутган ўрни ва мавқеи атрофлича очиб берилган.

Пўлат Солиев тадқиқотининг тўртинчи қисми “XVIII–XIX асрларда иқтисодий ва тужжорий муносабатлар” деб аталиб, аввалги маколанинг давоми хисобланади²⁴. Муаллиф ўз тадқиқотида иқтисодий ва савdosotiқ муносабатларини батафсил кўриб чиқишига ҳаракат қиласди. Масалани фақат икки хонлик – Бухоро ва Хива хонликлари мисолида ўрганади. Шунда ҳам Бухоронинг Россия билан савдо алоқаларига кўпроқ тўхталиб ўтади. Унинг Ўрта Осиё хонликларининг Россия билан иқтисодий ва савдо алоқалари масалаларига доир гоя ва илмий қарашлари XX аср 50-йилларида яратилган “Ўзбекистон ССР тарихи” китобининг айрим бўлимларидан жой олган²⁵.

Бухоро хонлигининг Россия билан олиб борган савдо алоқаларидағи муаммоларга тўхталиб, пошлина масаласида рус савдогарларидан

²² «Маориф ва ўқутғувчи» журнали. – Тошкент, 1928. – 8–9 сон. – Б. 7;

بولوب بىتمەگىن سېبات نېتىدى روسيه سودا سرمايسىنى نەھگلىي كېبىي رەقىبىدەن يىنگىلىش نىمماں بىلәй نۇنى نورتا - نالىپىدان تامامدايدب چىدى تارىخ يوکىشىناڭ فيكىرى توغرى

²³ Булот Солиев. XVIII–XIX аср(ларда) иқтисодий ва тужжорий муносабатлар // “Маориф ва ўқитғувчи” журнали. Тошкент, 1929. 1-сон. 52–56-бетлар.

²⁴ Қаранг: Ўзбекистон ССР тарихи. 1-том, иккинчи китоб. М. Ф. Вахобов, В. Я. Непомниш, Т. Н. Кориниёзовлар таҳрири остида. Тошкент: Ўзбекистон ССР Фанлар академияси нашриёти, 1957. 28–33-бетлар; Ўзбекистон ССР тарихи (бир томлик). Я. Ф. Үуломов, Р. Н. Набиев, М. Ф. Вахобовлар таҳрири остида. Тошкент: Ўзбекистон ССР Фанлар академияси нашриёти, 1958. 254–258-бетлар.

хукумат номига қатор шикоятлар тушганлигигига қарамасдан, Ўрта Осиё хонликларида рус товарларидан олинадиган пошлина миқдори камайтирилмаганлигини, бундай ҳолат барibir савдо алоқаларининг давомийлигига таъсир қилмаганини ёзди²⁵.

Бир қарашда ушбу тадқиқот статистик маълумотларга асосланган ҳисоботдек туюлади. Муаллиф Бухоро ва Россия ўртасидаги савдо алоқаларида етакчи ўринни тутган товарлар миқдори ва уларнинг нархини йиллар бўйича кўрсатиб ўтади ҳамда муносабатлар динамикасига эътибор каратади. Пахта ва қоракўлга бўлган талабнинг юкорилиги бу маҳсулотларнинг савдодаги етакчилигини таъминлади, деган хуросага келади.

Бухоронинг Ёркенд, Кошғар, Шаркий Туркистон билан савдо муносабатлари, мангитлар даврида савдо алоқаларининг кисқариши, Хитой ҳукумати томонидан кўрилган чора-тадбирлар, савдо товарлари таркиби, савдо йўллари тўғрисидаги маълумотларни келтириш билан муаллиф Ўрта Осиё хонликларининг халқаро савдо муносабатларидаги улушкини белгилашга ҳаракат қиласди²⁶.

Пўлат Солиев ушбу тадқиқотининг муҳим томонларидан бири, унда ўрта асрлардаги кул савдоси масаласининг кўйилиши ва атрофлича ўрганилиши ҳисобланади. Муаллиф ушбу масалани илмий ўрганишга кўл урган Ўзбекистондаги биринчи тадқиқчилардан ҳисобланади²⁷. Бухоро ва Хива хонликларида кул савдосининг ривожланиш омиллари, кул баҳоси, эркак куллар ва аёл чўриларнинг нархи, кул бозорлари, кулларнинг ижтимоий таркиби, Шарқ мамлакатларидан келтирилган асиirlар, шунингдек, рус асиirlарининг қулга айлантирилиши каби масалаларга дикқатни каратади. Айниқса, шиаларнинг асирга олиниб,

²⁵ Пошлина миқдорининг юкори эканидан шикоят қилган рус савдогарларига “хоҳласанг шу, хоҳламасанг қайтиб кетавер” кабилида жавоб берилганини бир оз таажкуб билан ёзди.

²⁶ Мангитлар даврида Бухоронинг Хитой билан савдо муносабатлари кисқаришининг икки сабабини кўрсатади. Биринчиси, ички ногинчилклар, иккинчиси Хитой ҳукуматининг Бухоро савдогарларига Ёркенд билан Кошғардан нарига ўтишга рұксат бермағанлиги эди.

²⁷ Ўрта асрлардаги кул савдоси тарихи кейинги даврларда шарқшунос олим Т. Файзиев томонидан маҳсус ўрганилди. Қаранг: Файзиев Т. Бухоро феодал жамиятида куллардан фойдаланишга доир ҳужжатлар. Тошкент: Фан, 1990.143 бет. Т. Файзиев ушбу фундаментал асарини ёзишда Пўлат Солиевнинг биз тилга олаётган тадқиқотидан эмас, унинг 1925 йилда нашр этилган “Мангитлар салтанати даврида Бухоро ўлкаси” номли рисоласидан истифода этган. Бу рисолада ҳам кул савдосига оид маълумотлар оз бўлса-да, учрайди . Қаранг: Солиев Б. Мангитлар салтанати даврида Бухоро ўлкаси. Тошкент: Ўзбекистон давлат нашриёти, 1925. 7-бет.

кулга айлантирилиши каби ўрта асрнинг иллатли тартибларини танқидий баҳолайди.

Пўлат Солиев фикрича, ўзбек қавмларининг кўчманчиликдан ўтрок ҳаётга, чорвачиликдан дехқончиликка ўтиши дала ишлари учун катта ишчи кучига ва қуллар меҳнатига эҳтиёжни пайдо қилди. Ариқ қазиш, экин экиш, ер ҳайдаш, хосил йиғишириш ишлари мол бокишдан, яйловдан яйловга кўчиб юришдан кўра мушкуроқ эди. Шу боис дехқончиликка ўтилгандан сўнг қул савдоси янада кенгайди. Асирга олинган шиалар, ҳатто рус асиirlари ҳам кулликка маҳкум килиниб, Бухоро ва Хива қул бозорларида сотилгани тўғрисидаги маълумотни келтиради.

Муаллиф ўз фикрини рус шарқшунос олими Н. Муравьевнинг “қуллар бўлмаса Хива ўзбеклари очликдан ўлар эди”²⁸, деган фикри билан тасдиқлайди.

Умуман олганда, Пўлат Солиевнинг тўрт қисмдан иборат ушбу тадқиқоти мавзуга оид бўлган ёзма манбалардан имкон қадар кенг фойдаланиш, улар маълумотларига танқидий муносабат, масалага холисона, илмий ёндашув, қиёсий таҳлил асосида ёзилган. Баъзи ўринларда публицистик рух, мағкуравий оғишлар сезилса-да, масаланинг қўйилиши, ахборотнинг кўплиги ва жойлашуви нуқтаи назаридан аҳамиятли тадқиқот ҳисобланади. Асар маҳсус тадқиқот обьектига эга эди ва келгусида ушбу мавзуларнинг янада кенгроқ тадқиқ этилишига хизмат қилди.

X. ТЎРАЕВ

ПЎЛАТ СОЛИЕВ ТАДҚИҚОТЛАРИДА ЎРТА АСРЛАР ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ

Мақолада XX асрнинг 20–30 йилларида ижод қилган атокли ўзбек тарихчиси Пўлат Солиевнинг ўзбек халки тарихига доир тадқиқотлари чукур таҳлил қилинади. Унинг Ўрта Осиёда сўнгти Темурийлар даврида юз берган муҳим сиёсий воқеалар ва Шайбонийлар сулоласининг карор топиши, Темурийлар ва Шайбонийлар ўртасидаги муносабатлар, XV–XIX асрларда ўзбек хонликларидаги иқтисодий ҳаёт, ички ва ташки савдо муносабатларнiga оид қарашлари ва илмий позициясига баҳо берилади.

²⁸ Муравьев Н. Путешествие в Туркмению и Хиву. Ч. 1–2. Москва, 1822.

Калим сўзлар: тарих, манба, асар, тадқикот, мақола, муносабат, хулоса, киёсий тахлил, таназзул, ўзбек, позиция, савдо-сотик, товар, кул савдosi, натурал хўжалик.

X. ТУРАЕВ

ВОПРОСЫ ИСТОРИИ СРЕДНИХ ВЕКОВ В ИССЛЕДОВАНИЯХ ПУЛАТА СОЛИЕВА

В статье проанализированы труды известного узбекского ученого 20–30-х гг. XX столетия Пулата Салиева по истории узбекского народа. Определена его научная позиция по вопросам важных политических событий в Средней Азии при последних Темуридах, особенно в период установления династии Шейбанидов. Автор статьи подробно подвергает историографической оценке экономическую жизнь узбекских ханств, их торговые связи как с Россией, так и с восточными странами, рассмотренные в трудах Пулата Салиева.

KH. TURAEV

PROBLEMS OF MEDIEVAL HISTORY IN PULAT SOLIYEV'S RESEARCH

The article analyses the treatise by famous Uzbek scholar Pulat Soliyev in the 20–30es of the 20th century. It also shows his scientific position on important political events in Central Asia at the time of the last Timurids, especially during the period of establishment of the Sheibanids. The author deeply investigates the historiographic assessment of economic life of the Uzbek khanates, their commercial trade ties with Russia and Eastern countries.

ишиниң тарихи жағында сабак көлкөнчүлгүнен соғар өткөндеңде манбаи сифатида қадрланиб келинган. Сув – ердаги энг оддий ва дастлабки унсур бўлиши билан бирга у барча тирик мавжудотлар, жумладан, инсонлар учун ҳам зарурий ҳаёт манбаи ҳисобланади.

А. АШИРОВ

ФАРГОНА ВОДИЙСИ АХОЛИСИННИГ СУВ БИЛАН БОГЛИҚ МИФОЛОГИК ҚАРАШЛАРИ ВА УРФ-ОДАТЛАРИ *

Кишилик жамияти тарихида сув энг зарурий эҳтиёж манбаи сифатида қадрланиб келинган. Сув – ердаги энг оддий ва дастлабки унсур бўлиши билан бирга у барча тирик мавжудотлар, жумладан, инсонлар учун ҳам зарурий ҳаёт манбаи ҳисобланади.

Дарҳақиқат, сув – ҳаёт учун энг зарурий неъматdir. Сувсиз ҳаёт бўлмайди. Инсонлар ёши ва вазни билан боғлиқ равишда тананинг 50% дан то 75% ни сув ташкил этади¹. Қолаверса, барча тирик организм истеъмол киладиган озуканинг ҳам саксон-тўқсон фоизи сувдан иборат бўлиб, инсон ҳаёти давомида тахминан 35 тонна сув ичади.

Сув нафақат тириклик манбаи, балки ҳаётнинг энг улуғ мўъжизаси ҳисобланади. Шу боисдан ҳам инсоният сувни мукаддаслаштирган ва унга сифинган². Айнан мазкур мўъжиза ҳақида жаҳон халкларида турли мифологик қарашлар ва инончлар кенг тарқалган³. Сувга ўзига хос ҳаёт манбаи сифатида ўтрок дехконлардан тортиб кўчманчи чорвадорларгача, овчилардан балиқчиларгача эътиқод қилишган (сув ҳавзалари, булоклар ва кудукларга бўлган инончлар). Сув билан покланиш одати барча диний эътиқодлар ва маданиятларга хос хусусият бўлган. Архаик-космогоник тасаввурларга кўра, дастлаб сувдан ер пайдо бўлади, ёки уммон хаосида тухум шаклланади, у кейинроқ икки бўлак (осмон ва ер)ка ажралади. Шу тариқа, сувга барча нарсаларнинг негизи сифатида қаралади⁴.

Дунёнинг кўпгина халкларида сув маъбудалар иродасини ўтказувчи, осмон билан мулокотда воситачи, тақдир жарчиси ҳисобланади. Шу боис турли фол очиш тизимларида сувда намоён бўладиган тимсолларни

* Мазкур мақола Volkswagen фондининг "The Social Life of a River: social and environmental history of the Naryn-Syr Darya" лойиҳаси доирасида тайёрланди.

¹ Watson P. Total body water volumes for adult males and females estimated from simple anthropometric measurements. The American Journal for Clinical Nutrition. 1980. Vol. 33. No 1. 27-бет.

² Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. ... Тошкент: Фан, 1986. 58-бет.

³ Қаранг: Мифы народов мира: Энциклопедия. М., 1980. Т. 1.

⁴ Мифы народов мира: Энциклопедия. М., 1980. Т. 1. 40-бет.

талкин этишган. Фолбинлар сув юзасига қараб, келажакни, ўтмишни башорат қилишган. Бу қадимий ҳолат шомонларнинг билур шарлар, яъни жоду кристалларидан фойдаланганини асослаб беради. Сув ёрдамида фол очиш ва келажак ҳакида хабар бериш амалиёти қадимги Европа, Шимолий Африка, Якин Шарқ, Шарқий ва Шимолий Осиё, Полинезияда тарқалган. Скандинавия ҳалқларида сув тақдир рамзи сифатида қадрланган⁵.

Хуллас, дунё динларига оид қарашларга назар ташлар эканмиз, барча динлар ва эътиқодий қарашларда сув билан боғлик анъаналар учрашини кузатамиз. Хусусан, қадимги мисрликларнинг тасаввурига кўра, сувда ҳаётбахшик хислати мавжуд бўлиб, осмон сувлари ерни суғориб, унда ҳаётнинг ривожланишига имкон яратган. Қадимги Грецияда Посейдон – денгизлар илохи бўлиб, у олий илоҳлардан бири ҳисобланган. Айнан Посейдонга бағишлиб маҳсус ибодатхоналар қурилган ва кўплаб серҳашам диний маросимлар ўтказилган⁶.

Шарқ ҳалклари эътиқодий қарашларида ҳам табиат мўъжизаси бўлган сув билан боғлик кўплаб эътиборга сазовор қарашлар бўлган. Жумладан, қадимги Ҳиндистонда сув бутун дунёда ёмғир, ўсимликлар шираси, қон шаклида айланиб юрувчи ҳаёт соқчиси сифатида қадрланган⁷. Хитойликлар эса сувни бутун ҳаётнинг сарчашмаси деб билганлар⁸. Зардуштийлик динида сув инсонлар учун энг зарурий унсур сифатида қадрланган ва “Авеста”да бу борада қуйидагилар қайд қилинган: “Покиза сув ва ёниб турган олов олдида гувоҳлик қилган зотнинг дўзахдан тошувчи жазоси бу дунёнинг жамики дарду озорларидан мудхишидир”⁹.

Зардуштийлик космогонияси бўйича ер гардиш шаклида, у сувда туради, намлик, сув ҳамма нарсанинг асоси, ерни океан қуршаган, худди у сувдаги таҳтадек ҳатто оловдан ҳам ортиқрок эъзозлаган. Зардуштийлар тасаввурига кўра, ерни қуршаган олти модда (олти маъбуда)нинг биринчиси сув – Апам-Напатдир¹⁰. Унда ҳаётий қудрат бир сувдаги ҳаёт кучини ўсимлик шарбатлари билан бойитиб бориш керак дейилган.

⁵ М и н г б о е в а Д. Тимсоллар тилсими. Тошкент: Янги аср авлоди, 2007. 42-бет.

⁶ Мифы народов мира... Т. 2. ... 323 – 324-бетлар.

⁷ М и н г б о е в а Д. Тимсоллар тилсими... 41-бет.

⁸ Шу жойда. 41-бет.

⁹ Авесто Тарихий-адабий ёдгорлик / А с қ а р М а х к а м таржимаси. Тошкент: Шарқ, 2001. 122-бет.

¹⁰ Anam Napatнинг бошка динлардаги тавсифи ҳакида батафсилрок каранг: Мифологический словарь. М.: Советская энциклопедия, 1990. 672-бет

Дарҳакикат, зардуштийларда сув мұқаддас унсур саналиб, аввало, унинг тозалиги борасида қайғурилган. Бунинг учун сув манбалари – дарёлар, кўллар ёки кудуклар ҳар қандай нопокликлардан қатъий химоя килинган. Агар маросимий нопок бўлган қандайдир нарсани ювиш лозим бўлса, сув маҳсус жойга тўплланган, лекин шунда ҳам нопок нарса тўғридан-тўғри сув билан ювилмаган. Бунда нопок нарса аввал сигир сийдиги билан ювилиб, кўёшда ёки кўмда куритилган ва сўнгра якуний поклаш максадида сув билан ювилган. Шунингдек, ёмғир ёккан пайтда ташқарига чикиш тақиқланган, чунки бу билан сувни ва ерни “макрух” килиб қўйиш мумкин деб хисобланган. Сувни исроф килиш ва булғаш оғир гуноҳ хисобланади¹¹. “Авеста”да бу борада “Покиза сув ва ёниб турган олов олдида густоҳлик килган зотнинг дўзахда топгувчи жазоси бу дунёнинг жамики дарду озорларидан мудхишидир”¹², – дейилади.

Сувни мұқаддас санаб, уни эъзозлашга оид қарашлар ислом динида ҳам кенг ўрин олган. Жумладан, исломда сувни тежаб ишлатиш, уни ортиқча исроф килмасликка даъват этилади. Колаверса, мұқаддас ҳадисларда “Учта жойга – сув ўзанларига, серкатнов йўлларга ҳамда соя-салқин жойларга ахлат ташлаб, лаънатга қолишдан кўркинглар” дейилган¹³.

Фарғона водийсининг Наманган ва Фарғона вилоятларида олиб борган этнографик дала тадқиқотларимиз жараёнида водий аҳолиси турмуш тарзида ҳам сув билан боғлик анъанаалар асрлар силсиласида аждодлардан авлодларга одат тарзда ўтиб келаётганлигини кузатдик. Жумладан, водийнинг аксарият жойларида сувни бемаврид исроф килиш, уни булғаш, сувга тупуриш ва нопок ифлос нарсаларни сувга ташлаш тақиқланиб, бундай ишларни килиш оғир гуноҳ хисобланади¹⁴. Водий қишлоқларида эрга баҳорда сув келадиган ариклар, каналлар ва зовурлар ҳар йили ҳашар йўли билан тозаланади. Янги каналлар, ариклар қазиши эса энг савобли ишлардан бири саналади.

Тарихга назар ташласақ, қадимги туркий халклар сувнинг халоскорлик ва илохий қудратига каттиқ ишонганлигини кўриш мумкин. Улар сув инсонни ҳар қандай оғат, бахтсизлик, ҳатто ўлимдан ҳам химоя килади, дея тасаввур қилишган. Туркийларнинг дунёқарашида сув – жон,

¹¹ А широп А. “Авесто”дан мерос маросимлар. Тошкент: Мерос, 2001.

¹² Авесто / А. Махкам таржимаси ... 122-бет.

¹³ Ушбу ҳадис И мом Табризийнинг “Мишкот ал-масобих”, номли китобида келтирган. Шунингдек, Абу Довуд “Сунан Аби Довуд”, Ибн Можа “Сунан Ибн Можа” номли ҳадис тўпламларида ҳам қайд килинган.

¹⁴ Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Фарғона тумани Каптархона қишлоғи. 2016 йил.

рух, бокийлик тимсоли, абадий тириклик рамзи ҳисобланган. Олтой шомонлари сувни оламнинг яратилишига асос бўлган унсурлардан бири деб ҳисоблаганлар¹⁵. Этнограф Т. Баялиеванинг ёзишича, қадимда қирғизлар орасида сув руҳлари тўғрисида қарапшлар мавджуд бўлиб, Тяншань қирғизлари ҳар йили сув руҳларига атаб курбонлик килишган. Курбонликка аталган ҳайвон сув бўйида сўйилиб, унинг қони сув билан аралашиб кетишига ҳаракат қилганлар. Ушбу маросим оркали одамлардан дарғазаб бўлган сув парилари ва руҳларининг ғазабини пасайтиришга уринганлар. Агар бу ишлар амалга оширилмаса, йил давомида бирор-бир кўнгилсиз ҳодиса рўй беради, деб ўйлаганлар¹⁶. Туркманларда эса ёмғир пири сифатида “Кўркут бобо” образига сифинишган ва унга бағишлиб турли маросимлар ўтказилиб, турли афсона ва ривоятлар кенг ёйилган¹⁷.

Ўзбекистонда ҳам сув ва сув манбалари, хусусан, дарёлар билан боғлиқ қарапшлар ўзига хос тарихга эга. Қадимда Ардвисура Анахита окин сувлар, аникроғи, Амударё культи билан боғлиқ деб талкин қилинган¹⁸. Машҳур этнограф Л. Потаповнинг ёзишича, Амударёда сув камайгандан Хива хонининг буйруғи билан мадрасалардаги толиби илмлар дарё кирғоғига олиб келинган ва улар дарёга караб дуо ўкишган. Хива шаҳри ўзбеклари орасида тарқалган анъанага кўра, янги ариқ қазилиб, Амударёга уланганда хонининг буйруғига биноан, ушбу сув ҳавзасида доимо сув бўлсин, деб 8–10 та сигир ва хўқиз қурбонлик қилинган. Дехқонлар сувга ўзларини ташлаб, хўқизларни олиб чиқишиган ва курбонлик қилинган хўқизлар гўштидан маросимий таомлар тайёрлаб, шу ернинг ўзида танавул қилганлар¹⁹.

Фарғона водийсида олиб борган этнографик тадқикотлар жараённида Сирдарёнинг чап қирғоғида Фарғона вилояти Данғара туманидаги Кудук қишлоғида Хубби ота зиёратгохини учратдик. Ушбу зиёратгоҳда

¹⁵ Потапов Л. Алтайский шаманизм. М.: Наука, 1991. 72-бет.

¹⁶ Баялиева Т. Пережитки магических представлений и их изживание у киргизов // Древняя и раннесредневековая культура Киргизистана. Фрунзе, 1967. 126-бет.

¹⁷ Басилов В. О туркменском “пире” дождя Буркут – баба // Советская этнография. 1963. № 5. 15–18-бетлар.

¹⁸ Толстов С.П. Древний Хорезм. М.: Наука, 1948; Снесарев Г.П. По следам Анахиты // Советская этнография. 1971. № 4. 153–165-бетлар; Фуломов Я. Хоразмнинг сугорилиш тарихидан. Тошкент: Фан, 1959. 30–35-бетлар; Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. Тошкент: Фан, 1986. 78–79-бетлар.

¹⁹ Leonid Pavlovic Potapov. Materialien zur Kulturgegeschichte der Uzbeken aus den Jahren 1928–1930. Mit begleitenden Worten des Sammlers herausgegeben und eingeleitet von Jakob Taube Harrassowitz Verlag. Wiesbaden. 1995. P. 23.

иккита алоҳида қурилган мақбара бўлиб, маҳаллий аҳоли тасаввурига кўра, мақбараларнинг бирига Ҳубби ота дағн этилган²⁰.

Зиёратгоҳ атрофидаги катор қишлокларда яшовчи аҳоли баҳор фаслида дехқончилик ишларини бошланишида дехқонлар тўпланишиб, Ҳубби отага бағишлаб, маросимий курбонлик тарзида қўй сўйишган. Шунингдек, водийда сув культи билан боғлиқ *Об бува* (Чуст тумани) ёки *Бобои Об* (Хўжанд вилояти Ашт тумани) зиёратгоҳлар бўлган. Айнан мазкур зиёратгоҳларга ҳам баҳор фаслида дехқонлар келиб, зиратчилик ишларини бошланишида курбонликлар қилиш ва Об бувадан келаётган йил серсув йил бўлишини тилаш одати кент тарқалган. Наманганд вилояти Чуст тумани Дам ва Какликкўргон қишлоқларида ҳам Чотқол тизмаси ён бағридаги Сумсарсойдан қишлоқ арикларига сув очиш жараённида юкоридаги каби курбонлик маросими ўтказилади²¹.

Ўзбекистоннинг дехқончилик минтақаларида баҳорда асосий сув манбалари бўлган ариқ ва каналлар ҳашар усулида қазилган. Ҳашар охирида сув очилгач, аҳоли пул, буғдой, озик-овқат маҳсулотларини тўплаб, йигилган маблағта жонлиқ (бузок, бўз бия, оқ тойчоқ, кўчқор, эчки) сотиб олинган ва қурбонлик килинган. Марказий Осиёнинг кўплаб худудларида курбонлик килинган ҳайвон қони сувга оқизилган, ҳайвон танаси эса сувга ташлаб олинган. Умуман олганда, ҳўқизнинг сув тошқинлари билан анъанавий боғлиқлиги Шарқ ҳалқларининг қадимги динларида акс этган²². “Авеста”да ер сув ва ҳосилдорлик илми худоси деб “Анахита” талқин килинади. Шунингдек, Анахита культи билан бирга сув намгарчилик пири сифатида “Эр Ҳубби” ёки “Ҳубби” культи ҳам мавжуд бўлиб, Ҳубби (Эр Ҳубби, Ҳуббихўжа, Султон Ҳубби) билан боғлиқ ривоятлар мамлакатимизнинг турли худудларида мавжуд. Хоразм мифологиясида сув илоҳаси Анбар онанинг дарё тубида яшовчи ўғли Ҳубби – Амударёнинг ҳомийиси, сувларининг мувозанатини, оқимини мъёрини тутиб турувчи куч сифатида намоён бўлган афсонавий тимсол ҳисобланади²³. У нафакат сув худоси, балки адабиётларда ҳосилдорлик илоҳи сифатида ҳам талқин килинган²⁴.

²⁰ Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Данғара тумани Кудук қишлоғи. 2016 йил.

²¹ Дала ёзувлари. Наманганд вилояти Чуст тумани Дамобод қишлоғи. 2016 йил.

²² Қаранг: А н д р и а н о в Б. Бык и змея (У истоков культа плодородия) // Наука и религия. 1972. № 1. 32-бет.

²³ Кароматов Х. Ўзбекистонда мозий эътиқодлар тарихи. Тошкент, 2008. 323-бет.

²⁴ Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. М.: Наука, 1969. 208-бет.

Биз хўқиз культигининг сув билан боғлиқлигини кейинги давр анъаналарида ҳам учратдик. Жумладан, Андижонда агар курғокчилик бўлиб, ёмғир ёғмаса, мозорда мол сўйиб курбонлик қилинган ёки XX асрнинг 70-йилларига қадар Сирдарё суви тошган вактда дарёга бағишлаб турли ҳайвонлар (хўқиз, қўй, қўчкор) курбонлик қилинган.

Водийда ҳам сув кам бўлган ёки сув тошқинлари вактида кишилар сув илоҳига сигиниб, унга бағишлаб турли курбонликлар қилинган. Шунингдек, баҳор фаслида дарёдаги сув тошқинлари тўхтайвермаса, саросима остида колган аҳоли сув бўйига тўпланиб, ҳаммалари “тўхтасин” деб дод-фарёд соглан. “Тўхтасин” деган кишининг кўл-оёклари боғланиб, у сув бўлинадиган жойга ташланган. Чунки, маҳаллий халқ “шундай қилинса, қонхўр сув тошқини тўхтайди, сув худоси якка бола қонига муҳтож бўлади” деган ибтидоий қараш бўлган²⁵. Лекин, бугунги кунда бундай қарашлар унутилган ва фақат кекса ёшли ахборотчиларнинг хотираларидағина сақланиб колган.

Фаргона водийсида сув парилари билан боғлиқ қарашлар ҳам учрайди. Ахборотчиларнинг таъкидлашича, сув парилари – сув тўлкинларида бўлиб, сувни жиловлантирган. Кишининг диккатини ўзига тортиб, кўпинча сувга тушган бегуноҳларни чўкиб кетишдан сақлаганлар. Улар фақат сувга чўккан кишиларгагина кўриниши мумкин экан. Сув парилари жуда чиройли бўлиб, ташқи гўзаллиги билан кишини ўзига ром қилиб олиш кудратига эга бўлар экан²⁶. Шунинг учун шомдан кейин бирор-бир одамнинг сув хавзаларида, хусусан, Сирдарёда чўмилиши таъкиқланган.

XX асрнинг 80-йилларидан бошлаб Сирдарё сувининг кескин камайиб кетиши туфайли дарё ва сув билан боғлиқ кўплаб мифологик қарашлар маҳаллий аҳоли орасида уннутила бошланган. Ҳозирда дарё ва сув илоҳларига бағишлаб деярли курбонлик маросимлари ўтказилмайди. Шу боис айнан сув илоҳлари билан боғлиқ қарашлар, асосан, кекса ёшли одамлар хотираларидағина сақланиб қолган.

Ўзбеклар тасаввурига кўра, инсон оқмас сувда ҳаёт асарини кўрмаган, аксинча, оқар сув қайнок ҳаёт тимсоли бўлиб келган. Шу сабабли оқмас сув манбалари сифатида ҳовуз ёки кўлмаклар ҳисобланган. Водийда кўлмак сув макрух ҳисобланиб, уни ҳатто уй ҳайвонларига бериш ва уларни шу сув билан чўмилтириш ҳам тақиқланган. Чунки, кўлмак сув ёвуз руҳлар макони бўлиб, уй ҳайвонларига зиён етказар экан.

²⁵ Алим ухамедов А. Муқаддас ва қадамгоҳ жойлар ҳамда уларнинг заарлари. Тошкент, 1966. 5–6-бетлар.

²⁶ Халмуратов Б. Ўзбек халқи анъанавий дунёқарashi ва миллӣ қадриятлари тизимида сув // Ижтимоий фикр. Инсон ҳукуклари. 2010. № 2. 131-бет.

Ахборотчиларимизнинг фикрича, инсон оғир ғамга ботса ҳам оқаётган сувга қараб ғам-ғуссани енгиллаштиради. Ёмон туш кўрган киши ҳам сув бўйига борган. Шу боисдан ҳам ўзбекларда “Тушингни сувга айт” ибораси мавжуд. Хонадонда доимо кут-барака бўлсин деб челак, кўза, мўнди каби идишлар доимо сувга тўлдирилиб, оғзини беркитиб кўйиш одати бўлган. Жумладан, водий ўзбекларида куёш боттандан сўнг уйдаги сув сақланган идишларнинг усти доимий равишда ёпиқ туриши лозим бўлган. Агар сувли идишнинг усти очик колдирилса, унга турли хил ҳашаротлар, хусусан, ўргимчак тушиб, сувни ифлосланишига сабаб бўлар экан²⁷.

Наманган вилояти Мингбулок тумани Колгандарё кишилогида яшовчи қорақалпоқларда сигир янги туққан вақтида унинг сути дарё мисоли узун бўлсин, деб 3 кун мобайнида дарёга оқизилган. Баҳорда Сирдарё тошган вақтда авваллари момолар дарёнинг олдига келиб, унга “мен қайтдим, сен ҳам қайтгин” деб дарё сувини шопиришган.

Демак, мазкур қараашлардан дарё бўйида яшовчи маҳаллий аҳоли орасида сувнинг афсунгарлик хусусиятига бўлган инонч ва у билан боғлик тасаввурлар водий аҳолиси орасида ҳам кенг тарқалганлигини кузатиш мумкин. Афсуски, сўнгги йилларда мазкур қараашларнинг аксарияти унутилиб, хотираларида сақланиб қолмоқда.

Катта сув бўйларига кечаси ёлғиз бориш, тунда ойнага қарааш такики, бутун жаҳондаги сингари ўзбек халқи орасида ҳам кенг ёйилган. Машхур диншунос ва антрополог Ж. Фрэзер ҳам кадимда жон соя, сув ва кўзгудаги акс тасвирда ҳам бўлиши мумкинлиги ҳақидаги тасаввурларни эътироф этган²⁸. Шунингдек, халқимизда кўрилган туш қандай бўлишидан қатъи назар, уни сувга айтиш одати ҳам бўлган.

Фарғона водийси ўзбеклари тасаввурда сув ҳам бошқа унсурлар ва инсонлар сингари ўз жинсига эга бўлган. Жумладан, куёш, осмон эркак, ер, ой аёл жинсига тааллукли хисобланган. Бу ўринда сув эса икки жинс – эркак ва аёлга бўлинган. “Оқ сув” – эркак сув, “қора сув” эса аёл сув хисобланган²⁹. Тожикистонлик элшунос И. Мухиддиновнинг ёзишича, сувнинг эркак ва аёлга ажратилиши ўзига хос рамзий маънога эга бўлиб, эркак сув окқан ариқ бўйларидаги ўт-ўланлар зич ва баланд, аёл сув окқан ариқлар бўйлари эса ўтсиз бўлган ёки жуда кам ўт ўсар экан³⁰. Ўз ўрнида шуни ҳам таъкидлаш керакки, нафақат сув, балки йил

²⁷ Дала ёзувлари. Андижон вилояти Балиқчи шаҳарчаси Кўл маҳалласи. 2017 йил.

²⁸ Фрэзер Дж. Золотая ветвь. М.: Политиздат, 1986. 142-бет.

²⁹ Басилов В. Н. Шаманство у народов Средней Азии и Казахстана. М.: Наука, 1992. 28-бет.

³⁰ Мухиддинов И. Земледелие припамирских таджиков Вахана и Ишкамиша в XIX – начале XX (Историко-этнографический очерк). М., 1975. 101-бет.

fasllari ham yzaro bouliniib, erkak fasllarغا kuz va kish kirgan boulsa, ael fasllarغا ba xor va ez taallukli boulgan. Bundai bouliniish qadimgi agrar kulttlar, anikrofi, xosildorlik kultti bilan boflik boulgan.

Водийда ичимлик сувини сақлашда ham azaldan boy tajkriba tulpangan boulib, maħallla-guzarlarda ҳовузлар бунёд etilgan va ulardan aħolinini sув билан ta'minlashda okilonona foidalaniłgan. Ичимлик суви köpinča гигиеник жихатдан kulay boulgan, inson salomatligiga ziēn etkazmайдиган сопол идишларда сақланган.

Анъанавий оила маросимларида ham sув yziga хос ўринга эга boulib, янги туғилган чақалоқ, никоҳдан аввал келин-куёв ёхуд мотам маросимларида мархум маросими тарзда sув билан покланган.

Наманган вилояти Поп тумани Чорток қишлоғида мотамга келгандарнинг юзига уч марта сув сепиш одати boulgan. Гарчи маħalliy aħoli orasida sувнинг маросими aħamияti birmunča unutilgan boulib, маросимларда undan ramzij vosita sifatiда foidalaniładi³¹.

Юкоридаги маълумотлардан шундай холосага келиш мумкини, aйrim tabiat unsurlari singgari sув ham muqaddas xisoblantgan. Sув nafaqat insonlar chanqogini kondiruvchi unsur, balki yz nавбатida, ularni davolovchi vosita boulgan. Шубҳасиз sув билан boflik turli mifologik қарашлар ham ajddodlardan avlodlарга anъana tarzida ytiq kелган. Шунингдек, sув poklaniш manbai boulgani учун insoniyat qadimdan tозаликка катта эътибор bering kелади. Afusuki, XX aсрнинг 70-йилларидан бошлаб mintakada sув билан boflik қарашлар birmunča yzgarди. Чунки, совет tузуми даврида paxta monokulturasini avj olishi hamda ateistik siyaset tufayli sув билан boflik anъanavий қарашлар birmunča unutildi. Сўнгти yillarda mintakada sув muammosini eng dolzarb masalaga aйlaniishi barobariда sув билан boflik koplاب anъanavий қарашларга boulgan эътибор oshdi va ularning koplari kundalik haётga kaitdi. Xususan, miroblik instituti расмий tarzda tiklandi. Lekin, aйnan sувни aсraш ва uni iloхий aħamияti bilan boflik dinий mifologik қарашлар deярli unutildi. Shu bois xozirda sув билан boflik biliм va қarashlarни мужассам kilgan mintakaviy madaniyatlarни turli fanlar (tarikh, madaniyatshunoслик, ethnologiya, ekologiya, folklorshunoслик) kесимида ilmий aсосда ўрганиш aħoli orasida, xususan, ёшлар онгida ekologik madaniyatning shakkianiшига aсос bouldi.

³¹ Дала ёзувлари. Наманган вилояти Поп тумани Чорток қишлоғи. 2017 йил.

А. АШИРОВ

ФАРГОНА ВОДИЙСИ АҲОЛИСИНИНГ СУВ БИЛАН БОҒЛИҚ МИФОЛОГИК ҚАРАШЛАРИ ВА УРФ-ОДАТЛАРИ

Мазкур мақолада ўзбек халқининг анъанавий турмуш тарзида ва маросимий ҳәтидаги сув билан боғлиқ қарашлар этнографик материаллар асосида таҳлил этилган. Муаллиф Фаргона водийси аҳолисининг сувга оид афсона, асотир, ривоятларини этнографик маълумотларга таяниб ўрганганд. Маколада диний қарашлар асосида юзага келган сув илоҳлари, культиарини генезиси ва локал жиҳатлари ёритилган. Шунингдек, сув билан боғлиқ мифологик қарашларнинг замонавий ўзбеклар ҳаётида тутган ўрни ёритиб берилган.

Калим сўзлар: сув, дарё, ариқ, Сирдарё, Амударё, мифология, эътиқод, инонч, культ, курбонлик, покланиш, ҳаёт рамзи, маросим, урф-одат, Хубби, Анахита, ҳўқиз, зардустийлик, ислом дини.

А. АШИРОВ

МИФОЛОГИЧЕСКИЕ ВЗГЛЯДЫ И ОБЫЧАИ НАСЕЛЕНИЯ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ, СВЯЗАННЫЕ С ВОДОЙ

В данной статье на базе собранных этнографических материалов проанализированы взгляды, связанные с водой в традиционной и обрядовой жизни людей. Автор изучил в этнографическом контексте легенды, мифы и сказания населения Ферганской долины. Кроме этого, освещены вопросы генезиса и локальных особенностей, основанных на религиозных взглядах в отношении божеств воды. Раскрыто влияние мифологических взглядов на современную жизнь узбеков.

A. ASHIROV**WATER-RELATED CUSTOMS AND MYTHOLOGICAL VIEWS OF THE FERGHANA VALLEY POPULATION**

The article analyzes water-related views in the traditional and ritual life of people based on ethnographic data collected. The author studied the legends, myths and tales of the Ferghana Valley population in ethnographic context. Besides, the article sheds light onto the problems of origins and local peculiarities, based on religious views in relation to water deities. It reveals the influence of mythological views on the modern life of Uzbeks.

Материалы статьи получены на основе собранных в ходе этнографических исследований данных о традиционных и ритуальных представлениях населения Ферганской долины о воде, ее происхождении и местных особенностях. Особое внимание уделено проблемам, связанным с представлениями о воде в религиозном контексте. Рассмотрены мифологические представления о воде, их происхождении и местных особенностях, а также влияние мифологических представлений на современную жизнь узбеков.

Ключевые слова: мифология, мифы, легенды, народные сказки, традиции, ритуалы, представления о воде, Ферганский регион, Узбекистан.

Ученые-исследователи изучают мифологию и легенды народов Ферганской долины, в том числе и узбеков, с конца XIX века. Важнейшими источниками для изучения мифологии и легенд являются фольклорные материалы, собранные в результате этнографических экспедиций, а также письменные источники, включая исторические хроники, летописи, мемуары, художественные произведения и т. д. Важно отметить, что в наше время мифология и легенды изучаются не только в научных целях, но и для сохранения и передачи традиций и культурного наследия народа.

Важной темой в изучении мифологии и легенд является вопрос о происхождении и местных особенностях представлений о воде. Важно отметить, что представления о воде в различных культурах и народах отличаются друг от друга, что связано с различиями в географии, климате, социальном строе и других факторах. Важно отметить, что представления о воде в различных культурах и народах отличаются друг от друга, что связано с различиями в географии, климате, социальном строе и других факторах. Важно отметить, что представления о воде в различных культурах и народах отличаются друг от друга, что связано с различиями в географии, климате, социальном строе и других факторах.

Х. ЖУМАНАЗАРОВ

ХАЛҚ ТАБОБАТИ АНЬАНАЛАРИНИНГ МИНТАҚАВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Этник маданиятнинг эмпирик билимлар ривожи оқибатида юзага келган турларидан бири – халқ табобатидир. Халқ маданиятнинг шаклланиши ва минтақавий хусусиятларни пайдо бўлишида бир қанча объектив ва субъектив омиллар таъсирини кўриш мумкин. Жумладан, бу жараёнга табиий географик шароит, маҳаллий тил, диний эътиқод ва этноснинг руҳий-маънавий характеристики ҳам таъсир килади¹. Ижтимоий меҳнат таҳсимиоти натижасида бу илм кишилик жамиятининг маълум гурухлари кўлида тўпланди ҳамда даволаш, дори тайёрлаш табибларнинг фаолият турига айланди. Қадимдан табобат анъаналари авлоддан – авлодга, кўпинча бир оила ёки кариндошлар ичидаги оғзаки тарзда ўтиб келган.

Табобат илми барча халқлар турмуш тарзидаги бугунга қадар сакланниб колган ва бу анъаналар бошқа халқларнинг тиб илмидан даволаш усули, ташхис кўйишнинг айрим шакллари ҳамда дориворларни ишлатиши қоидалари билан фарқланади. Замонавий ахборотлашган жамиятда миллиат ёки халқ доирасида табобат анъаналарини минтақавий жиҳатдан ажратиш, айрим ўзига хос томонларини ўрганиш мураккаблик касб этади. Чунки, табобат анъаналари ҳам бевосита шахсларнинг оммавий ахборот алмашинуви натижасида бошқа соҳалар каби интеграциялашиб бормоқда. Ўтган йиллар давомида табобат анъаналари ва даволаш усулларига бўлган муносабат барча давлатларда турлича бўлди. Айрим давлатларда халқ табобати анъаналарига ҳуқуқий мақом берилган бўлса (Хитой, Ҳиндистон...), бошқаларида сунъий тўсиқка учради. Жумладан, XX аср бошларида совет ҳукумати томонидан халқ табобатининг иттифоқ бўйича тақиқланиши² ўзбек халқ табобатини ҳам четлаб ўтмади³.

Табобат билан шуғулланишнинг расмий чекланиши ва табибларнинг қатағон қилиниши оқибатида халқ онгига тиб илми ва анъаналарига бўлган муносабатда ҳам ўзгариш юз берди. Натижада, халқ табобатининг

¹ А ширров А. Этнология. Ўкув қўлланма. Тошкент: Yangi nashr, 2014. 175-бет.


² Традиционная медицина: политика и практика профессионализации / Под ред. Е. Ярской – Смирновой. М.: Вариант, 2011. 7-бет.

³ Сейфуллоев И. К вопросу о табибизме в Узбекистане // Медицинская мысль Узбекистана. 1928. № 9–10. 71-бет.

анъанавий усуллари, урф-одатлари ва худудий хусусиятларига птур етди. Бу эса, табобат анъаналарини сақлаб қолган халқларнинг маҳаллий табобат усулларини тиббиёт билан ракобатлашиши ва оммавий ёйилиши оқибатида халқ табобати қонуний такиқланган ёки табобат анъаналари замонавий тиббиёт билан интеграцияси суст кечган халқларнинг турмуш тарзига ҳам кириб келди. Масалан: Хитой, хинд ва Тибет табобати усулларига нафакат Осиё, балки Европа халқларида ҳам эътибор катта.

Ўзбек халқ табобатининг минтақавий хусусиятларига тўхтадиган бўлсак, у ўлкада параллел ҳаёт кечирган ўтроқ ва чорвадор аҳолининг тажрибалари, иқлим, савдо алоқалари ҳамда соҳада этишиб чиқсан олимларнинг яратган асарлари натижасида шаклланган. Табобат анъаналарини минтақавий фарқлашда қўйидаги омиллар катта рол ўйнайди: географик омил, аҳолининг яшаш тарзи ёки машғулот тури, маҳаллий ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, халқнинг диний қарашлари.

Географик жойлашув ҳолати табобат анъаналарининг минтақавий хусусиятларини кўрсатиб берувчи бош омилдир. Худуднинг иқлими, табиий шароитидан келиб чиқиб маҳаллий хасталиклар, уларни мавжуд воситалар ёрдамида даволаш усуллари каби жиҳатларни кўриш мумкин. Демак, табиий мухит, иқлиmlар ўзгариши ўша мухитдаги барча нознеъматлардан озиқланувчи халқлар феъл-атворига таъсир кўрсатиши шубҳасиз⁴. Халқ табобатининг минтақавий хусусиятларини географик мухит нуқтаи назаридан тадқиқ этишда аҳоли истиқомат қиладиган худудни икки қисмга ажратиш мумкин: тоғ ва тоғолди минтақаси ва текислик минтақаси.



1-расм. Кундалик истеъмолда гиёҳлардан фойдаланиш.

⁴ Гумилёв Л. Этнослар ва табиий мухит. Русчадан М. Маҳмудов таржимаси // Жаҳон адабиёти. 2013. № 7. 153-бет.

Ўтказилган сўровнома натижасидан маълум бўлдики, халқ табобати анъаналари тоғли минтақаларда айрим хусусиятларини саклаб қолган. Яъни, тоғли минтақада турли табиий воситалари хусусиятларидан фойдаланиш улуши текислик минтақасига нисбатан юкори. Бунинг сабаби:

Биринчидан, махаллий аҳоли тоғда ўсувчи барча гиёхларнинг номи, тузилиши, кўринишини яхши билади. Бу тиб билимлари уларнинг касбига алоқадор бўлмаса-да, кундалик ҳаёт тарзи атроф-муҳит билан доим муносабатда бўлгандиги сабабли бу билимларга кўпроқ мурожаат қилишган.

Иккинчидан, текислик минтақасида яшовчи аҳоли одатда гиёхларни сотиб олади ёки ўзлари етиштирган маҳсулотлардан муқобил кўринишда фойдаланади. Текисликда яшовчи аҳолининг аксарияти ўтрок яшаши туфайли, ўсимликларни маданий турга айлантиришга эътибор қартишган. Ёввойи ҳолда ўсувчи ёки ўтрок аҳоли яшаши жойи яқинида ўз ҳолиҷа ўсувчи гиёхларни сунъий кўпайтириш, чатишириш ва уларни узок вақт мобайннида сақлаш ишларига эътибор қартишади. Текисликда яшовчиларнинг овқатланиш рационида табиий гиёхлар миқдори чегараланган бўлиб, унинг ўрнини маданий ҳолда етиштирилган ўсимликлар эгаллаган.

Географик жойлашув табиблар фаолиятига ҳам таъсир ўтказган. Тоғ ва тоғолди ҳудудда яшовчи табиблар яқинлари билан мавсумий гиёҳ теришга чикса, текисликда истиқомат қилувчи табиблар гиёхларни ўзлари етиштиришга ҳаракат қилганлар ёки имкон қадар кисқа фурсатга гиёҳ тергани чиққанлар. Бухоролик табиб А. Кенжаевнинг айтишича, “текисликда яшовчи табибларнинг тоғли аҳолидан табиий воситаларни харид килиши улар сотадиган дорилар нархига ҳам таъсир кўрсатган”⁵. Сўровнома натижаларига кўра, тоғ ва тоғолди минтақада яшовчи аҳоли текислик минтақасида яшовчиларга нисбатан шифобаҳш воситаларни дориворлик хусусиятлари учун кўпроқ тўплаган ва сақлаган. Бунинг бир неча сабаблари мавжуд:

Тоғ ва тоғ олди минтақаси шаҳар марказидан ёки дорихонадан узок ҳудудда жойлашганлиги учун, аҳоли ён-атрофда учрайдиган гиёхларни ортиқча ҳаражат қилмасдан тўплаб, доривор сифатида ишлатган. Бундан ташқари, айрим кир, тоғ этаги ва тоғ ичидаги жойлашган аҳоли пунктларига борадиган йўл сел келиши, кор ёғиши каби табиат ходисалари натижасида бекилиб қолган. Бу ҳам табобат усуулларидан фойдаланиш заруратини кучайтирган.

⁵ Дала ёзувлари. Бухоро вилояти Бухоро шаҳри А. Тўқай кўчаси. 2016 йил.

Марказдан четрок ҳудудда жойлашган аҳоли пунктларида узоқ вақт уй дорихоначилиги сакланган. Шифокорликдан ёки фармацевтиканан хабардор кишилар дориларни уйларига келтириб сотишган. Бу ҳолатда дорилар сони ниҳоятда чегаралangan бўлиб, кишилар мукобил вариант сифатида табиб ёки ўша шифокор маслаҳати билан яна табиий воситаларга мурожат килишган.

Тоғдан тўпланган табиий воситалар бошқа ҳудудларга нисбатан шифобаҳш хусусиятини кўпроқ саклаб қолади. Тоғликлар гиёҳларнинг доривор хусусиятлари ҳакида содда билимларга эга бўлган, шунингдек, тоғли минтақада гиёҳларни саклашга шароитнинг мавжудлиги ҳам бунга сабаб бўлган.

Текислик минтақасида яшовчилар ҳам доривор воситаларни саклашган. Фақат, айримларигина доривор воситаларни узоқ муддатга саклашга интилган бўлса, аксарияти истеъмол мақсадида ишлатган.

Демак, шифохоналар ва дорихоналарнинг узоклиги, айрим енгил касалликлар учун олинадиган дори нархининг йўл кира нархидан арzonлиги, табиий воситаларни тўплаш кам харажат талаб қилиши, асосийси, тоғ минтақасида доривор воситалар текислик минтақасига нисбатан осон топилиши ҳамда уларни саклаш ортиқча меҳнат талаб килмаслиги каби омиллар муҳим аҳамият касб этган.

Аҳолининг яшаш тарзи ёки машғулот тури. Кишиларнинг меҳнат турига қараб ҳам табобат анъаналари минтақавий кўринишга эга бўлади. Чорвадорлар, дехқонлар, хунармандларнинг касаллик турлари, даволаш усулларида фарқли жиҳатларни кузатиш мумкин. Умумий ҳолат шундан иборатки, одамлар қандай машғулот билан шуғулланса, асосан, ўз касби орқали етиштирган ёки машғулоти учун зарур бўлган хом-ашёлардан даволаш учун фойдаланганлар. Кишиларда айрим касб касалликларини вужудга келтирувчи бош омил машғулот туридир. Аҳоли машғулотига қараб икки гурухга: чорвадор ва дехқонларга ажратилса, улар орасида куйидаги фарқларни кўриш мумкин:

Табобат вакилларига нисбатан.

Табибларнинг фаолият шаклидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, улар мистик ва эмпирик турларга бўлинади. Аҳолининг халқ табобати ва табибларни турларга ажратиши кишиларнинг турмуш тарзи, машғулот тури ҳамда табибларнинг фаолиятига ҳам боғлиқ. Инсонларнинг касбидан келиб чиқиб, якка ёки жамоа бўлиб фаолият юритиши ва ўзаро мулоқотнинг давомийлиги ҳам бу борада ўз таъсир кучига эга. Бошқа томондан, ҳудудда фаолият юритувчи табибларнинг қайси табобат тури билан шуғулланиши ҳам муҳим. Аҳолига “Табобат деганда қайси

турни тушунасиз” – деб мурожат килинганда, чорвадор аҳолининг 28,8% “мистик табобат” – деб, 71,2% “эмпирик табобат” – деб жавоб қайтаришган. Дехқончилик касби вакилларида эса бу кўрсаткич мос равишда мистик табобат 62,7%ни, эмпирик табобат 37,3%ни кўрсатди.

Сўровнома натижаси аҳолининг мистик ва эмпирик табобатни табиб турларига кўра ажратса олишини кўрсатади. Табобат турлари аҳолининг машгулот тури ёки яашаш тарзига кўра тавсифланишига куйидаги омиллар таъсир ўтказади.

Биринчидан, чорвадорлар чорва моллари учун кулай худудларда муентазам кўчиб юришган ва чўл, тоғ худудларида мавсумий яшаашлари натижасида табиий гиёҳларни, чорва ҳамда кишилар учун фойдали хусусиятларини кузатиш имкони мавжуд эди. Дехконлар эса ўзларига керакли ўсимликларни сунъий кўпайтириш билан шуғулланишган. Бу эса табиий гиёҳлардан олинадиган натижани бермаган.

Иккинчидан, мистик табобатда турли дин колдикларини кўриш мумкин. Ўтрок яшаган аҳоли барча диний қарашларни бошдан кечиришган ва диннинг турли кўринишдаги элементларини ўзларида саклаб қолган. Мъалумки, яашаш тарзи кўчманчи бўлганларга нисабатан, ўтрок аҳолининг ҳаракатларига жамоа назорати кучлироқ. Шунинг учун ўтрок яшовчи аҳоли орасида турли диний маросимлар ва урф-одатларни бажариш жамият аъзоларининг дикқат марказида бўлган. Бу сабаб ҳам мистик табобат вакиллари ва унинг айrim кўринишлари кўпроқ ўтрок аҳоли қатлами ўргасида сақланиб қолишига олиб келган.

Учинчидан, чорвадор аҳоли орасида яашаш шароитидан келиб чиқиб кўпроқ ташки таъсир натижасида ортирилган касалликлар учрайди. Масалан, тери шилиниши, сувяк синиши, айrim ҳайвон касалликларни юқиши ва х.к. Бу хасталикларни даволаш учун эмпирик билим ва табиба эҳтиёж сезишган. Тарихчи Геродод ҳам “кўпгина доривор ўсимликларни чўпонлар топган” деб ёзиб қолдирган⁶.

Тўртинчидан, ўтрок жамиятда кишилар ўргасида муентазам ахборот алмашинуви бўлган. Бир воқеликка оид хабарлар инсонларнинг руҳий ҳолатига турлича таъсир қилиши инобатга олинса, одамларга руҳий таъсир ўтказиши орқали даволовчи, дуо-оятлар билан далда берувчи мистик табибларга эҳтиёж пайдо бўлиши табиий. Чорвадор аҳоли ўргасида эмпирик табобат, дехқончилик билан шуғулланувчиларда мистик табобат тушунчасининг устунлик қилиши, уларнинг яашаш тарзи

⁶ Кодиров А. Ўрта Осиёда медицинанинг пайдо булиши. Тошкент: Ибн Синономидаги тиббиёт нашриёти, 1990. 37-бет.

ва кузатиладиган касалликлар, диний эътиқод, даволаш усуллари каби омилларга боғлиқ.

2. Дориворлардан фойдаланиш.

Чорвадор аҳоли. Аҳолининг машғулот тури бевосита унинг яшаш муҳити билан боғлиқ. Чорвадорлар тоғ ва тоғ этакларида ҳамда дехқончилик учун нокулай текисликларда истиқомат қилишади. Чорвадор аҳоли жуда кўп табиий гиёҳларнинг шифобахш хусусиятларини кашф қилган. Термизлик гиёҳ сотовучи Хидир бобонинг айтишича “чўпонлар ўсимликлар ва ҳайвонларнинг инсонлар учун фойдали томонларини синаб кўриш ҳамда ёввойи ҳайвонларнинг касалланганда қандай гиёҳларни истеъмол қилишини кузатиш орқали уларда баъзи содда тиббий тушунчалар шакланган”⁷. Чорвадор аҳоли кўллайдиган дорилар содда кўринишда бўлиб, асоси битта хом-ашёдан иборат. Масалан: томоқ оғриғи билан боғлиқ хасталикни даволашда турли табиий гиёҳлар билан томокни чайиш ёки ҳайвон ёғини танага суриш каби усуллар кўлланилган.

Дехқончилик билан шугууланувчи аҳоли. Дехқончилик инсондан ўтрок ҳаёт кечиришни талаб қилган. Шу сабабли дехқонлар ўзлари етиштирган маҳсулотдан имкон қадар турли хасталикларни даволашда фойдаланишган. Дехқонларнинг дори воситалари бир неча хом-ашёни аралашмаси кўринишида бўлади. Чунки, дехқонларда табиий гиёҳлар ёки шу гиёҳлар билан озиқланувчи ҳайвоннинг тана қисмларини топиш имкони чорвадорларга караганда камроқ. Табиба Р. Умарованинг фикрича, “тоғ гиёхининг топилавермаслиги сабабли дехқончилик килувчилар турдош воситалардан фойдаланган ёки гиёҳларни сунъий ўстиришган”⁸. Гиёҳларни сунъий равишда кўпайтириш буғунги кунда айрим гиёҳларнинг бутунлай йўқолиб кетиш хавфини камайтиради. Бу гиёҳларнинг кучи табиий турдагидан кам бўлганлиги учун унга кучайтирувчи қўшимчалар қўшишган. Масалан: томоқ оғригини даволашда турп ёки беҳи ичига асал солиб дори тайёрлашган. Чунки, ҳар иккиси алоҳида ҳолатда етарли самара бермайди.

3. Тиббий қуроллар турига кўра.

Аҳолининг машғулот тури табобатда кўлланиладиган жихозларга ҳам ўз таъсирини ўтказган. Чорвадор аҳоли қатлами табиатда учрайтидан жисмлардан ўз холича даволаш мақсадида фойдаланса, дехқонлар ва хунармандлар керакли жихозни кўпроқ кўлда ясашган. Чорвадорлар тайёрлайдиган содда дорилар учун алоҳида маҳсус

⁷ Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри Алномиши маҳалласи. 2016 йил.

⁸ Дала ёзувлари. Самарканд вилояти, Каттакўргон тумани Дамариқ маҳалласи. 2016 йил.

жихозлар талаб қилинмайди ва аксинча, мураккаб дориларни тайёрлаш учун маҳсус анжомлар зарур⁹. Мураккаб дорилар учун ховонча, тарози, турли маъданлардан қилинган қошиқларга бўлган талаб уларни юзага келишига сабаб бўлган. – Аҳоли машғулот турининг табобатга таъсирининг яна бир жиҳати қуидагича: ҳалк табобатида қон олиш жараёнида зулук, наштар, кортиқ (корик)дан¹⁰ фойдаланилади. Зулукни сув ва кўлмаклардан топиш имкони бўлгани учун, ундан кўпроқ дехкон, хунармандлар фойдаланган бўлса, кортикни чорвадорлар ишлатишган ва у қорамол шохидан тайёрланган. Аҳолининг яшааш тарзи ва машғулот турига кўра ҳалк табобатининг ўзига хос кўринишлари қуидаги расмда умумий хулоса ҳолида акс этган.

Чорвадорлар	Деҳқончилик қасби вакиллари
Табобат вакилларига нисбатан	
Эмпирик табобат	Мистик табобат
Дориворлардан фойдаланиш	
Содда дорилар	Мураккаб дорилар
Тиббий қуроллар	
Табиатдан олинган воситалар	Қўлда ишланган жиҳозлар

2-расм. Аҳолини машғулот турига кўра гурухларга ажратини.

Маҳаллий ўсимлик ва ҳайвонот дунёси. Табобатда доришунослик анъаналарига эътибор қаратилса, асосан гиёхлар, ҳайвонлар ва минераллар қўлланилади. Инсонлар ўzlари етиштирадиган маданий ёки яшааш жойига якин бўлган ёвойи ўсимликларни мунтазам кузатиши натижасида, уларнинг шифобахш хусусияти кашф қилинган. Ҳайвон аъзоларидан фойдаланиш ҳам шунга ўхшааш: кишилар даволашда ўzlари боқадиган ҳайвондан фойдаланишган. Масалан, араблар¹¹ тяянинг гўшти, сут маҳсулоти ва чиқиндиларидан,чувашлар¹² эса, отнинг тана аъзоларини ишлатишган.

⁹ Дала ёзувлари. Самарқанд вилояти, Каттакўргон тумани Баландчордара маҳалласи. 2017 йил.

¹⁰ Қон олиш ҳакида // Шарқ табобати. 2000. № 2–4. 19-бет.

¹¹ Каримова С. И smoил ал-Бухорийнинг табобатга оид ҳадислари // Шарқшунослик. 1999. № 9, 15-бет.

¹² Никонова Л. Традиционная медицина тюркских народов Поволжья и Приуралья как часть системы их жизнеобеспечения. Рузаевка: Рузаевский печатник, 2000. 78-бет.

Ўзбекларда корамол ва қўй маҳсулотлари кўпроқ ўрин эгаллайди. Чунки, чорвачиликнинг асосий қисми шу ҳайвонлардан иборат. Иккинчи томондан, инсон ўзи яшаб турган худуднинг флора ва фаунасини мунтазам истеъмол қилиши натижасида, танада шу маҳсулотларга нисбатан мослашиш юз беради. Бу ҳолат, маҳаллий хом-ашёлардан тайёрланган дориларнинг ножӯя таъсирларини олдини олган. Табиблар ҳам касалликка ташхис қўйишда хастанинг яшаш жойи, кўпроқ қандай маҳсулотларни истеъмол қилиши каби омилларга алоҳида эътибор қартишган¹³. Халқларнинг доришунослик анъаналарига эътибор қартилса, дори тайёрлаш усули ва унда ишлатилувчи жиҳозлар ўхшаш бўлгани билан хом-ашёда минтақавий фарқ кўзга ташланади.

Халқнинг диний қарашлари. Табобат анъаналарини диний қарашлар, қоидаларсиз тасаввур қилиш қийин. Дин табобат анъаналари ва табибларнинг ахлоқий меъёrlарини шаклланишида фалсафий асос бўлиб хизмат қиласди. Халқ табобати анъаналари ўша халқнинг диний қарашлари ва ақидалари билан боғлик. Масалан, хинд, Тибет табобати буддизм динига, Хитой табобати эса Дао ва конфуцийлик фалсафий қарашларига таянади¹⁴. Ўзбекларнинг табобат анъаналарига доир тозалик, поклик, беморлар билан муомала қилиш, тўғри овқатланиш каби ҳаракатлар зардустийлик, ислом дини қоидалари асосида мустахкамланган. Табобатнинг фалсафий жиҳатларини пайдо бўлиши ва тиб қоидаларини халқ томонидан қабул қилиниши, бажарилишида диний билимлар мухим ўрин тутади.

“Авесто”да соглом турмуш тарзи тарғиб қилиниб, инсон сув, ҳаво, ер ва тупрокни асраш кераклиги айтилган¹⁵. Бу қараш халқ табобатида мизож тъзимоти билан ҳамоҳанг келади. Табиблар инсон танасини совуқ ва иссиқ мижозга ажратиб ўрганиши ва тўрт унсурнинг танадаги сафро, қон, лимфа ҳамда савдога ажратиши билан муштарақлик касб этган. Инсон характеристери ва касалликларнинг сабаби ана шу тўрт унсурнинг нормада бўлиши ёки биттасини ортиб кетиши билан изоҳланади.


Марказий Осиёга ислом дини кириб келгач, халқ табобати анъаналарига ҳалол-ҳаром, тозалик ва поклик тушунчалари янада

¹³ Дала ёзувлари. Навоий вилояти, Кармана тумани Жалоир кишилоги. 2016 йил.

¹⁴ Кызыл ол М. Народная медицина Тывы: современное состояние и перспективы развития // НИИ медико-социальных проблем и управления Республики Тыва. 2015. № 1. 226-бет.

¹⁵ Абдуллаев Ш., Хакимов Д. “Авесто” ва тибиёт // “Шарқ ва Фарб: зардустийлик ва “Авесто”нинг гарб дунёқарашига таъсири” номли халқаро илмий-назарий семинар материаллари. Наманган: 2001. 21-бет.

кенгрок тадбиқ этилди. Шу билан бир каторда бадантарбия, тўғри турмуш тарзи, табибларнинг мажбуриятлари, ҳатто беморларни зиёрат килиш одоби каби жиҳатлар ҳам инобатга олинди¹⁶. Бу эса шарқ табобати анъаналарининг бошқа халқлардан фарқловчи сифатлардан бирига айланди, бунда табиб ва бемор ўргасида ишонч муҳим аҳамиятга эга. Ўтказилган сўровномада аҳоли табибнинг диний қарашларига кайдаражада эътибор беришини кўриши мумкин.



3-расм. Табиб қайси диний талабга жавоб бериши керак?

Расмга назар солинса, табибнинг намоз ўқиши борасида катта талаб кўйилмаса-да, лекин унинг мусулмон бўлиши муҳим аҳамиятга эга эканлиги маълум бўлади. Бунинг сабаби қуидагича:

Биринчидан, табибнинг диний қадрятларга бўлган муносабати, бевосита унинг иш фаолиятига ҳам таъсир ўтказади. Шу сабабли, кўпчилик аҳоли табибнинг динга бўлган муносабати муҳим ўрин тутишини таъкидлайди.

Иккинчидан, табиб шахси баҳолангандаги кишилар томонидан унинг диний қарашлари инобатга олинса-да, тўғри ёки нотўғри фаолият юритишими иш жараённида аниқлаш мумкинлиги ва улар учун кун тартибининг мавжуд эмаслиги ҳакимларнинг намоз ўқиши борасида мутлоқ катъий талаб кўйилмаганини кўрсатади.

Учинчидан, ислом дини инсон учун ҳалол нарсаларни буюрганлиги сабабли, бемор мурожаат қилувчи табиб ҳам мусулмон бўлишига (тўғрироғи ҳар иккى томон бир динга эътиқод килишига) катта эътибор беради. Бунинг сабаби сўралгандаги, аксарият беморлар, таъкидланган

¹⁶ Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Фарғона тумани Миндон қишлоғи. 2015 йил.

хом-ашёдан иборат дори бериши бизнинг диний қадриятларимиз туб моҳиятини тушунмайди деган холосага олиб келган. Бу фикрга қарши бўлганлар эса (29,6%) табиблик касби ёки табобат илми динга боғлик эмаслигини, мусулмон табибларда мавжуд бўлмаган даволаш турлари ёки дорилар бошқа дин вакилларидан топиш эҳтимоли борлигини келтириб ўтишган. Бу фикр тарафдорлари инсон саломатлиги тури диний қарашлар, эътиқодлар ва айрим таъкиклардан ҳам устун туради деган қарашни илгари сурадилар ва ҳатто улар орасида табиб буюрмасада, бошқалардан эшитган ҳолда баъзи ҳайвон гўштини истеъмол килганлар ҳам мавжуд.

Тўртингчидан, энг асосийси табибнинг шахси. Яъни, ҳар бир табиб шахс сифатида касбий ахлок нормаларини миллий қадрятлар ва диний қоидалар асосида шакллантиради. У ўз ҳатти-ҳаракатлари, даволаш воситалари, мулоқот этикети каби масалаларда диний ва жамоавий қарашларни инобатга олади. Шу каби омиллар мусулмон табибларга бўлган (баъзан бошқа миллат бўлса ҳам) талабни бошқаларга нисбатан юкорилигини таъминламокда. Демак, ахолининг катта қисми табибларнинг ўз дини доирасида даволаш амалларини бажаришини инобатга олиб, диний қарашлари бир бўлган табиблар хизматини афзал билишади.

Табобат анъаналарида минтақавий хусусиятларнинг пайдо бўлишига бир ҳудудда айрим касалликларни мунтазам кузатилиши (мавсумий ва касбий касалликлар) ёки оммавий юқумли касалликларни тез-тез учраши ҳам таъсир ўтказади. Бу каби ҳолатларнинг юзага келиш сабаби юкорида таъкидланганидек, иклим, ахолининг яшаш мухити ва бошқалар бўлиб, оқибатда шу ҳудудда маълум касалликларни даволашга ихтисослашган табибларнинг оммавий пайдо бўлишига олиб келди.

Юкорида тилга олинган усусларни табобат анъаналарини минтақавий жиҳатдан тадқиқ қилишда барча ҳудудлар ёки ҳалқлар учун ягона метод сифатида илгари суриб бўлмайди. Айрим ҳолларда хусусий ёндашув масалага бирмунча ижобий ойдинлик киритиши мумкин. Бугунги кунда ҳудуднинг географик жойлашуви, иктиносидий ҳолати, тиббиёт ва табобат анъаналарининг ўзаро трансформацияси ҳам долзарблик касб этади. Айрим ҳалқларда табобат анъаналарига бўлган муносабат давлатнинг замонавий тиббиёт ютукларини жорий қилиш динамикаси билан ўлчанса, бошқа ҳалқларда табобат илмига асосий соғлиқни сақлаш воситаси сифатида қаралиб, тиббиёт ютуклари муқобил вариант ўрнида талқин қилинади.

Ушбу омиллар асосида айтиш мумкинки, хусусий ҳолларда ахолининг этник таркиби, турмуш даражаси, мигрантлар оқими, шаҳарлашиш

(урбанизация), табобат анъаналарини қонуний ҳимоя қилиниши кабилар хам муҳим аҳамиятта эга. Ўрта асрларда ҳалқларнинг ўзаро савдо муносабатлари натижасида нафакат истеъмол товарлари, балки тиббий китобларнинг тарқалиши ва бир ҳудудда турли ҳалқ савдогарларининг узок вақт ўзаро үйғун ҳолда яшashi ҳам маданиятлар алмашинувига, қоришувига сабаб бўлган. Бу каби ҳолатлар барча ҳудудларда бирдек кечмаган, шунинг учун айрим ҳолларда масалага хусусий ёндашув талаб килинали.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, табобат усуулларини минтақавий жиҳатдан ўрганиш маҳаллий халқка хос анъана ва удумларни тадқик қилиш ҳамда табобатга тўла маълум бўлмаган айрим усуулларни ўрганиш имконини беради. Табобат анъаналарининг пайдо бўлиши ва ривожланиши кишилик тарихининг илк босқичига тақалиб, унга асрлар давомида эришилган барча ютуқлари жорий қилинган. Масалан: табобат куролларининг кўриниши, хунармандчилик усуулларнинг ривожини ўзида акс эттирган бўлса, табибларнинг ҳукуқ ва мажбуриятлари, уларнинг хотўғри муолажаси натижасида жавобгарликка тортилиши жамиятнинг ҳукуқий саводхонлигини белгилашда муҳим аҳамиятга эга. Табобатнинг минтақавий анъаналарини факат этнологик жиҳатдан ўрганиш етарли натижа бермайди, масалани тўлаконли ўрганиш учун унга комплекс равишда муносабат билдириш зарур. Шу сабабли халқ табобати анъаналари этнология, тиббиёт, психология, социология, биология, соғликтни саклаш соҳалари доирасида долзарблик касб этади.

Х. ЖУМАНАЗАРОВ

ХАЛҚ ТАБОБАТИ АНЬАНАЛАРИНИНГ МИНТАҚАВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ушбу мақолада халқ табобати анъаналарининг шаклланишида минтақавий омилларнинг таъсири ёритилган. Яъни, халқларнинг географик жойлашуви, машғулот тури ҳамда ушбу ҳолатларнинг ўша халққа хос этник анъаналарда ўз аксини топиши халқ табобати мисолида тадқик этилган. Шу билан бир каторда, аҳолининг диний қарашлари ва маҳаллий ўсимлик ҳамда ҳайвонот дунёсининг ўзига хослигини миллий анъаналар таъсири этиши ҳам эътибор олинган.

Калит сўзлар: географик жойлашув, машғулот тури, диний қарашлар, дехқончилик, чорвачилик, мистик табобат, эмпирик табобат, табиб, туркона (садда) ва мураккаб дорилар.

Х. ЖУМАНАЗАРОВ

РЕГИОНАЛЬНЫЕ ОСОБЕННОСТИ ТРАДИЦИЙ НАРОДНОЙ МЕДИЦИНЫ

В данной статье рассматривается влияние поясных факторов на формирование традиций народной медицины. В статье отражены географическое положение народов и вид занятий в этнических традициях. Основное внимание уделяется религиозным взглядам населения и самобытности местной флоры и фауны и влиянию этих факторов на национальные традиции.

KH. JUMANAZAROV

REGIONAL FEATURES OF FOLK MEDICINE TRADITIONS

The article features the impact of regional factors on the formation of national medicine traditions. That is, the geographical location of the peoples and the type of training are reflected in the traditional ethnic traditions of the people. At the same time, the focus is laid on religious views of the population and peculiarities of the local flora and fauna, as well as on the impact of such factors on national traditions.

МУАЛЛИФЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

Ф. Мақсудов	ЎзР ФА археологик тадқиқотлар институти катта илмий ходими, т. ф. н.
Н. Эгамбердиева	Низомий номидаги ТДПУ докторанти, т. ф. н., доцент
Д. Жамолова	ЎзР ФА Тарих институти таянч докторанти
А. Тоғаева	ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходими, т. ф. н.
С. Каримова	ЎзР ФА Шарқшунослик институти директори мувонини, т. ф. д.
Х. Тўраев	Бухоро давлат университети “Тарих” кафедраси профессори, т. ф. д.
А. Аширов	ЎзР ФА Тарих институти бўлим мудири, т. ф. д., профессор
Х. Жуманазаров	ЎзР ФА Тарих институти кичик илмий ходими

Муқовада: Богиня Хванинда. Бактрийский рельеф. Первая половина II в. до н. э.

На обложке: Хванинда маъбудаси. Бактрия рельефи. Эр. авв. II асрнинг биринчи ярми.

Тар. 23500€

Индекс 1027

ISSN 2010-7234. O'zbekiston tarixi. 2018. № 1